

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги**

**Тошкент молия институти**

**Ш. З. Абдуллаева**

# **БАНК ИШИ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**Тошкент – 2000 йил**

**Банк иши. Ўқув қўлланма Ш.З.Абдуллаева, Тошкент молия институти. Тошкент, 2000, 120 б.**

**Ушбу ўқув қўлланма «Банк иши» фани бўйича намунавий ўқув дастури асосида ёзилган бўлиб, режалаштирилган мавзуларнинг баъзиларини ўз ичига олган. Унда банклар, уларнинг моҳияти, функциялари, банкларнинг операциялари, кредитлаш жараёнини ташкил қилиш масалалари, Марказий банкнинг вазифалари ва функциялари, тижорат банкларининг иқтисодиётдаги роли ва функциялари, тижорат банклари фаолиятини ташкил қилиш асослари, тижорат банкларининг пассив, актив, воситачилик, траст операциялари, мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш усуллари, банкларнинг активлари ва уларнинг рисклилиқ даражаси, кредитлашнинг янги шакллари, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилиги, айланма маблағлар, уларнинг таркиби, ташкил қилиш манбалари, улардан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари мавзулари ёритиб берилган.**

**Ўқув қўлланма мутахассислик ва иқтисодий йўналиш фанлари бўйича билим олаётган талабаларга мўлжалланган. Аспирантлар ва ўқитувчиларга ҳам фойдали бўлиши мумкин.**

**Қўлланма ўқув юртлараро илмий методик кенгашининг 1999 йил 30 июлдаги 5 баённомаси ва Тошкент Молия институти илмий методик кенгаши қарори асосида чоп этилди.**

**«Банк иши» кафедраси**

**10 та жадвал, 4 та схема. Адабиётлар 198 номда.**

**Тақризчилар: и.ф.д., проф. Ашур Қодирович Қодиров  
и.ф.н., проф. Турабой Қоралиев**

**© Тошкент Молия институти, 2000.**

## МУНДАРИЖА

1-§. Банкларнинг келиб чиқиши ва моҳияти .....	3
2-§. Банкларнинг функциялари .....	6
3-§. Кредит тизими, унинг таркибий қисмлари.....	8
4-§. Марказий банк, уларнинг вазифалари ва функцияси .....	17
5-§. Тижорат банкларининг иқтисоддаги роли ва функциялари .....	21
6-§. Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилиш асослари .....	20
7-§. Тижорат банкларининг пассив операциялари.....	24
8-§. Тижорат банкларининг актив операциялари.....	28
9-§. Банкнинг комисион (воситачилик) ва траст операция- лари. Банклар ўртасидаги корреспондентлик муносабатлари.	35
10-§. Айланма маблағлар ва уларни ташкил қилишда банк кредитининг роли.....	37
11-§. Қисқа муддатли кредитлашни ташкил қилиш асослари.....	45
12-§. Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш усуллари.....	48
13-§. Алоҳида ссуда счётидан кредитлаш тартиби .....	61
14-§. Кредитлашнинг янги шакллари.....	67
15-§. Ломбард кредити ва вексел муомаласи асосидаги кредитлар .....	71

16-§. Қисқа муддатли кредитнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлашда банк назоратининг роли.....	73
17-§. Тижорат банкларининг активлари ва уларнинг рисклилик даражаси.....	75
.....	
18-§. Тижорат банкларининг тўловга лаёқатлилиги моҳияти ва аҳамияти.....	87
.....	
19-§. Тўловга лаёқатлилиқ асосий кўрсаткичлари ва аниқлаш усуллари.....	90
.....	
20-§. Тижорат банкларининг тўловга лаёқатлилигини мустаҳкамлаш йўллари	95
.....	
Адабиётлар рўйхати.....	98
.....	

## 1-§. Банкларнинг келиб чиқиши ва моҳияти

«Банк» деб пул маблағларини йиғувчи, сақлаб берувчи, кредит-ҳисоб ва бошқа ҳар хил воситачилик операцияларини бажарувчи муассасаларга айтилади.

Банклар пайдо бўлишининг асоси бўлиб товар-пул муносабатларининг ривожланиши ҳисобланади. Товар-пул муносабатларининг бўлиши ва уларнинг ривожланиб бориши барча ижтимоий-иқтисодий тузумларда банкларнинг ҳам бўлишини тақозо қилади.

Банклар ўрта асрларда пулдорлар томонидан пулни қабул қилиш ва бошқа давлат, шаҳар пулига алмаштириб бериш асосида келиб чиққан. Кейинчалик пулдорлар ўз бўш турган маблағларидан фойда олиш мақсадида, уларни вақтинча фойдаланишга маблағ зарур бўлган субъектларга ссудалар беришган. Бу ҳол пул алмаштирувчи пулдорларнинг банкирларга айланишига олиб келган.

«Банк» сўзи италянча «banca» сўзидан олинган бўлиб, «стол», аниқроғи «пуллик стол» деган маънони англатади. Ўрта асрларда италиялик пулдорлар ҳамёнларидаги, идишлардаги монеталарни стол устига қўйиб ҳисоб-китоб қилганлар.

XII асрларда Генуяда пул алмаштирувчиларни «bancherii» деб аташган. Агар пулдорлардан бирортаси ишончни оқламаса ва ўз ишига маъсулиятсизлик қилса, у ўтирган столни синдириб ташлашган ва уни «Banco rotto», яъни «банкрот» деб аташган. Бизга маълум бўлган «банкрот» сўзи ҳам италянча «banca» сўзидан олинган.

Банклар пайдо бўлишининг бошланғич нуқтаси бўлиб XVI асрда Флоренция ва Венецияда ташкил қилинган кичик жиробанклар ҳисобланади. Кейинчалик шундай банклар Амстердамда (1605 й.), Гамбургдаги (1618 й.), Миланда, Нюрнбергда, Генуяда вужудга келган. Бу банклар асосан ўз мижозлари-савдогарларга хизмат қилган, улар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб борган. Бу банклар ўз мижозларини монеталар таркиби бузилиши туфайли зарар кўришдан ҳимоя қилган. Улар ҳисобларни маълум суммадаги қимматбаҳо металлни ифодаловчи махсус пул бирлигида олиб боришган; жиробанклар ўзларининг бўш пул маблағларини давлатга, шаҳарларга, чет эл савдогарларига ссудага беришган.

Англия банк тизими (XVI аср) юзага келган ва ривожланган биринчи давлат ҳисобланади. Англия банкирлари олтин (олтинни сақлаб бериш) билан шуғулланувчилар (масалан, биз бу соҳада Лондонда банк ишини илк бор ривожлантирган Чайльд номли пулдорни айтишимиз мумкин) ва савдогарлардан келиб чиққан.

Тарихда биринчи юзага келган банк Англия банки ҳисобланиб, у 1694 йилда акциядор банк сифатида ташкил бўлган. Бу банк акциядор-эмиссион банк бўлиб, унга давлат томонидан банкнотлар чиқаришга рухсат берилган. Кейинчалик саноатнинг ривожланиши натижасида банклар бошқа мамлакатларда ҳам ташкил қилинган. Банкларнинг келиб чиқиши ва ривожланиш ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаражатлар ва талабларнинг ошиши, савдо капитали айланишининг тезлашуви билан боғлиқ бўлган. Натурал хўжалик муносабатларининг тугаши, савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланиши пуллик ҳисоб-китоблар олиб боришга, кредитнинг ривожланишига йўл очди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ёлланма меҳнатни жалб қилишга олиб келган. Ёлланма меҳнат учун ҳақнинг пул шаклида тўланиши, доимий пул айланишини юзага келтирди. Пул айланишини эса, банк томонидан бошқариш зарур эди. Шундай қилиб, банклар маблағларни йиғиш ва тақсимлаш орқали ссуда капитали ҳаракатини бошқара бошлади. Ссуда капиталистидан фарқли ўлароқ банкир тадбиркор сифатида ўз иш фаолиятини олиб борган.

Агар саноат соҳасидаги пулдор ўз капиталини саноатга, савдогар ўз маблағини савдога қўйса, банкир ўз капиталини банк ишига қўяди. Ссуда капиталисти асосан, ўз бўш капиталини қарзга берса, банкирлар асосан четдан жалб қилинган маблағларга таянади. Ссудага маблағ берувчи пулдорнинг даромади ссуда фоизи бўлса, банкирнинг даромади банк фойдаси ҳисобланади. Банклар корхона, ташкилот, давлат муассасалари, аҳоли бўш турган маблағларини жалб қилиш орқали катта ҳажмдаги капитални ўз қўлларида жамлайдилар ва даромад келтирувчи капитал ҳаракатини бошқариб борадилар. Банкларнинг йириклашуви ва улар фаолиятининг такомиллашуви уларнинг махсус корхоналар - кредит муассасаларига айланишига олиб келади.

Шундай қилиб, банк фаолияти халқ хўжалиги мавжуд бўлган бўш маблағларни жалб қилиш ва ссуда капиталини тақсимлашни ўз ичига олади. Банк ўз фаолияти давомида маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад банк жалб қилган ресурсларга йўллайдиган фоиз билан жойлаштирган ресурслари бўйича оладиган фоиз ўртасидаги фарқдан иборат бўлади.

## **2-§. Банкларнинг функциялари**

Банклар бажарадиган функциялар уларнинг бажарадиган вазифаларига қараб турли хил бўлиши мумкин. Бу мавзуда биз банкларга тааллуқли бўлган умумий функциялар тўғрисида гапириб ўтмоқчимиз. Кейинги мавзуларда биз алоҳида-алоҳида олинган ҳолда биринчи ва иккинчи звено банкларининг функциялари тўғрисида фикр юритамиз.

Шундай қилиб, банк тизими миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, банклар қуйидаги функцияларни бажаради:

- вақтинча бўш турган маблағларни йиғиш ва капиталга айлантириш;
- кредит муносабатларида воситачилик қилиш;
- тўлов жараёнларида воситачилик қилиш;
- муомалага кредит воситаларини чиқариш.

Халқ хўжалигидаги вақтинча бўш турган маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш - банкларнинг илк функцияларидан бири ҳисобланади. Бу функциянинг амалга оширилиши натижасида бир томондан, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар жалб қилинган маблағлари бўйича маълум миқдорда даромадга эга бўладилар, иккинчи томондан бу маблағлар банкларнинг кредитлаш қудратини ташкил қилади ва шу ресурсларга асосланган ҳолда банклар ссуда операцияларини олиб боради.

Вақтинча бўш пул маблағлар банклар иштирокисиз бир корхона (тармоқ) томонидан иккинчи корхона (тармоқ)га вақтинча фойдаланишга бериладиган бўлса, бу муносабатларни ташкил қилишда маълум қийинчиликлар юзага келиши мумкин:

биринчидан, кредитга сўралаётган сумма билан кредитга берилиши мумкин бўлган сумма ўртасида номутаносиблик бўлиши мумкин;

иккинчидан, ортиқча бўш маблағга эга бўлган корхонанинг маблағларни вақтинча фойдаланишга берадиган муддати маблағ зарур бўлган корхонани қониқтирмаслиги мумкин;

учинчидан, банклар иштирокисиз корхоналарни тўғридан-тўғри кредитлашда қарз берувчи қарз олувчи корхонанинг молиявий аҳволини тўлиқ ўргана олмаслиги мумкин. Қарз олувчининг тўловга лаёқатсиз бўлиши, кредитор корхонанинг ҳам молиявий аҳволининг ёмонлашувига ва бошқа салбий ҳолларга олиб келиши мумкин.

Халқ хўжалигидаги барча бўш маблағларнинг банк томонидан йиғилиши натижасида вужудга келадиган кредит ресурслар ҳисобидан қарз олувчи корхонага зарур бўлган суммада, зарур бўлган муддатда кредит беришга имконият яратилади. Ундан ташқари, банк корхоналарнинг тўловга лаёқатлилигини ҳар томонлама таҳлил қилиши, уларнинг молиявий аҳволини яққолроқ баҳолаб бера олиши мумкин.

Иқтисодий ривожланишининг ўсиши, банк кредитининг қўлланилиш кўламини кенгайтириб боради. Кредит фақатгина ҳар кунлик фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг қисқа муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки узоқ муддатга капиталга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтирилади. 60-йиллардан бошлаб банклар йирик мижозларга хизмат кўрсатишга ихтисослаша борди. Бу мақсадни амалга ошириш учун банклар маблағларни жалб қилиш миқёсини, истеъмол учун кредитлар бериш кўламини кенгайтди.

Тўловларда воситачилик функциясида банклар ўз мижозларининг топшириғига асосан тўлов жараёнларини амалга оширади, ҳисобварақларига маблағларни қабул қилади, пул тушумларининг ҳисобини олиб боради, мижозларга пул маблағларини беради.

Ҳисоб-китобларнинг банк орқали олиб борилиши муомала харажатларининг камайишига олиб келади. Мижоз мамлакат ичида ва бошқа мамлакат билан қийинчиликсиз ўз маблағларини банк орқали ўз ҳисобварақасидан бошқа корхона ҳисобварақасига ёки бошқа мамлакат банкига ўтказиши мумкин.

Муомалага кредит воситаларини чиқариш. Банк кредитининг манбаи фақат вақтинча бўш маблағлар ва капитал бўлиб қолмасдан, кредит асосида чек-депозит эмиссияси ҳам

амалга оширилади. Банк томонидан бериладиган кредит миқдори мавжуд жамғармалардан кўп бўлса, банк чек-депозит эмиссиясини амалга ошириши мумкин.

Ундан ташқари, кредит ёрдамида муомалага нақд пуллар - банкноталар чиқарилади.

Банк кредит пуллар чиқариш депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради.

### **3-§. Кредит тизими, унинг таркибий қисмлари**

«Кредит тизими» деб кредит муносабатлар мажмуаси ва кредит муносабатларни ташкил қилувчи ва амалга оширувчи кредит институтлар йиғиндисига айтилади. Кредит тизими орқали ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш маблағлари йиғилади ва корхона, ташкилотларга, аҳолига, давлатга вақтинча фойдаланишга берилади. Кредит тизими бир неча бўғинлардан иборат бўлиши мумкин. Маблағларни жалб қилиши ва тақсимланишига қараб кредит тизими бўғинлари ўз хусусиятларига эга бўлади. Жаҳон амалиётида кредит тизими ўзининг ташкил қилиниш турига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

- марказий банк;
- тижорат банклар;
- махсус-кредит институтлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида икки поғонали кредит-банк тизими кўп мамлакатлар иқтисодининг асоси ҳисобланади. Булар Марказий банк, банк институтлари ва нобанк кредит муассасаларидир.

Банк институтларига қуйидаги банклар киради:

- тижорат банклари;
- инвестиция банклари;
- жамғармалар жалб қилувчи банклар (Ўзбекистонда Халқ банки);
- ипотека банки;
- савдо банклари;
- ташқи иқтисодий алоқалар бўйича банклар
- тармоқлар бўйича ихтисослашган банклар ва бошқалар.

Нобанк кредит ташкилотларга:

- инвестиция компаниялари;
- суғурта компаниялари;
- нафақа ва бошқа фондлар киради.

Кредит тизимида асосий ўринни банк институтлари, банк институтлари таркибида салмоқли ўринни тижорат банклари эгаллайди. Тижорат банклари кредит тизимининг бошқа бўғинларига нисбатан кўпроқ бўш ресурсларни жалб қилади ва кўп миқдорда мижозларга кредитлар беради.

Махсус ихтисослашган кредит институтлари (банклар) тижорат банклари фаолиятини тўлдиради ва улар халқ хўжалигининг кам рентабеллик, кам фойдали тармоқларига (қишлоқ хўжалиги, уй-жой қурилиши, тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқалар) энгил шароитда кредитлар бериш йўли билан уларнинг фаолиятини рағбатлантириб, ривожлантириб боради. Банклар маълум белгиларига қараб қуйидаги турларга:

- мулк шаклига қараб: акциядор, ноакциядор, кооператив, коммунал, давлат, аралаш, халқаро банкларга;
- кредит берувчи банкларга;
- миллий мавқеи бўйича: миллий ва хорижий банкларга;
- фаолият кўрсатиши ва бажарадиган функцияларига қараб: депозит, универсал, ихтисослашган банкларга бўлинади.

Акциядор банклар акциядор компаниялар сифатида юзага келган банклар бўлиб акциялар чиқариш ҳисобидан улар капиталининг асосий қисми юзага келади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда банк тизимининг асосий қисмини акциядор банклар ташкил қилади.

Ноакциядор банклар пайчилар маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган банклар бўлиб, улар бир ёки бир неча шахс ихтиёрида бўлиши мумкин.

Маида ишлаб чиқарувчилар, ҳунармандларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида кооператив банклар ташкил қилинади. Бу банкларнинг маблағлари иштирокчиларнинг маблағлари ҳисобидан вужудга келтирилади ва мижозларга уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун энгил шароитда кредит берилади. Коммунал банклар ихтисослашган кредит ташкилотлар бўлиб, коммунал хўжалик

ва уй-жой қурилишини кредитлаш ва молиялаштириш билан шуғулланади.

Давлат банклари давлат ихтиёрида бўлган кредит муассаса бўлиб, ўзининг биринчи куртаклари қадимий Римда, Мисрда, кейинчалик XVI-XVII асрларда Европада вужудга келган. Давлат банкларининг қуйидаги турлари: марказий, тижорат банклари ва махсус кредит институтлар амалиётда бўлиши мумкин.

Аралаш банклар капитали давлат томонидан ва бир қисми хусусий капитал томонидан вужудга келтирилади. Халқаро банклар халқаро пул, ҳисоб ва кредит муносабатларини олиб боровчи банк бўлиб давлатлар ўртасида валюта, кредит ва молия муносабатларини бошқариб боради. Йирик халқаро банклар қаторига Европа ривожланиш ва тараққиёт банкни, Халқаро валюта фондини, Халқаро Молия корпорациясини, Халқаро ҳисоб-китоблар банкни, Европа инвестиция банкни ва бошқаларни киритиш мумкин. Хорижий банклар тўлиқ ёки қисман чет эл инвесторларига тегишли бўлган банклар бўлиб, улар ўз фаолиятини маҳаллий қонунлар доирасида олиб боради. Ҳозирги вақтда бундай банклар йирик банкларнинг шуъбалари сифатида фаолият кўрсатади. Баъзи давлатларда мавжуд депозит банклар жалб қилинган депозитлар ҳисобидан ҳисоб, кредит, ишонч операцияларини олиб боради. Депозит банклар, асосан, аҳоли жамғармаларини жалб қилиш ва жойлаштириш билан шуғулланади. Универсал банклар турли хил банк операциялари: депозит, кредит, ҳисоб, фоиз, воситачилик ва бошқа операцияларни бажарувчи банк ҳисобланади. Германия, Швейцария, Австрия каби мамлакатларнинг тижорат банклари универсал банклар ҳисобланади. Ихтисослашган банклар халқ хўжалигининг маълум соҳаларига хизмат кўрсатувчи, аҳолига хизмат кўрсатувчи банклардир.


Ихтисослаштирилган банкларнинг турлари сифатида инвестиция, жамғарма, ривожланиш ва тараққиёт банкларини келтириш мумкин. Кредит тизимининг яна бир қисми нобанк кредит муассасалари бўлиб, давлат ва корхоналарни молиялаштириш, узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланади. Ўзбекистонда 1997 йилда «Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Унда суғурта компаниялари, пенсия фондлари ва бошқа

фондларнинг маблағларидан оқилона фойдаланиш ва бу маблағларнинг самарадорлигини таъминлаш масаласи қўйилган. Гар бир мамлакатнинг кредит тизими ўз хусусиятига эга бўлиб, ривожланган йирик универсал банклар тармоқларининг кўплиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Германия энг юқори даражада ривожланган банк тизими ҳисобланади. Қуйидаги схемада Германия банк тизими келтирилади.

1- схема

### Германия банк тизимининг таркиби




Германиянинг кредит тизими бошида Бундесбанк туради. Унинг асосий бўғини юқори универсаллашган тижорат банклари ҳисобланади. Германия gros (йирик) банклари ташқи савдонинг 60% тўловини ўтказиб беради.

Биз таъкидлаганимиздек, Ўзбекистонда банк тизими икки поғонали бўлиб, банклар тизимининг биринчи поғонаси - бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидир, иккинчи поғонаси - тижорат банклари, уларнинг шуъбалари, чет эл банклари шуъбалари ҳисобланади.


Ўзбекистон Республикаси банклар тизимини кенгайтирган ҳолда қуйидаги схемада келтириш мумкин.

2-схема

Ўзбекистон Республикаси Банк тизими таркиби  
**I** поғона



## II поғона



1991 йилнинг 1 сентябрида Республикамиз мустақиллигининг эълон қилиниши тарихий бир воқеа бўлди. Мустақиллик бизга ўз-ўзимизни бошқаришни, имкониятларимиздан ўзимиз фойдаланиш, шахсиятимизни қайтиб олишимизга катта йўл очиб берди.

Бутун дунё мамлакатлари томонидан тан олинган бозор иқтисодиёти бизнинг республикамизга ҳам кириб келди. Шунинг учун ҳам республикамизда бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи замонавий банк тизимини яратиш зарурияти туғилди.

Мустақилликка эришилгунча қадар Ўзбекистон ҳудудидаги банк муассасалари собиқ Иттифоқ банк тизими таркибий қисмига кирар эди. Шу билан бирга бу банклар собиқ «Иттифоқ» банк тизими доирасидан ташқарида фаолият кўрсата олмасдилар. Банк тизими 3 турдаги банкларни:

Иттифоқ Давлат банки, Иттифоқ Қурилиш банки ва Иттифоқ Ташқи банкани ўзига оларди. Собиқ Иттифоқ банк тизимида Давлат банки монопол мавқеига эга бўлиб, ўз вақтида эмиссия институти, қисқа муддатли кредитлаштириш ва хўжаликларга ҳисоб-китоб операциялари бўйича хизмат кўрсатувчи марказ ҳисобланарди. Ҳамда эмиссия функцияларини, ҳам ҳисоб-китоблар ва кредитлар бўйича мижозларга хизмат кўрсатиш функцияларини бажаришни монополлашуви Давлат банкани давлат бошқарув ва назорат органига айлантирган эди.

Маъмурий буйруқбозлик даврида кредит муносабатлари иқтисодиётни бошқаришда формал характерга эга эди. Давлат банки кредит ресурслари бўйича чекланмаган монопол мавқега эга эди. Кредит ресурслари ва пул ресурслари ҳаракатини ҳам бошқариш, ҳам назорат қилиши давлат банкининг монопол таъсири остида эди. Капитализмга хос барча хусусиятларнинг инкор этилиши собиқ «Иттифоқ» банк тизимини тор доирада ривожланишига олиб келди. Марказлаштирилган банк бошқаруви асосида фаолият кўрсатган республика банклари тор доирада пул ресурслари ҳаракатини бошқарар, лекин уни бошқарувчилигини назорат қилиш собиқ «Иттифоқ» Давлат банки қўлида эди.

Иқтисодиётни бошқаришни марказлаштирилган усулидан воз кечиш ва бозор иқтисодиёти томон дастлабки қадамлар қўйилиши биланоқ марказлаштирилган банк тизимининг қатор камчиликлари рўёбга чиқди. Бу эса, банк тизимида туб ўзгаришларни амалга оширишини талаб этарди. Албатта, бу иқтисодиётга илк қадамлар қайта қуриш шарофати билан бозорга хос баъзи бир белгиларни тоталитар иқтисодиётга тадбиқ этилиши билан тушунилади.

Банк тизимини қайтадан ташкил этиш 1987 йилда бошланди. Бу жараёнда банк тизимининг ташкилий тўзилмасини ўзгартириш, банкларнинг ролини ошириш, иқтисодий тизимнинг ривожланишига уларнинг таъсирини кучайтириш, кредитни ҳаракатдаги иқтисодий дастакчага айлантириш кўзда тутилганди.

Қайта ташкил этиш жараёнининг биринчи босқичида давлат банкларининг янги тўзилмасини ташкил этиш бошланди. Қайта ташкил этиш модели қуйидагиларни ўз ичига олади:

- икки босқичли банк тизимини вужудга келтириш: Марказий эмиссион банк ва бевосита хўжаликларга хизмат кўрсатувчи ихтисослашган давлат банклари;

- ихтисослаштирилган банкларни тўлалигича хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини молиялашга ўтказиш;

- иқтисодий тизим доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан бўладиган кредит муносабатлари услублари ва шакллари такомиллаштириш.

Банк тизимини такомиллаштириш жараёни давомида давлат банки ўзининг кредит тизимидаги марказий ўрнини сақлаб қолган ҳолда корхона ва ташкилотларга кредит бериш ва улар билан ҳисоб-китобларни олиб бориш функциясини махсус ихтисослашган банкларга топширди. Яъни банкнинг эмиссион фаолиятини билан кредитлаш фаолияти бирга олиб бориш функциясига чек қўйилади.

Давлат банки ихтисослашган банклар фаолиятини бошқарувчи, барча банклар учун бир хил пул кредит сиёсатини олиб боровчи муассасага айланди. Банк тизимининг такомиллаштирилиши натижасида вужудга келган махсус ихтисослашган банклар: саноат қурилиши банки, коммунал қурилиш ва социал тараққиёт банки, Агросаноат банки, Миллий банк, Жамғарма банки хўжаликлар билан банклар ўртасидаги алоқалари тобора яқинлаштирилди. Ихтисослаштирилган давлат банклари ўзларида маълум даражада бошқарувчилик ролини сақлаб қолдилар. Банк тизимини такомиллаштириш жараёнида жуда муҳим натижаларга эришилди, лекин ташкил қилинган банклар иқтисодий муносабатларнинг хусусиятларини тўлиқ ифода қилолмасди. Шунинг учун ҳам банк тизимини такомиллаштиришнинг 2-босқичи объектив заруриятга айланди.

1988 йилдан бошлаб, икки босқичли банк тизими ташкил этила бошланди. Лекин бу даврда, биринчидан, марказлашган режалаштиришда Марказий банкнинг роли ҳали ҳам юқори эди, иккинчидан, соҳалар деярли ҳамма қисми билан давлат тасарруфида эди.

Ўзбекистон Республикасида икки босқичли банк тизимини ташкил этишга реал асос 1991 йил 15 февралда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» қонуни ҳисобланади. Бу қонунга биноан давлат бошқарув органлари республика Марказий банки фаолиятига аралашмасликлари керак. У фақат Республика Олий Мажлисига ҳисобот беради. Бу қонунни

амалга тадбиқ этиш, асосан, Республикамиз ўз мустақиллигини кўлга киритгандан сўнг бошланди. Тижорат банкларининг сони тобора ошиб борди.

Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич йўлини танлаганлиги боис, 1-босқичдаги кредит-пул сиёсати соҳасидаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат қилиб қўйилди:

- Марказий банк ҳамда кенг тармоқли мустақил тижорат ва хусусий банклар бошчилигида икки босқичли банк тизимини вужудга келтириш, республика ҳудудида йирик чет эл банкларининг бўлимлари ва ваколатхоналарини очиш учун қулай шароит яратиш;

- барқарор пул муомаласини таъминлаш;

- кредит ва нақд пул массасининг асоссиз ўсишини кескин чеклаш;

- Ўзбекистон Республикасининг миллий пулини муомалага киритиш учун зарур иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлари ҳамда имкониятларни яратиш.

Биринчи босқичда белгиланган вазифаларни бажарилишига жадал киришилиши республика банк тизимининг замонавийлашган кўринишини олишига олиб келди. Ҳозирда республикада кенг тармоқли банклар замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолда хўжаликлар, ташкилотлар, аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

#### **4-§. Марказий банк, уларнинг вазифалари ва функцияси**

Марказий банк-пул-кредит сиёсатини эмиссия жараёнларини олиб борувчи, кредит тизимининг бош банки ҳисобланади.

Биринчидан, Марказий банклар қарийиб уч юз йил олдин тижорат банкларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Булар 1668 йилда ташкил қилинган Швед Риск банки, 1694 йилда ташкил қилинган Англия банкидир. Европа мамлакатларида Марказий банклар анча кечроқ, асосан, XVIII асрнинг иккинчи ярмида фаолият кўрсата бошлаган.

Банклар пайдо бўлган даврларда марказий (эмиссион) ва тижорат банклар ўртасида бўлиниш бўлмаган. Ривожланган мамлакатларда тижорат банклар капиталларни йиғиш

мақсадида муомалага банкноталар чиқарганлар. Банкларнинг йириклашуви, банк ишининг ривожланиши натижасида банкноталарни муомалага чиқариш йирик тижорат банклар кўлига ўта борган ва бирор йирик банк ихтиёрига берилган. Бу банк миллий ёки эмиссион банк, кейинчалик Марказий банк деб аталган. Марказий банк, яъни кредит системасини бошқариб турувчи, барча банклар фаолиятини назорат қилиб турувчи кредит институти сифатида намоён бўлади.

Жаҳон амалиётида Марказий банклар вужудга келишининг икки асосий йўли мавжуд:

Биринчи йўл - узоқ давр давомида тижорат банкларнинг ривожланиши натижасида, уларни миллийлаштириш йўли билан Марказий банкларнинг ташкил қилиниши. Масалан Франция банки 1880 йилда, Германия Рейхсбанк - 1875 йилда, Италияда - 1893 йилда, Испанияда - 1874 йилда эмиссион марказ сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Иккинчи йўл - ташкил қилингандаёқ Марказий банк эмиссион марказ сифатида қабул қилинган банклар. Бундай банкларга АҚШнинг федерал банклари (1913) кўпгина Лотин Америка мамлакатларидаги банклар, Австрия банки ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

АҚШда Марказий банк фракциясини 12 федерал резерв банкдан иборат Федерал Резерв Система бажаради. Федерал резерв банклар акциядор банклар бўлиб, бу банкларнинг акциядор сифатида миллий тижорат банклари фаолият кўрсатади. Тижорат банклар акциядор сифатида дивиденд олишади. Дивиденд миқдори 6% дан ошмаслиги керак.

Марказий банклар ижрочи ташкилотлар таъсирисиз, ўз фаолиятини олиб бориши керак.

Жаҳонда ўз фаолиятини олиб боришда энг мустақил бўлган банклардан бири Немис федерал банки - Бундесбанк ҳисобланади. Баъзи бир давлатларда Марказий банк парламентга ҳисобот беради. Кўпгина ҳолларда Марказий банкларнинг мустақиллиги нисбий характериға эға бўлиб, улар Давлат банки ҳисобланади. Марказий банк орқали давлатнинг иқтисодий сиёсати олиб борилади.

Бозор иқтисоди шароитида Марказий банкнинг асосий мақсади - пул-кредит тизими ва валюта барқарорлигини таъминлаш асосида иқтисодий ўсишға эришишдан иборат.

Гозирги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонун асосида фаолият кўрсатмоқда.

Марказий банк ҳуқуқий шахс сифатида давлат мулкига асосланган бўлиб, иқтисодий жиҳатдан мустақил муассаса сифатида харажатларни ўз даромадлари ҳисобидан қоплаши керак.

Ўзбекистонда замонавий банк тизими 2 босқичли усулда ташкил этилган: Марказий банк ва тижорат банклари. Марказий банк кенг тармоқли тижорат банклари ўртасидаги соғлом рақобат курашидаги назоратчи вазифасини бажаради.

Республика Марказий банки ўз миқёси ва фаолият доирасига кўра республикамиздаги энг йирик банк ҳисобланади. Марказий банкнинг асосий мақсади, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат ва монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантиришдан иборат.

Марказий банкнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиётни пул-кредит ричаги ёрдамида бошқариш.
2. Ҳисоб-китоб ва пул ўтказиш операцияларини бажаришни йўлга қўйиш.
3. Тижорат банклари фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш.
4. Бошқа кредит муассасалари касса захираларини сақлаш.
5. Расмий олтин - валюта захираларини сақлаш.
6. Ҳукумат учун ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини бажариш.
7. Тижорат банкларига кредит бериш.
8. Пул эмиссияси.

Марказий банк - ўз сарф харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи иқтисодий жиҳатдан мустақил муассасадир. Марказий банкнинг мол-мулки унинг пул ва бошқа моддий бойликларидан иборат бўлиб, уларнинг қиймати Марказий банк балансида акс эттирилади. Ўзбекистон Марказий банки юқоридаги вазифаларига қўшимча равишда қуйидаги вазифаларни ҳам бажаради:

Монетар сиёсатни ва валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, самарали ҳисоб-китоб тизимини ташкил этиш ва таъминлаш, банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, олтин ва валюта захираларини сақлаш ва бошқариш, давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборат.

Марказий банк молиявий ёрдам кўрсатиш ва тижорат фаолияти билан шуғулланмайди. Республика Марказий банкининг устав капитали 2 млрд. сўм деб белгиланган. Шунингдек, Марказий банк солиқлар ва божлардан озоддир. Марказий банк келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва ҳар йили кейинги молия йили бошланишидан 30 кун олдин Олий Мажлисга бу ҳақида ахборот беради.

Марказий банк пул-кредит, молия, валюта ва нарх муносабатларининг аҳволига асосланиб муомаладаги пул массасининг битта ёки бир қанча кўрсаткичлари ўзгаришининг аниқ мўлжалларини белгилаш мумкин. Шунингдек, ўз ҳисоб ва кредит операциялари бўйича ставкаларни мустақил равишда белгилайди.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситасида банкноталар ва танга кўринишида пул белгиларини муомалага чиқаради. Марказий банк ва у ваколат берган банклар талабга кўра, бир номинал қийматдаги банкнота ва тангаларни бошқасига ҳеч қандай тўловсиз ёки воситачилик ҳақисиз алмаштириб беради. Нақд пул маблағларини муомалага чиқариш ва қайтариб олишни фақат Марказий банк амалга оширади. Марказий банк валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш давлат органидир. Шунинг билан бирга Марказий банк юридик ва жисмоний шахсларга чет эл валютасида операциялар ўтказишга лицензиялар беради ва миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш тартибини белгилайди.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг банкири, маслаҳатчиси ва хазина вакили сифатида иш тутади. Марказий банк банкларни рўйхатга олади ва уларга банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар беради.

Марказий банк бошқа банклар билан ўзаро муносабатга киришади. Бунда Марказий банк ва бошқа банклар бир-

бирларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, улар шундай жавобгарликни ўз зиммасига ўзлари олган ҳоллар бундан мустасно.

Марказий банк ҳукумат муассасалари ва ташкилотлари, хазина, маҳаллий, ҳукумат органлари ҳисобларини юргизади, давлат қимматли қоғозлари юзасидан операцияларни бажаради, ҳукумат органи топшириғи билан олтин ва чет эл валютаси операцияларни ўтказиши.

Пул ўтказиш операцияларига ўсиб бораётган талабни қондириш учун хизмат қилувчи механизм сифатида, Марказий банк клиринг марказлари тузилди. Бу марказлар йирик тижорат банклари қошида ёки алоҳида ҳисоб-китоб-касса марказлари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда Республикада фаолият кўрсатаётган ҳисоб-китоб-касса марказларининг сони 14 та бўлиб, улар электрон усул билан республика ичидаги тўловларни 65 фоиз дан ортиғини ўтказиш муддатини 1-2 кундан оширмасдан ўтказиб беришмоқда.

Марказий банк республика Молия вазирлиги билан ҳамкорликда республикада пул-кредит сиёсатини олиб бориш, ислохотлар ўтказиш ва амалга ошириш ишларини бажаради.

### **5-§. Тижорат банкларининг иқтисоддаги роли ва функциялари**

Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан банк - тижорат муассасаси бўлиб, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни ўз номидан, тўловлилик, муддатлилик, қайтиб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа банк операцияларини бажаради.

Баъзи адабиётларда «банк - бу корхона», деб ҳам изоҳ берилади. Маълумки, банк яхлит олинган корхона сифатида ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширмайди. Тижорат банкларининг фаолиятини корхона фаолиятига шу жиҳатдан ўхшатиш мумкинки, тижорат банклари ҳам корхоналар сингари ўз фаолиятини, ўз даромадини кўпайтиришга ва шу асосда биринчидан, ўз асосчилари - акциядорларининг манфаатларини, иккинчидан, ўз мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат.

Тижорат банкларини бизнинг фикримизча шунчаки «корхона» эмас, «махсус корхона» деб қараш зарур. Чунки тижорат банклари ссуда капитали ҳаракатини амалга оширади ва шу асосда банк ўз акциядорларига, пайчиларига фойда олишни таъминлайди.

Тижорат банклари банк тизимининг муҳим бўғини бўлиб, кредит ресурсларнинг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар ҳуқуқий, жисмоний шахсларга ўз хизматларини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари банк тизимининг Марказий банкдан кейинги иккинчи поғонаси ҳисобланади.

1987 йилдан бошлаб ташкил қилинган банк тизими бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келувчи банк тизимининг бошланғич пиллапояси ҳисобланади.

Охирги йилларда тижорат банкларининг сони, улар бажарадиган операциялар, уларнинг устав фонди ва қўйилмалар салмоғи ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 30 дан ортиқ тижорат банклари фаолият кўрсатмоқда. Салмоқли устав фонди, кредит ресурслар ва мижозларга эга бўлган - катта банклар Ўзбекистон саноат қурилиш банки, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки, Пахта банк, Асакабанк ва бошқалар кенг фаолият олиб бормоқда. Тижорат банкларни ташкил қилишдаги устав капитали миқдори 2000 йил 1 январда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи банклар учун 20 млн. экю эквиваленти миқдоридagi маблағга эга бўлиши керак. Тижорат банкларини белгиларига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин. Мулкчилик шаклига қараб банклар: давлат банкига, акциядор банкларга, кооператив, хусусий, минтақавий, аралаш мулкчиликка асосланган банкка бўлинади. Юксак ривожланган мамлакатларда тижорат банкларнинг аксарият қисми мулк шакли бўйича акциядор банк ҳисобланади.

Акциядор банклар акциядор жамият каби очиқ турдаги ёки ёпиқ турдаги акциядор банклар бўлиши мумкин. Акциядорлар сафига кириш акцияларни сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Ҳуқуқий ва жисмоний шахслар банкларнинг акцияларини сотиб олиши ва акциядорлар бўлиши лозим.

Баъзи тижорат банклари пайлар (бадаллар) ҳисобидан ташкил қилиниши мумкин. Бу турдаги банкларнинг

қатнашчилари ҳам ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Хусусий банклар - жисмоний шахснинг пул маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган банклар ҳисобланади.

Бажарадиган операцияларига қараб тижорат банклар - универсал ва махсус банкларга бўлинади.

Универсал банклар хилма-хил операциялар бажариш, ҳар хил хизматлар амалга ошириш хусусиятига эга бўлади. Махсус банклар маълум йўналишларга хизмат кўрсатиб, ўз фаолиятини шу йўналишларда ютуқларга, самарадорликка эришишга бағишлайди. Бундай банкларга тармоқларга хизмат кўрсатувчи банклар, экспорт-импорт операцияларини олиб борувчи банклар, инвестиция банклари, ипотека-замин банклари кириши мумкин.

Жойлашиш белгисига қараб тижорат банклар: халқаро, республика, минтақавий, вилоят банкларига бўлиниши мумкин.

Тармоқларга хизмат кўрсатишга қараб: саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалик, савдо ва бошқа банкларга бўлиниши керак.

Бозор иқтисоди шароитида банкларнинг роли, уларнинг иқтисодга таъсири ўсиб бормоқда.

Кредит муассасалари, аҳоли, корхона, ташкилотлар, компанияларнинг бўш пул маблағларини йиғиш ва жойлаштиришдан ташқари, корхоналарнинг хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам беради ва корхоналар фаолияти устидан назорат олиб боради.

Банклар ва унинг кредити ёрдамида мавжуд капитал тармоқлар ўртасида, ишлаб чиқариш ва муомала соҳасида тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшимча инвестицияга бўлган талабларни молиялаштириб, банклар халқ хўжалигида прогрессив ютуқларга эришишни таъминлаши мумкин.

Тижорат банкларининг иқтисодий роли унинг фаолият доирасининг кенг бўлишига олиб келади.

Тижорат банклари қуйидагиларни бажаради:

- вақтинча бўш турган пул маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш;
- корхона, ташкилотлар ва аҳолини кредитлаш;
- муомалага кредит пуллар (муомаланинг кредит воситалари) ни чиқариш;

- халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш;
- молия - валюта бозорида фаолият кўрсатиш;
- иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш.

Банклар бўш пул маблағларини йиғиш ва уларни капиталга айлантириш функциясини бажара туриб мавжуд бўш пул даромадлари ва жамғармаларни йиғади. Жамғарувчи (бўш пул маблағи эгаси) ўз маблағларини банкка ишониб топширгани учун ва банк бу маблағлардан фойдалангани учун маълум фоиз ҳисобида даромад оладилар. Бўш пул маблағлари ҳисобидан ссуда капитали фонди вужудга келади ва бу фонд халқ хўжалиги тармоқларини кредитлаш учун ишлатилади.

Тижорат банклар фаолиятида асосий ўринни корхона, ташкилотларни, аҳолини, давлатни кредитлаш эгаллайди. Кредитлаш жараёнини ташкил қилишда банк молиявий воситачи ролини ўйнайди. У бўш турган маблағларни жалб қилади ва ўз номидан мижозларга вақтинча фойдаланишга беради. Банк кредити ҳисобидан халқ хўжалигининг муҳим тармоқлари - саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқалар молиялаштирилади ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга асос бўлади.

Муомалага кредит пулларни чиқариш функцияси тижорат банкларни бошқа молия институтларидан ажратиб туради. Тижорат банклари депозит-кредит эмиссия қилганида, ссудалар берганида пул массаси ошади ва ссуда банкка қайтарилганда муомалада пул массаси камаяди.

Тижорат банклари кредит пулларни яратишнинг эмитенти ҳисобланади. Тижорат банк томонидан мижозга берилган кредит унинг ҳисоб рақамига ўтказилади ва банкнинг қарз мажбурияти ортади. Мижоз бу маблағнинг маълум қисмини нақд пул шаклида ҳисоб рақамидан олиши мумкин. Бу ҳолда муомалада пул массасининг миқдори ошади. Шунинг учун ҳам тижорат банклар фаолияти устидан Марказий банк назорат олиб боради.

Тижорат банкларнинг муҳим функцияларидан бири-ҳисоб-китобларни олиб боришдир. Ҳисоб-китобларни олиб боришда банк мижозлар ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банклари яна қимматли қоғозлар чиқариш ва жойлаштириш билан шуғулланиши мумкин.

Тижорат банклари иқтисодий аҳволни назорат қила бориб, миждозларга ҳар-хил ахборотлар, маслаҳатлар бериши мумкин.

Акциядор тижорат банкларининг юқори органи - акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Гар йили акциядорларнинг йиғилиши уставдаги ва устав капиталидаги ўзгаришларни, йиллик фаолият ва унинг натижаларини, банк даромадларини тасдиқлаш, Банк Кенгаши таркибини сайлаш банкнинг шуъба муассасаларини ташкил қилиш ва бекор қилиш каби масалаларни кўриб чиқиши мумкин.

Тижорат банклари қуйидаги операцияларни бажаради:

- пассив операциялар;
- актив ссуда операциялари;
- банк хизматлари ва воститачилик операциялари;
- банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган операциялар ва бошқалар.

Тижорат банкларни очишга лицензия (рухсатнома)ни Марказий банк беради. У тижорат банклар фаолиятини олиб бориш бўйича иқтисодий нормативлар белгилаб беради ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб боради.

## **6-§. Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилиш асослари**

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг фаолияти фойда олишга йўналтирилган бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида банк фойдасининг иқтисодий моҳияти янгича ижтимоий-иқтисодий тус олиб бормоқда. Чунки тижорат банкларининг фойдаси банк капитали тўпланишининг ва банк ривожланишининг асосий манбасидир.

Банк фойдасининг ўсиб боришига таъсир қиладиган бир неча хил омиллар мавжуд бўлиб, булар: банкнинг рентабеллиги, вақтинча бўш маблағларнинг самарали ишлатилиши, турли хил пуллик хизматлар кўрсатиш доирасини (факторинг, лизинг, траст хизматлари ва ҳ.к.) кенгайтириш, фойда келтирмайдиган активларни камайтириш, фойда келтирувчи активларни кўпайтириш ва бошқа омиллар ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланиш босқичида тижорат банкларининг асосий иш тамойилларидан бири-юқори даражада фойда олишга қаратилган бўлади. Банкларнинг фаолияти доимо

фойда кўриш билан боғлиқ бўлмасдан, улар фаолиятида зарар кўриш эҳтимоли ҳам учраб туриши мумкин. Банклар фаолияти ижобий бўлган ҳолларда, уларнинг фойда олиш ва салбий фаолият натижасида, банкларнинг зарар кўриш эҳтимоли юқори даражада бўлади. Юқорида айтилган фойда келтирувчи резервларни амалда татбиқ қилиш жараёнида, банкнинг иш фаолияти иқтисодий жиҳатдан риск (зарар кўриш эҳтимоли) билан боғлиқ бўлади.

Тижорат (акцияли, пай асосида ва хусусий тартибда ташкил қилинган) банклар ҳуқуқий ва хусусий шахсларга «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» қонунда назарда тутилган операцияларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш орқали шартнома асосида кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа хил банк хизматларини кўрсатади.

Тижорат банклари устав капитали кимга қарашли эканлигига ва уни ташкил қилиш услубига қараб, бажарилаётган операцияларнинг тури, фаолият кўрсатиш ҳудуди ва тармоқ белгиларига қараб бир-биридан фарқ қилади. Республикада, минтақаларда кўзда тутилган маълум дастурларни бажариш ва ўзга фаолият турларини пул маблағлари билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳужжатларида назарда тутилган тартибда махсус тижорат банклари ташкил этилиши мумкин.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан тегишли лицензияни олганларидан кейин чет эл валютасида операцияларни амалга оширадилар.

Тижорат банклари ўз уставлари асосида иш олиб борадилар. Давлат тижорат банкининг устави банкни тузишга қарор қилган орган томонидан тасдиқланади. Шерикчилик асосида тузилган тижорат банкининг устави муассислар (қатнашувчилар) йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Банкнинг уставида:

- банкнинг номи ва унинг манзили (алоқа манзили);
- банк амалга оширадиган операцияларнинг рўйхати;
- банк ташкил этадиган фондларнинг рўйхати;
- устав фондининг миқдори;
- банкнинг ҳуқуқий шахс эканлиги ва ўзини-ўзини молия ресурслари билан таъминлаши негизида ишлаши тўғрисидаги низом;

- банкнинг бошқарув идоралари, уларнинг таркиби ва тузилиши тўғрисидаги низом;
- банкга қарашли муассасаларнинг рўйхати ва уларнинг мақоми;
- банк ва унинг филиалларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби;
- фаолияти тўғрисидаги маълумотларни матбуотда эълон қилиш мажбурияти (тартиби);
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ўзаро муносабатлари акс эттирилган бўлиши лозим.

Шерикчилик асосида тузилган банкнинг устави юқорида келтирилган талаблардан ташқари, акциядор жамиятлар ва масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги қонунларда кўрсатилган талабларга жавоб бериши лозим.

Банк уставга банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бошқа қоидалар ҳам киритилган бўлиши мумкин. Уставга ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси қонунларидаги ўзгартишлар муносабати билан киритилади.

Акциядор тижорат банкларининг устав фонди қатнашчиларнинг бадаллари ҳисобидан ёки акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобидан вужудга келтирилади.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг ҳамма бўлимлари ва уларнинг ижроия органлари, сиёсий ташкилотлар ва ихтисослашган жамоат фондларидан ташқари барча ҳуқуқий ва хусусий шахслар тижорат банкларининг муассислари (хиссадорлари), акциядорлари бўлишлари мумкин.

Тижорат банкларини ташкил қилишда ёки фаолият кўрсатаётган банкларда ҳар бир муассис, акциядорнинг улуши устав капитал миқдорининг 30 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 10-сонли «Тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштириш қоидалари» номли Йўриқномасига асосан тижорат банкларини ташкил қилишда улар қуйидаги миқдорда минимал устав капиталига эга бўлишлари лозим.

2000 йил 1 январдан бошлаб аҳолиси 0,5 млн.дан ортиқ бўлган шаҳарларда очиладиган тижорат банкларнинг устав капитали 2,5 млн. АҚШ доллари эквивалентидаги маблағга, аҳолиси 0,5 млн.дан кам бўлган шаҳарларда очиладиган банклар 1,25 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги эквивалент маблағга эга бўлиши керак.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги амалдаги қонунларига мувофиқ солиқлар тўлайдилар.

Қуйидаги маблағлар банкларнинг ўз маблағлари ҳисобланади:

устав фонди;

резервлар ва фойда ҳисобига вужудга келадиган ҳамда банкнинг балансида турадиган бошқа фондлар;

тақсимланмаган фойда, акциячилар ёки пайчилар ўртасида акцияларни тақсимлаш ҳисобига ёхуд пай миқдорини ошириш ҳисобига олинган маблағлар.

Тижорат банклари йўл қўйилиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун олинадиган фойдадан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгилаб қўйилган тартибда резерв фондлари ташкил этадилар.

Тижорат банклари шартнома асосида бир-бирларининг маблағларини депозит, кредит шаклида жалб этишлари, жойлаштиришлари, ўз уставларида кўрсатилган бошқа ўзаро операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Мижозларга кредит бериш ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш учун маблағ етишмай қолган тақдирда тижорат банклари кредит ресурслари олиш учун Марказий банкка мурожаат қилишлари мумкин.

Тижорат банклари операциялари бўйича фоиз ставкалари уларнинг ўзлари томонидан мустақил белгиланади. Аммо бу ставкалар давлат пул-кредит сиёсатининг бош йўналишларида белгилаб бериладиган фоиз ставкалари сиёсатига асосланган ҳолда ҳар йили Марказий банки томонидан белгиланадиган энг юқори ставкалардан ортиқ бўлмаслиги керак. Масалан, тижорат банклари кредитлар бўйича фоиз ставкаларини белгилаганларида, улар фоиз ставкасининг асоси қилиб, Марказий банк томонидан белгилаб берилган қайта молиялаштириш ставкасини оладилар. Тижорат банклари кредит бўйича фоиз ставкасини ўрнатганда қайта молиялаштириш ставкасини 1,5 мартагача оширишлари мумкин. Масалан, ҳозирги кунда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси 3,0 фоизга тенг. Демак, тижорат банки томонидан бериладиган кредит бўйича фоиз ставка ойига 4-4,5 фоиз ( $3,5 \times 1,5$ ), йилига 54 фоиз ( $4,5 \times 12$ ) атрофида бўлиши керак.

Банклар билан мижозлар ўртасидаги муносабат шартномавий характерга эга бўлади.

Мижозлар ўзларига кредит ва касса хизматини кўрсатадиган банкни мустақил танлайдилар.

Тижорат банклари қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар олиб борадилар.

Тижорат банклари фонд бозорларининг келишувларида актив ва бевосита иштирок этавермайдилар. Масалан: АҚШдаги тижорат банкларига қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операцияларни ўтказиш, фонд биржаларига аъзо бўлиш таъқиқланади.

1933 йилда (Гласс-Стигал қонуни) қабул қилинган қонунга мувофиқ тижорат банклари саноат компанияларнинг облигациялари ва акцияларини чиқаришни ташкил қилишда иштирок эта олмайдилар. Шунга қарамай қонунда жуда кўп истиснолар мавжуд бўлиб, улар банкка пулларни оператив кўйиш, давлат қимматбаҳо қоғозларини чиқаришни ташкил этиш, штат ва маҳаллий ҳокимият органларнинг облигациялари, шунингдек турли халқаро ташкилотлар ва федерал муассасалар чиқарган қарз ҳужжатларни (мажбуриятлари) билан ишлаш ҳуқуқини беради. Булардан ташқари банкларга ўзларининг мижозлари ҳисобига, саноат компанияларининг акция ва облигацияларини сотиш ва сотиб олиш каби брокерлик функцияларини бажариш рухсат этилган. Шу билан бирга Америка тижорат банклари саноат компаниялари ва фирмаларининг акция пакетларини ҳақиқий эгаси сифатида траст операцияларининг (қимматбаҳо қоғозлар портфелларини бошқариш операциялари) катта ҳажмини амалга оширадилар.

АҚШда тижорат банклари брокер фирмалари ва инвестицион компанияларнинг асосий кредиторлари ҳисобланади. АҚШнинг еттита йирик инвестицион компанияларининг 40 фоиз дан 80 фоизгача активлари тижорат банклари кредити ҳисобидан таъминланади.

Японияда тижорат банкларининг фонд биржаларига аъзо бўлиши таъқиқланган. Лекин улар лицензия олган ҳолатда, қимматбаҳо қоғозларни ҳамма турини ўзларининг счетлари бўйича ёки мижозларнинг топшириқлари бўйича сотиш ва сотиб олиш (брокер компаниялари ва биржага аъзо бўлган фирмалар воситачилигида) ҳуқуқига эгадирлар. Булардан ташқари

тижорат банклари давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари билан бўлган тез муддатли операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Узоқ вақт япон тижорат банкларида янги қимматбаҳо қоғозларни воситачилик функцияларни амалга ошириш ҳуқуқлари бўлмаган. Фақат 1981 йили уларга давлат облигацияси ва саноат компаниялар облигациясини биржа ташқарисида воситачилик қилишга рухсат этилган. Шунингдек, япон тижорат банкларига мижозларнинг қимматбаҳо қоғозларни бошқариш ман этилган.

Банк муассасаларининг қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операцияларига актив қатнашишига Германия тажрибаси ёрқин мисол бўла олади.

Бу давлатда қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган ҳамма операцияларда фақатгина тижорат банклари қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Аслида Германия давлатида брокер компаниялар ва фирмалар йўқ. Тижорат банки функцияларининг унверсаллиги мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларига юқори даражада жавоб беради. ФРГнинг қимматбаҳо қоғозлар бозорини банк муассасаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг бу бозордаги роли жуда катта.

Банклар катта миқдорда облигациялар чиқаради, инвестицион группаларнинг эгалари йирик инвесторлик вазифасини бажаради, уларга қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операциялар хажмининг энг катта қисми тўғри келади, банк синдикатлари давлат қарз хужжатларини чиқариш ва тарқатишда катта жонбозлик кўрсатади.

Банк облигацияларни чиқариш учун 3 та асосий шартни бажариши зарур;

- молиявий кўрсаткичлар пропорциясини сақлаш;
- банк молиявий аҳволининг ошкоралиги;
- жами капиталнинг ва банк резервларининг 8 млн. DM даражасидан ошиши.

Облигацияларни чиқариш тўғрисидаги рухсат Молия вазирлиги томонидан олиниши керак. У ҳақидаги хабар эса Федерал юстиция вазирлиги газетасида босилиб чиқарилади. Одатда 3 йилдан ортиқ муддатга чиқарилган облигациялар ГФР фонд биржаларида муомалада бўлади.

Лекин уларни сотиш ва сотиб олиш келишувларнинг кўп қисми биржадан ташқари оборотда амалга оширилади.

Универсал тижорат банклари кўпинча ядро вазифасини бажариб, унинг атрофида молия-банк группалари, бир неча нисбатан мустақил бўлинмаларни ўз ичига олган.

Бу мустақил бўлинмалар, масалан инвестицион фондлар ва консультацион фирмалар бўлиши мумкин. Бу мустақил бўлинмалар даромад олиш марказлари ҳисобланади. Аслида группанинг ядросини ташкил этган банк марказий аппаратдан, маҳаллий ва чет эл филиаллардан иборат. Банкларнинг марказий аппаратлари одатда фонд биржалари бўлган катта шаҳарларда жойлашган. Ривожланган мамлакатларда асосий даромад манбаи кредит операциялари бўлиб, иккинчи ўринда қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ операциялар туради.

## 7-§. Тижорат банкларининг пассив операциялари

Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг пассив операциялари дейилади. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банкларнинг пассив ва актив - пассив счегидаги пул маблағларининг салмоғи ошиб боради. Банкларнинг пассив операциялари уларнинг фаолиятини ташкил қилишда катта рол ўйнайди. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банклари кредитлаш учун зарур бўлган кредит ресурсларини ташкил қилади.

Тижорат банклари пассив операцияларининг асосан тўртта шакли мавжуд:

1. Тижорат банклари қимматбаҳо қоғозларини муомалага чиқариш йўли билан ресурслар йиғиш;
2. Банк фойдаси ҳисобидан ҳар хил фондлар ташкил қилиш ёки фондлар суммасини ошириш;
3. Бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш;
4. Депозит операцияларни амалга ошириш.

Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг ўз маблағлари жалб қилинган ва эмитентлашган маблағлар ҳисобидан шаклланади.

Юқорида келтирилган пассив операцияларнинг биринчи ва иккинчи шаклларида банкларнинг ўз маблағлари юзага келади ва қолган охириги икки шаклида кредит ресурсларнинг иккинчи қисми жалб қилинган ресурслар юзага келади.

**Банкларнинг ўз маблағларига - банкнинг устав капитали,** резерв капитали, махсус фондлар, моддий рағбатлантириш фонди, бошқа ҳар хил ташкил қилинган фондлар ва тақсимланмаган фойдаси киради. Амалиётда банк пассивларининг 20 фоизи банкларнинг ўз маблағларига тўғри келади.

Банкларнинг ўз маблағлари ичида асосий ўринни банкнинг ўз капитали эгаллайди. Банкнинг ўз капитали таркибига биз юқорида келтириб ўтган капиталнинг бир қисми, яъни устав капитал, рискларни қоплаш учун ташкил қилинган резерв фонд, тақсимланмаган фойда киради. Банкларнинг ўз капитали банк кредиторларининг манфаатини ҳимоя қилиш, банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, банк фаолиятини бошқариш каби функцияларни бажаради.

Банкнинг устав капитали суммаси банк уставда кўрсатилади ва банк ишини бошлашнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Банкларнинг ташкил қилишнинг шаклларига қараб банкнинг устав капитали ҳам ҳар хил ташкил топади. Агар банк акциядорлик жамияти тариқасида ташкил қилинадиган бўлса, устав капитали ёки фонди акциялар чиқариш ва жойлаштириш йўли орқали ташкил топади. Банкларнинг устав капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмайди. Банкларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида унинг минимал миқдори белгилаб берилади.

Банкнинг устав капитали унинг баланснинг пассивида кўрсатилади. Устав фонди суммасининг оширилиши банк акциядорлари умумий мажлисида ҳал қилинади.

Банкларнинг устав капитали уларнинг мажбуриятларини бажаришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Банк кредитлари ҳисобидан банкларнинг устав капиталини ташкил қилиш мумкин эмас. Устав капиталини ташкил қилишда четдан бошқа пул маблағларини жалб қилиш ҳам мумкин эмас. Банклар ташкил қилинганда устав капиталининг таркиби моддий маблағлардан ва пул маблағларидан ташкил топади. Банк фаолиятининг бошланғич босқичларида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан биринчи навбатдаги банк харажатлари (ер, бино, асбоб-ускуна, иш ҳақи) қопланади. Банкларнинг ўз маблағлари узоқ муддатли активларга қўйилмалар қилишнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Одатда Марказий банк тижорат банклари учун банкларнинг ўз маблағлари билан четдан жалб қилинган ресурслар ўртасидаги чегарани белгилаб беради. Ўзбекистонда бу нисбат 1:20 миқдорида ўрнатилган.

Банкларнинг акциядор капитали қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топиши мумкин. Булар: а) ўз акциядор капитали, бу капитал оддий ва имтиёзли акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобидан, тақсимланмаган фонди ҳисобидан юзага келади; б) ҳар хил кўзда тутилмаган харажатларни ва тўланмаган қарзларни қоплаш учун ташкил қилинган резервлар; в) банкнинг узоқ муддатли мажбуриятлари (узоқ муддатли вексел ва облигациялар) бўлиши мумкин.

Банкларнинг резерв капитали ёки резерв фонди фойдадан ажратмалар ҳисобига ҳосил бўлади ва у кўзда тутилмаган

**зарарлар** ҳамда қимматли қоғозлар курсининг тушиши натижасидаги йўқотишларни қоплаш учун мўлжалланган.

Тақсимланмаган фойда - резерв фондига ажратмалар ва дивидендлар тўланганидан сўнг қоладиган фойданинг бир қисмидир.

Банкларнинг ўз маблағлари тижорат банклари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Банкларнинг ўз капитали хиссасининг камайиши баъзи ҳолларда банкларнинг синишига олиб келади.

АҚШда катталиги бўйича йигирманчи ўринда турувчи «Франклин нешнл банк»ни синишининг сабабларидан бири - банкнинг ўз капитали хиссасининг банк балансида кескин қисқариши бўлди. Худди шу сабаб, 1979 йил активида 250 млн. АҚШ доллари ва 44 минг омонатчисига эга бўлган АҚШдаги «Днуверз нешнл бэнк оф Чикаго» банкининг синишининг асоси ҳисобланади.

Иқтисодий ёки банк инқирозлари даврида пассивлар ва уларни жойлаштириш соҳасида етарли даражада ўйлаб чиқилмаган сиёсат банкларнинг синишига олиб келади.

1980 йилларнинг иккинчи ярмида АҚШда банкларнинг банкротлик сони ўсди. 1984 йилда АҚШда биринчи ўнликда турувчи йирик банклардан бири бўлган «Континентал Иллинойс» банкининг синиш ҳолатининг, ҳукуматнинг махсус дастури орқали олди олинди.

Федерал резерв система бўлган АҚШ Марказий банки ўз ихтиёрига олган бир неча миллиард АҚШ долларини мувофиқлаштирибгина қолмай, балки депозитларни суғурталаш Федерал уюшмаси ва АҚШ Молия министрлиги билан бирга банк тўлаш қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида кафил сифатида чиқди.

Тижорат банклари синишларининг энг кўпи 1988 йилга тўғри келган. Иқтисодий кўтарилиш туфайли АҚШда тижорат банклари синишининг сони ўзининг аввалги ҳолига тушган. Шунга кўра 1994 йилда фақатгина 13 та тижорат банклари синган.

Шу билан бирга, муаммоли, яъни молиявий ҳолати беқарор бўлган банклар сони юқориликка қолмоқда.

**Жалб қилинган маблағлар** тижорат банклари кредит ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади. Булар

депозитлар, шунингдек, контокоррент ва корреспондент счётлардир.

Уларнинг асосийси йўқлаб олинадиган қўйилмаларга, тезкор ҳамда жамғарма қўйилмаларга бўлинувчи депозитлардир.

Йўқлаб олинадиган қўйилмалар, шунингдек, жорий **счётлар** омонатчиларнинг биринчи талаблари билан олинади. Жорий счётнинг эгаси банкдан чек дафтарчасини олади. Бунда у пул олиш билан бирга иқтисодий муносабатлар вакиллари бўлган корхона, ташкилот, муассасалар ҳисоб-китоб операцияларини олиб бориши мумкин.

Муддатли омонатлар - миждоз томонидан банкка маълум муддатга қўйиладиган қўйилмалар бўлиб, улар орқали миждозларга банк томонидан юқори фоизлар тўланади. Бунда фоиз ставкалари қўйилманинг муддати ва миқдорига боғлиқ бўлади.

Муддатли қўйилмаларнинг турларидан бири - маблағларни жалб қилишнинг аниқ қайд этилган вақтга мўлжалланган депозит сертификатлари ҳисобланади. Уларни муомалага 1961 йилда биринчи бўлиб «Ферст нешнл сити бэнк» киритган. Счёт эгаларига, уларнинг номлари ёзилган, тўлаш муддати ва фоиз даражаси кўрсатилган махсус гувоҳномалар берилади.

Россия Федерациясида депозит сертификатларини тижорат банклари 1991 йилдан бошлаб қўлламоқда. Сертификатда кўрсатилган қўйилма муддати тугагандан сўнг унинг эгаси қўйилма суммасини ва келишилган фоизларни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Банк ресурслари таркибида аҳолининг омонат қўйилмалари муҳим рол тутди. Улар тўлиқ суммада ёки бўлиб-бўлиб қўйилади ва берилиши мумкин. Омонатчи ва банк ўртасидаги маблағ қўйиши билан боғлиқ муносабат омонат дафтарчасини бериш билан тасдиқланади. Банклар тўловчилик асосида турли ҳил мақсадли қўйилмаларни, муддатли ёки талаб қилиш ҳамда олиш мумкин бўлган жамғармалар қабул қиладилар. Шунингдек, баъзи мамлакатларда «Янги йил қўйилмалари» деб номланган тури ҳам мавжуд. Бунда банк йил давомида, янги йилни нишонлаш учун, катта бўлмаган қўйилмаларни қабул қилиб боради ва йил охирида омонатчиларга пулларни қайтаради, ҳоҳловчилар пул

жамғаришни кейинги янги йилгача давом эттиришлари ҳам мумкин. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда бу қўйилмалар оддий фуқаролар орасида кенг қўлланилади.

Банклар учун муддатли қўйилмалар жуда қулай ҳисобланади.

Банк ресурсларининг муҳим манбаси - банклараро кредитлардир, яъни бошқа банклардан олинадиган ссудалардир.

Россияда бу ресурслардан фойдаланиш сезиларли даражада ривожланган. Пул-кредит бозорида қисқа муддатли банклараро кредитлар, шунингдек, «қисқа пуллар» салмоғи кўпчиликни ташкил этади.

Агар мижознинг ҳисоб-китоб счёти ёпилиб, контокоррент счёт очиладиган бўлса, унинг ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлар ҳисоби шу счётда олиб борилади.

Контокоррент - банк ва мижоз ўртасидаги ҳамма ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини амалга оширувчи ягона счёт. Алоҳида даврларда бу счёт пассив бўлади, бошқаларда эса актив бўлади, мижозга маблағ бўлганида бу счёт пассив бўлади, бу маблағлар йўқлиги туфайли мижоз банкка тўлов топшириқномасини кўрсатганда ёки чек ёзиб берганда бу счёт актив бўлади. Ҳам дебет, ҳам кредит бўйича контокоррент счётларида фоиз ҳисобланади.

Контокоррент счёти бўйича кредит тижорат векселлари таъминоти бўйича ёки таъминланмаган ссуда шаклида берилади. Контокоррент счёти бўйича дебетга фоизларни ҳисоблаш фақатгина мижоз ва банк орасидаги битимда кўрсатилган кредит лимити чегарасида амалга ошиши мумкин.

**Банкнинг эмитентлашган маблағлари. Банклар мижозлар** маблағларидан етарли даражада узоқроқ фойдаланишни амалга оширишдан манфаатдордирлар. Шу сабабли банклар облигация қарзлари, банк векселлари ва бошқаларни чиқариши йўли билан ўз ресурсларининг миқдорини кўпайтириб борадилар.

Облигация қарзлари облигациялар кўринишида эмитентлашади.

Хозирги даврда чет эл амалиётида икки валютали облигациялар учрайди. Бу облигациялар бўйича даромадлар облигация эгаси ихтиёрига кўра миллий валюта ёки АҚШ

долларида ёки бошқа чет эл валютасида тўланиши мумкин.

Банк томонидан эмитентлашган қимматли қоғозларнинг турларидан бири «сузувчи фоиз ставкали» қимматли қоғозлардир. Масалан, АҚШда 1970 йиллар ўрталарида иккита йирик тижорат банклари - «Ситибенк» ва «Чейз Манхэттен Бэнк» ҳолдинг компаниялари орқали «сузувчи фоиз ставкали» қимматли қоғозлар чиқардилар. Бу қўйилмалар бўйича фоизлар 3 ойлик хазина векселларига нисбатан бир фоиз юқори тўланади.

Банклар мижозларнинг хоҳишига қараб бир йилда икки марта уларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Бунинг учун мижоз кўрсатилган муддатдан бир ҳафта олдин маблағларни олиши тўғрисида банкка хабар бериши шарт. Банк пассивларида 90-йиллар давомида банкнинг ўз маблағлари миқдорининг қисқариши давом этди ва хорижий мамлакатлар каби бизнинг банкларимизда ҳам жалб қилинган ресурслар салмоғи ошди. Янги ресурсларни жалб қилишда йирик ва майда банклар фойдасига номутаносибликлар кўпайди.

Жалб қилинган маблағларнинг яна бир тури - банк балансида турган ва уларни қайта сотиб олиш тўғрисидаги келишув асосида сотиладиган қимматли қоғозлар ҳисобланади.

## **8-§. Тижорат банкларининг актив операциялари**

Мобилизациялашган пул маблағлари банклар мижозларини кредитлаш учун ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланилади. Даромад олиш мақсадида банк ресурсларини жойлаштириш билан боғлиқ бўлган операциялар «банкларнинг актив операциялари» дейилади. Банкнинг актив операцияларида асосий ўринни уларнинг кредит ёки ссуда операциялари эгаллайди.

Ссудалар берилишининг таъминотидан келиб чиқиб, кредитлар моддий бойликлар, товарлар ва бошқалар билан таъминланган кредитларга берилади.

Банкларнинг мижозларга берадиган ссудалари ёки кредитларнинг муддатидан келиб чиқиб, улар муддатли ва онкол кредитлар (инглизчадан **on call** -талаб бўйича)га бўлинади.

Ссудалар берилишининг таъминотидан келиб чиқиб, кредитлар моддий бойликлар, товарлар, векселлар, фондлар (қимматли қоғозлар) ва бошқалар билан таъминланган кредитларга бўлинади.

Вексел операциялари векселларни қайд ёки ҳисобга олиш бўйича операциялар ва векселлар бўйича ссудалар бериш операцияларига бўлинади.

«Векселларни қайд қилиш» деганда банк томонидан уларни тўлаш муддати тугагунга қадар векселларни сотиб олиш тушунилади. Ўз навбатида банк, агарда маблағлар билан таъминланганликда қийинчилик сезаётган бўлса, Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаларида берилган векселларни қайта ҳисобдан ўтказиши мумкин. Векселни ҳисобга олиб, банк унинг вақтинчалик эгаси бўлади ва векселни эмитент қилган ёки уни ҳисобга олиш учун тақдим қилган шахсга маълум миқдорда пул тўлайди. Бу операция учун банк мижоздан қайд этиш фоизи ёки дисконт деб аталувчи маълум фоиз ундиради. Дисконт - векселда кўрсатилган сумма билан вексел эгасига тўланадиган сумма ўртасидаги фарқдир. Баъзи давлатларда банклар ўзларида алоҳида мижозларнинг кредитлаш қобилиятини ўрганувчи айрим корхона ва шахслар вексел ҳисоби лимитини ўрнатувчи ҳисоб бўйича қўмиталарни ташкил этадилар.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тижорат, молиявий ва «дўстона» (бронза) векселларини фарқлаш керак.

Тижорат векселлари товар муносабатлари асосида вужудга келади. Улар бошқа векселларга нисбатан ишончлидир.

Купгина векселлар молиявий характерга эга, яъни улар брокер ёки маклер томонидан ҳисоб фоизини олиш учун муомалага чиқарилади. Булар фақат банкдан маблағлар олиш учун мўлжалланган «шиширилган векселлардир».

«Дўстона векселлар» - бу икки шахснинг ҳар қандай товар харакатисиз банкдан маблағ олиш учун бир-бирларига берадиган векселлардир.

Тадбиркорлар томонидан чиқарилган векселларни «бронза векселлари» деб ҳам аташади.

Банкнинг актив вексел операцияларига акцепт ва авал операциялар киради.

Акцептли операцияда банк ўзи акцептлаштираётган векселни ишончли мижозга чиқариш ҳуқуқини беради. Яъни

берилган вексель бўйича ўз ҳисобидан тўловини кафолатлайди. Шундай акцепт кредитдан фойдаланаётган мижоз вексел ҳақини тўлаш учун тегишли суммани банкга тўлаш мажбуриятини олади.

Халқаро миқёсда векселлар билан боғлиқ бўлган ҳамма операциялар 1930 йилда қабул қилинган Женевада тузилган конвенция билан қатъий белгиланади.

Вексел бўйича бериладиган кредитдан фойдаланишнинг муҳим шакли авал ҳисобланади. Бунда вексел бўйича ҳақ тўлаш бевосита вексел берувчи билан амалга оширилади. Авал эса ҳақ тўлашни кафолатлайди. Акцепт - авал операцияларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бир вақтнинг ўзида ҳам актив, ҳам пассив операцияларга тегишли бўлади.

Банк авали вексел муносабатларини ҳамда уларнинг бошқа банклардаги ҳисоб-китобини енгиллаштиради. Чунки, йирик авалда ҳисоб ва қайта ҳисоблаш мутлақ тартибда амалга оширилади. Бир банк томонидан аваллашган векселлар бошқа банк томонидан ҳам ҳисобга олинади.

«Вексел бўйича ссуда» операциясида вексел эгаси бўлиб аввалги вексель олувчи қолади, банк эса унинг таъминоти остида мижозга вексел қийматининг 50-70 фоиз миқдоридан ссуда беради.

Банклар актив операцияларининг муҳим тури товарлар бўйича ссудалар, яъни товарларни гаровга қўйиб ссуда олиш ҳисобланади. Хужжатлар, вариантлар (товарларни омборда сақлаш жавобгарлиги тўғрисидаги гувоҳнома), темир йўл хужжатлари, коносаментлар (юкни кемага қабул қилинганлиги тўғрисидаги пароход жамиятлари гувоҳномаси), юкларни ташиши тўғрисидаги хужжат бўйича ссудалар олиш ҳисобланади.

Товарлар бўйича ссудалар банк томонидан товарнинг тўлиқ бозор қийматида эмас балки унинг бир қисми (одатда, 50-60 фоиздан юқори бўлмайди) бериллади.

Бозор иқтисодиёти шароитида асосий муаммо - товарлар реализациясидир, чунки ишлаб чиқарилган ва жўнатилган товар ўз харидорини топмаслиги ҳам мумкин. Бозор шароитида кредит муносабатларининг маъмурий буйруқбозлик тизимидан фарқи ҳам шудир.

Бозор иқтисодиёти шароитида товарлар мўл-кўлчилигида оддий талаб эмас, балки тўловга қобилиятли талаб зарурдир.

Бозор шароитида товар таъминоти бўйича ссуда бераётган кредит муассасалари риск қиладилар. Агар ссуда ўз муддатида қайтарилмаса, банк товарларни хат қилиб ўз ихтиёрига олади, уларни сотишдан тушган тушум ҳисобидан мижознинг қарзини қоплайди.

Товарлар бўйича ссудалар кўпинча чайқовчилик мақсадларида ишлатилади.

Кўтарилиш даврида, товарларга бўлган талаб ўсганда, тадбиркорлар баҳоларнинг ўсишини ҳисобга олиб товарлар реализациясини атайлаб тўхтатиб, товар захираларини тўплайдилар. Бу хусусан, хом ашё товарларига ҳам тегишлидир. Бу ҳолатда ссуда товарларнинг ҳақиқий реализациясини тезлаштирмасдан, балки секинлаштиради ҳамда чайқовчилик ва товарларни ортиқча ишлаб чиқарилишининг ривожланишига олиб келади.

Тижорат банклари актив операцияларининг яна бир тури-фонд операцияларидир.

Турли қимматли қоғозлар унинг объекти бўлиб хизмат қилади. Банкларнинг қимматли қоғозлар бўйича операцияларининг 2 тури кўпроқ қўлланилади. Булар - қимматли қоғозларни кредитнинг таъминланганлиги учун қабул қилиш йўли билан ссудалар бериш ва уларни банк томонидан ўз ҳисобига сотиб олиш йўли билан операциялар ўтказишдир.

Қимматли қоғозлар таъминоти бўйича ссудалар уларнинг тўлиқ бозор курси қиймати бўйича эмас, балки уларнинг маълум бир қисми (60-80 фоиз) бўйича берилади.

Қимматли қоғозлар сохта капитални ифодаласа-да, улар бўйича ссудалар ҳақиқий товар ишлаб чиқариш билан боғланган жараёнга хизмат қилади.

Ундан ташқари қимматли қоғозлардаги банк инвестициялари ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳолда банк турли эмитентлардан қимматли қоғозларни сотиб олади, банкда қимматли қоғозлар портфели вужудга келади.

Банк томонидан қимматли қоғозларнинг харид қилинишидан мақсад - бу қимматли қоғозларни кейинчалик қайта сотиш ёки капиталнинг узоқ муддатга қўйилиши йўли билан фойда олишдан иборат.

Кейинги йилларда Республиканинг кўпгина тижорат банклари юқори фойда олиш мақсадида давлатнинг хазина мажбуриятларини кўп миқдорда сотиб олишди. Чунки, қимматли қоғозларнинг бу тури банкга кафолатланган даромад келтиради.

Гозирги кунда тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг таъминоти сифатида кўчмас мулк, бошқа банк ёки суғурта ташкилотининг суғурта кафолати ҳам қабул қилиниши мумкин. Тижорат банкларининг актив операциялари ичида кредитлаш жараёни асосий ўринни эгаллайди. У қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

- кредит олиш учун берилган миждознинг ариза талабномасини кўриб чиқиш;
- қарз олувчининг тўловга ва кредитга лаёқатлилигини банк томонидан ўрганиб чиқилиши;
- кредит қўмитасининг қарори;
- кредит битимини расмийлаштириш;
- кредит берилиши;
- ссуда ва у бўйича фоиз тўлашни банк томонидан назорат қилиниши.

Кредит ва уни тўлаш жараёни кредит шартномасида кўрсатилган бўлиб, кредит ва қарз олувчи ўртасидаги мажбурият ва ҳуқуқларни белгилаб беради. Унда кредитлашнинг мақсади ва объекти, кредит миқдори, ссудани бериш ва уни тўлаш муддати, кредит таъминотининг турлари, кредит учун фоиз ставкаси ва бошқалар кўрсатилади. Ссуда тўлашни назорат қилиш банкнинг кредит портфелини мунтазам таҳлил қилиш асосида олиб борилади ва кредитларнинг сифат даражаси аниқланади.

Тижорат банклари томонидан бериладиган барча кредитлар унинг кредит портфелида ўз ифодасини топади.

Молиялаштириш манбаларига ва қарз олувчининг минтақавий ўрни ва манзилига қараб тижорат банкларининг кредит портфелини таснифлаш мумкин. Тижорат банклари таснифлашни асосан миллий валютада олиб борадилар ва баъзи ҳолларда қайта молиялаштириш ва ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар, масалан, Миллий банк ва шунга ўхшаш банкларда қаттиқ валютада ҳам ифодаланиши мумкин.

Гозирги вақтда марказлаштирилган кредитлар

ҳукуматимизнинг чиқарган қарорларига асосан, устувор тармоқларни ривожлантириш учун миллий валютада берилади. Қайта молиялаштириш ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар мижоз кредитга лаёқатли бўлганда миллий валютада ёки хорижий давлат валютасида берилиши мумкин.

Тижорат банклари фаолиятида турли хил рисклар учраб туради. Лекин уларнинг фаолиятига кўпроқ кредит rischi, ликвидлик rischi ва фоиз ставкаси таъсир қилади. Тижорат банклар фаолиятининг асосий қисми кредитлар бериш ва шу асосда фойда олишга йўналтирилган бўлганлиги учун улар фаолиятида бу рискларнинг салмоғи ҳам юқори бўлади.

Таснифланган кредитларнинг қайси гуруҳга кириш даражаси тез сотиладиган активлар ва юқори ликвид маблағларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 9 ноябрда тасдиқланган 242-сонли "Активлар сифатини таснифлаш, мумкин бўлган йўқотишлар бўйича тижорат банклари томонидан резервлар ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш қондаси"га асосан тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар юқорида келтирилган мезонлар бўйича "яхши", "стандарт", "субстандарт", "шубҳали", "умидсиз" ёки "ишончсиз" кредитларга таснифланади.

**•Яхши кредитлар.** Кредитнинг бундай сифатда баҳоланиши мижознинг активлари, уларнинг ҳолати бўйича ҳеч қандай гумон йўқлигидан далолат беради. У молиявий жиҳатдан барқарор, хўжалик обороти юқори даражада ўз капитали билан таъминланган, юқори рентабеллик кўрсаткичларига эга, дебитор ва кредитор қарзларнинг айланиш муддати қисқа бўлиши лозим. Бу кредит эгалари молиявий барқарор хўжалик субъекти бўлиб, у юқори даражада таъминотга эга бўлади. Бунда асосий эътиборни қарз олувчининг аввалги фаолиятидаги мажбуриятларига, муносабатига, осон реализация қилинувчи активлар ва юқори ликвидли маблағлардан ташкил топган ишончли кредит таъминотига қаратиш керак.

Ушбу тоифадаги кредитларда қайтармаслик белгилари мавжуд эмас, банклар учун зарар кўриш имкониятлари минимал даражада бўлади, кредитнинг таъминланганлигининг (гаров, кафолат ва бошқалар сифати, таъминланганликка

олинган мол-мулк, гаров ва тез пулга айланадиган активлар ва юқори ликвид маблағлар салмоғининг кўплиги эътиборга олинади. Кредит бўйича олинган таъминланганлик (гаров, мол-мулк ва бошқалар) кредит суммаси ва у бўйича фоиз ставкаларини тўлашга етарли бўлгандагина кредит таъминланган деб баҳоланиши мумкин.

Кредит бўйича барча ҳужжатлар қонун бўйича расмийлаштирилиши ва банк зарур бўлганда кредитни ундириб олиш имкониятига эга бўлиши зарур (кредитнинг қайтарилмаслик эҳтимоли чекланган бўлсада) кредитнинг бу гуруҳида мижознинг фаолиятидаги икки асосий омилга алоҳида эътибор бериш зарур.

Булар:

- мижознинг олдинги фаолиятидаги ўз мажбуриятларига бўлган муносабати;

- кредит бўйича аниқ таъминланганликнинг (гаров, кафолат, мулк ва бошқалар) бўлиши ва унинг тўғри расмийлаштирилганлиги.

- **Стандарт кредитлар.** Бундай кредитлар бўйича вақти-вақти билан кредитни ўз вақтида қайтара олмаслик шароити юзага келади. Лекин кредитни белгиланган муддатда тўлай олмаслик бўйича унинг тўлов муддатининг узайтирилиши бир мартагина бўлиши ва кредитни ва у бўйича фоизларни тўлай олмаслик даври 30 кундан 60 кунгача, тўлиқ таъминланмаган кредитлар учун 30 кун бўлган муддатдан ошмаслиги лозим.

Олган кредити стандарт кредит деб топилган мижозларнинг молиявий аҳволи одатда барқарор бўлади, лекин маълум вақтинчалик сабаблар туфайли унинг фаолиятида салбий молиявий ҳолат юзага келган бўлиши мумкин. Бундай кредитлар қаторига яхши расмийлаштирилмаган кредитлар, гаров, таъминланганлиги бўйича тўғри ҳужжатлаштирилмаган ёки ҳужжатлар етарли бўлмаган кредитлар ҳам кириши мумкин. Бу кредитлар бўйича 10 фоиз атрофида резерв ташкил қилиниши зарур.

- **Субстандарт кредитлар.** Бу гуруҳга кирувчи кредитлар уларнинг сифати етарли даражада эмаслигини билдирувчи аниқ белгиларга эга бўлади. Бу, асосан, кредитларнинг банкга қайтиб тўланишида маълум камчиликлар мавжудлиги ва кредитнинг таъминланганлиги сифатида қабул қилинган бошланғич манбалар, кредитни тўлаш учун етарли бўлмаслиги

натижасида қарзни тўлаш учун қўшимча манбаларни топиш зарурлигини кўрсатади.

Субстандарт кредитлар қарз олувчининг ишончли молиявий аҳволи ва тўлов қобилиятининг юқори даражаси билан ҳимояланмаган. Бу кредитнинг таъминланганлигини ташкил қилувчи манбалар маълум рисклар билан боғлиқлигини, кредитнинг жорий ҳолати бўйича етарли ахборотнинг мавжуд эмаслиги, гаров хужжатларида маълум камчиликлар мавжудлиги билан характерланади. Бу кредит бўйича 60 кундан 30 кунгача тўланмаган қарзлар мавжуд бўлиши мумкин. Бу кредитлар молиявий аҳволи барқарор бўлмаган, корхонанинг тўловга лаёқатлилигида камчиликлар бўлган ҳолларда юзага келади. Субстандарт кредитлар бўйича 25 фоиз кредитлар тўланмаслиги мумкин, деб хулоса қилиниши ва бу кредитлар бўйича тўланмаган қарзларни қоплаш учун 25 фоиз резерв ташкил қилиниши мумкин.

• **Шубҳали кредитлар.** Бу кредитлар юқорида келтирилган гуруҳлардаги кредитларнинг барча салбий томонларини ўзида ифода қилиши билан биргаликда, тўлиқ таъминланганликка эга бўлмаган, тўланиш эҳтимоли кам бўлган кредитлар киради. Бу кредитлар бўйича олинган кредит яхши таъминланганликка эга бўлганида асосий қарз бўйича фоизларни тўлаш муддати 180 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган бўлса, зарар кўриш имконияти юқори, бироқ ушбу кредитларнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин бўлган омиллар мавжудлиги сабабли уларнинг йўқотилган деб таснифланиши вақтинча тўхтатилади. Бу гуруҳга кирувчи кредитлар бўйича 50 фоизгача резерв ташкил қилиниши лозим.

• **Ишончсиз кредитлар.** Бу кредитлар бўйича қарзларнинг тўланиш эҳтимоли деярли йўқ. Агар кредит тўлиқ таъминламаган бўлса, энг камида битта муаммоли тавсифга эга бўлса, тўлов муддати 360 кундан ошган бўлса ҳамда кредитни "шубҳали" деб таснифлаб бўлмаса, бундай активлар "ишончсиз" деб ҳисобланади. Бу активлар жуда паст қийматга эга бўлиб, уларни активлар сифатида ҳисобга олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун банклар бу кредитларни ўз балансларида зарар сифатида ҳисобга олишлари мумкин. Ишончсиз кредитлар фойда ҳисобига бунинг учун фойда етмаган ҳолларда эса банк сармояси ҳисобига балансдан чиқарилиши мумкин. Банк учун бу кредитлар зарар сифатида

таснифланиши лозим.

Бир йил ва ундан ортиқ муддатда ҳаракатсиз бўлган активлар, муддати ўтган ва фоизлар бўйича қарзлар зарар сифатида таснифланиши мумкин. Шу сабабли бу гуруҳга кирувчи кредитлар бўйича 100 фоиз резерв ташкил қилиш лозим бўлади.

Тижорат банкларининг кредит портфелини берилган ссудаларнинг таъминланганлик даражасига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- биринчи даражада таъминланган;
- бошқа таъминотга эга бўлган;
- тўлиқ таъминланмаган;
- таъминланмаган ссудаларга бўлинади.

Биринчи даражада таъминланган кредитлар гуруҳига тўлиқ таъминланган кредитлар киради. Улар қуйидагилар билан таъминланади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кафолати;
- Ўзбекистон Марказий банки розилиги билан биринчи синф хорижий банклари кафолати;
- эркин айирбошланадиган валютадаги гаров;
- Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозлари кўринишидаги гаров;
- стандартлаштирилган қимматбаҳо металллар қўйилмалари кўринишидаги гаров.

Бошқа таъминотга эга бўлган ссудалар гуруҳига қуйидагилар:

- мол-мулк гарови;
- қимматли қоғозлар кўринишидаги гаров;
- бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг кафолат хати

ва бошқалар киради.

Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўла-тўқис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада тузилганлигига боғлиқ.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда МДГга кирувчи давлатлар тижорат банкларининг кредит сиёсати мамлакат иқтисодини тезроқ ривожлантиришга йўналтирилган. Хозирги вақтда бу мустақил давлатларнинг банклари аксарият ҳолларда воситачилик операцияларини ўтказиш учун кўпроқ қисқа муддатли кредитлар бермоқдалар. Шу билан бирга биз

биламизки, кредитни узоқ муддатга инвестиция қилиш банкларга ва жамиятларга катта фойда бериши мумкин.

МДГга кирувчи давлатларнинг банклари учун лизинг операциялари янги операциялар тури ҳисобланади. Бу операция турида банклар ёки лизинг компаниялари ижарага берилган мулкнинг эгаси бўлиб қолаверадилар.

Лизинг операцияларини ўтказишнинг банк учун фойдали томони шундаки, одатда ижара учун тўлов худди шу муддатга бериладиган узоқ муддатли кредитлар фоиз ставкасига нисбатан юқори бўлади.

Бундан ташқари, бу ерда мижознинг тўлов қобилиятига эга эмаслигида йўқотиш rischi бўлмайди. Битимда кўрсатилган шартларнинг бузилиши юз берган ҳолларда банк ижарага берилган мулкни қайтаришни талаб қилиши мумкин. Ривожланган хорижий мамлакатларда лизинг операциялари кенг тарқалган. Ўзбекистон ва бошқа МДГ давлатларида лизинг операциялари кам ҳажмда қўлланилади. Ҳозирги кунда лизинг операцияларига шароитлар яратиш соҳасида муҳим ишлар олиб борилмоқда.

## **9-§. Банкнинг комиссиян (воситачилик) ва траст операциялари**

### **Банклар ўртасидаги корреспондентлик муносабатлари**

Банклар комиссиян операцияларни ҳам олиб борадилар, яъни мижозларнинг ҳисобидан уларнинг турли топшириқларини бажарадилар. Бундай топшириқлар мамлакат ичида ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга пул ўтказиш билан боғлиқдир. Бунда мижоз ўз банкига ҳисобидаги маълум бир суммани кўрсатилган адрес бўйича ўтказишни юклатади. Операция ниҳоясига етганидан сўнг банк пул ўтказишганлиги тўғрисидаги ҳужжатни юборади ёки беради. Ўтказилган операция учун банк воситачилик ҳақини олади.

Аккредитив операциясида банк мижоздан учинчи, яъни аккредитив очилган шахсга (бенефизларга) тўловни амалга ошириш ҳақида топшириқ олади.

Шундай қилиб, товар сотиб олган тадбиркор сотувчига бериши керак бўлган суммани банкка қўйиши мумкин. Тегишли товарни ёки шунга тегишли бўлган ҳужжатни олиш шарти билан тадбиркор ўз банкига сотувчига пул тўлашни юклатиш мумкин.

Инкасса операциялари - банк томонидан мижозларга, уларнинг ўз топшириқлари ва ҳисобларидан турли ҳужжатлар бўйича пул олишидир. Инкасса операциялари чеклар, векселлар, товар ҳужжатлари ва қимматли қоғозлар бўйича амалга оширилади.

Қимматли қоғозларни инкассалаштиришда мижоз уларни банкка имзо қоғозларни чиқарган мамлакат бозорида сотиш учун беради.

Факторинг операциялари воситачилик операцияларига тегишлидир. Бунда банк мижознинг қарзга оид талабларини уларга етказиб бериш қийматининг 80 фоиз шу заҳоти тўлаш ва қолган қисмини кредит учун фоизлар ва воситачилик ҳақини чиқариб ташлаб тўлаш шарт билан сотиб олади.

Воситачилик операцияларининг ўзига хос тури - ишонч операциялари. Бунда банк мижоз топшириғи бўйича маълум мулкни пул ёки қимматли қоғозлар кўринишида, сақлаш, ўтказиш ва бошқаришни ўз зиммасига олади.

Буларга, шунингдек, савдо - воситачилик операциялари - мижоз топшириғи бўйича қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо

тошларнинг олди-сотдиси, қимматли қоғозлар ва ҳоказоларнинг олди-сотдиси ҳам киради.

Банкнинг траст операциялари воситачилик операцияларининг тури ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда мулкка эгаллик қилинишнинг кенг тарқалган шакли - бу акция, облигация ва пул маблағлари. Молиявий воситалар миқдорини ва молиявий активлар суммасининг кўпайиши натижасида тижорат банклари траст (ишончли) операцияларни кенгайтирадилар. Банкларнинг траст департаментлари замонавий трансмиллий банкларининг энг ривожланган бўлинмаларидан биридир.

Хорижий мамлакатларда тижорат банкларининг траст департаментлари мижоз топшириғига биноан билдирган шахс ҳуқуқлари бўйича иш кўрадилар. Шунингдек, мижозларининг пул маблағларини бошқариш ва бошқа молиявий воситалар билан боғлиқ бўйича операцияларни амалга оширадилар.

Банклар траст операцияларни жисмоний шахсларга каби, юридик шахслар учун ҳам амалга оширадилар.

Жисмоний шахслар учун қуйидаги траст хизматлари турлари мавжуд: меросни бошқариш, ишонч ва воситачилик билан боғлиқ операцияларни бажариш. Хозирги шароитда кенг тарқалган траст операциясининг шакли - мижозлар капиталини бошқаришдир. Бунда банклар бошқаришга мижозларининг маълум пул маблағларини оладилар ва уларни мижоз билан келишган ҳолда жойлаштирадилар. Мижоз бунда ўз маблағларини ишлатиш тартибини белгилайди. Нуфузли банкларда бундай тартибларнинг 5 тури мавжуд.

**«Қаттиқ консерватив»** - мижознинг маблағлари фақатгина энг ишончли бўлган иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг давлат қимматли қоғозларига сарфланади. Бунда зарар кўриш хавфи умуман бўлмайди.

**«Консерватив»** - маблағларни ривожланган мамлакатларнинг давлат қимматли қоғозларига ва йирик халқаро банклар депозитларига қўйиши назарда тутилади. Лекин бунда банкларнинг синиш ҳолатлари мавжуд, яъни бу тартибда маблағларни жойлаштириш, мижозларга сўзсиз фойда қилишларини кафолатламайди.

**«Ўртача консерватив»** деганда маблағларни жаҳоннинг асосий фонд биржаларида акцияларга қўйиш тушунилади.

Инвестициялашнинг бу йўналиши ҳам фойда ўрнига зарар кўриш хавфини туғдиради.

«**ўртача агрессив**» - бу маблағларни фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи компанияларнинг акцияларига сарфлашни билдиради. Бунда уларнинг курси одатда ўсади.

«**агрессив**» - бу маблағларни «тўрт осиё аждархолари» (Гон Конг, Сингапур, Тайванд, Жанубий Корея) компанияларининг акцияларига сарфлашни таъминлайди. Бунда катта фойда билан бирга катта зарар ҳам кўриш мумкин.

Траст битимининг хорижий мамлакатлардаги муҳим хусусияти шундаки, бунда банк мижозга маблағлар қўйиш ва уларнинг оқибатлари тўғрисида хатлар юбориб, уни доимий равишда хабардор қилиб туради.

Траст битимининг хусусияти шундан иборатки, бунда банкда салбий молиявий оқибатлар юз берганда мижоз жавобгар бўлмайди. Асосан бу акцияларга сарфланган маблағларга тегишли бўлиб, уларнинг баҳоси ҳам ошиши, ҳам пасайиши мумкин. Масалан, 1987 йилда Нью-Йоркнинг фонд биржадаги акцияларнинг курси тахминан 2 марта пасайган. Бундай ҳолларда мижоз қолган маблағларини олиб, уларни бошқаришни бошқа банк департаментига ўтказиши мумкин.

Россиянинг тижорат банклари амалиётида траст операциялари бир қатор салбий ҳолатлар мавжудлиги туфайли унча ривожланмаган.

Комиссион (воситачилик) операцияларни амалга оширишда банклар ўз маблағларини қўймайдилар ва мижозларга ссуда бермайдилар. Улар фақатгина тўлов топшириқномасини бажарадилар. Шунинг учун комиссия операциялари бўйича банк даромади фоиз шаклида эмас, балки воситачилик учун мукофот шаклида бўлади.

Бир-бирлари учун мижозларнинг турли тўлов топшириқномаларни ва ўзларининг операцияларини бажаришда банклар ўзаро корреспондентлик алоқаларини ўрнатадилар. Масалан, ўз филиаллари ёки бўлинмаларига эга бўлмаган жойларда банк мижозларнинг тўлов топшириқномаларини бошқа банк орқали, чеклар, аккредитивлар ва бошқалар бўйича махсус корреспондентлик қилинувчи тузиб амалга оширади.

Бунда у корреспондент банкларга чеклар, аккредитивларни тўлашини ўз зиммасига олади. Банклар

ўртасидаги талаб ва мажбуриятлар махсус корреспондент счётларида акс этади.

Корреспондентлик муносабатларини амалга оширишда банклар шифрлар системасини қўлламайди. Телекс хабарлари банклараро муносабатларда ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Россияда телекслар ички ва халқаро бўлади.

Банк фойдасининг манбалари:

- берилган кредитлар бўйича банк оладиган фоизларнинг оширилиши;

- қимматли қоғозларга қўйилган инвестициялар (қўйилмалар) бўйича фоиз ва дивидентлар;

- ҳисоб-китоб, факторинг, траст ва бошқа воситачилик операцияларидан олинадиган воситачилик мукофотлари;

- биржа битимлари бўйича;

- валюта операциялари ва бошқалар бўйича.

Банкнинг ликвидлилиги - мижозларга нисбатан банкнинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажариш хусусияти муҳим аҳамиятга эга. Ликвидлиликни таъминлаш учун актив ва пассивлар тузилмалари ўртасида маълум нисбат бўлиши шарт. Банк баланси ва пассивлари маълум даражада банк барқарорлигининг нисбий даражасини аниқлаб боради.

Россияда ликвидли активлар орасида осон сотиладиган давлат қимматли қоғозлари ҳисобланади. Бу бирмунча йирик банкларнинг молиявий воситаларига ва йирик ёқилғи энергетика комплексининг акцияларига ҳам тегишлидир.

Кўпгина майда ва ўртача банклар маблағларни шубҳали активларга жойлаштирадilar ҳамда ҳеч нима билан таъминланмаган кредитлар берадилар. Бу эса уларнинг синишига олиб келади. Худди шу мақсадда Россия Марказий банки иқтисодий нормативларга булган эҳтиёжларга қаттиққўлликни оширди. Бу банкларнинг ликвидлилик даражасининг кучайишига йўналтирилган.

## **10-§. Айланма маблағлар ва уларни ташкил қилишда банк кредитининг роли**

Халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ва шу асосда бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиб боришда айланма маблағлар муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, пул муомаласини барқарорлаштириш асосида миллий пул бирлигини мустахкамлашнинг асосий йўлларида бири - ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва уни такомиллаштиришдан иборат. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва унинг самарадорлигини ошириш, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслардан тўғри фойдаланиш, уларни ишлаб чиқаришда қўллаш, иқтисодлилик таъминлигига риоя қилиш, материал харажатларини камайтириш, арзон, лекин сифатли материалларни ишлаб чиқаришда қўллаш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Шунини таъкидлашимиз мумкинки, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш аввалом бор айланма маблағлардан тўғри фойдаланишига боғлиқ.

Ҳар бир хўжалик ўз ишлаб чиқаришини ташкил қилиш, ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун маълум қийматни аванслантириш керак. Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун эса аванслаштирилган қиймат ишлаб чиқариш ва муомала сфераларида доимий равишда айланиб туриши керак. Аванслаштирилган қиймат меҳнат воситалари ва предметларини сотиб олишга сарфланиши мумкин. Шу жиҳатдан ишлаб чиқариш воситаларини икки шаклдаги фондларга, яъни асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларига бўлиш мумкин. Асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқаришда узоқ йиллар давомида қатнашади. Эскириб бориши билан асосий ишлаб чиқариш фондлари ўз қийматини қисман янги яратилаётган маҳсулотга ўтказиб боради.

Айланма ишлаб чиқариш фонлари асосий ишлаб чиқариш фонларидан фарқ қилиб, ишлаб чиқариш жараёнида бир марта қатнашади ва яратилган маҳсулотга ўз қийматини тўла ўтказиши, шакли ўзгаради.

Айланма фондлари айланиш жараёнида уч босқични босиб ўтади: пул, ишлаб чиқариш ва товарларни сотиш билан боғлиқ босқичлар.

Айланишнинг биринчи босқичида ишлаб чиқариш воситалари сотиб олинади (П-Т(и/в)). Корхоналарнинг ажратилган пул фондлари ишлаб чиқаришнинг ашёвий омилига айланади. Биринчи босқич хусусияти шундаки, бу бақисда баъзи корхоналар ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолларда қарзга банк кредитини оборотга жалб қилишлари мумкин.

Айланма фондлари айланишнинг иккинчи босқичи - ишлаб чиқариш босқичи (Т-и/ч-Т') бўлиб, бунда ишлаб чиқариш омиллари (иш кучи ва ишлаб чиқариш воситалари) кўшилиши юзага келади ва бу жараён айланма фондлари айланиши иқтисодий моҳиятини янада чуқурроқ ифодалашга ёрдам беради. Чунки, иккинчи босқич асосий ва ҳал қилувчи босқич ҳисобланади. Бу босқичда янги қийматга эга бўлган янги маҳсулот яратилади. Иккинчи босқич, ишлаб чиқаришда самарадорликка эришиш омилларига бой бўлган босқич бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун: ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш; материал ресурсларини иқтисод қилган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини арзонлаштириш; меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш зарур.

Айланма фондлар айланишининг учинчи босқичи, (Т'-П')да янгидан яратилган маҳсулот реализация қилинади. Охирги босқичда айланма маблағлар яна бошланғич шакл - пул шаклига ўтади ва бу эса айланиш жараёнини бошидан бошлаш имконини беради.

Айланма фондлари айланишининг учала босқичи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва уларни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш жараёнини тўғри ташкил қилиш, унинг узлуксизлигини таъминлаш, айланиш босқичлари бўйича фондларни тўғри тақсимлаш ишлаб чиқаришда самарадорликка, корхоналар молиявий фаолиятининг яхши натижаларга эришишига олиб келиши мумкин.

Фондлар айланишининг асосий шакли - пул шакли ишлаб чиқаришни ташкил қилишда асосий рол ўйнайди. Шунинг учун фондлар айланишининг асосий шакли, жараён бошланишида пул маблағларини аванслаштириш ва жараён тугашида фондларнинг пул шаклига ўтишидир. Ҳақиқатда пул маблағларини аванслаштирамасдан туриб фондлар айланишини бошлаш мумкин эмас ва шундан келиб чиққан ҳолда бошқа босқичлар ўз-ўзидан амалга оширилмайди.

Корхоналарнинг аванслаштирилган маблағлари натурал-ашёвий шаклда ва бошқа шаклда, яъни қиймат ёки пул маблағлари шаклида бўлиши мумкин. Фондларнинг қайси бир турини мослаштиришга қараб, улар асосий ва айланма маблағларга бўлинади.

Аванслаштиришнинг хусусияти шуки, маблағлар корхона оборотидан доимий равишда бўлиб туради ва фондларнинг айланишига қараб ўз шаклини ўзгартириб туради. Фондларнинг айланиши давомида айланма маблағлар пул шаклидан ишлаб чиқариш захиралари шаклига, ишлаб чиқариш захиралари шаклидан тугалланмаган ишлаб чиқариш (тайёр бўлмаган маҳсулот)га, тугалланмаган ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот шаклига ўтади. Охирги босқичда маҳсулот сотилади, яъни товар шаклидан пул шаклига ўтади ва жараён бошида аванслаштирилган маблағлар келиб тушган тушум ҳисобидан тикланади. Айланма маблағлари ва уларнинг иқтисодий моҳияти тўғрисида охирги йиллар ичида бирорта ҳам йирик иқтисодий адабиёт ёзиб, чоп қилинган эмас. Шунинг учун айланма маблағлар тўғрисидаги баъзи бир мунозара бўйича 80-90 йиллар адабиётларигагина мурожаат қилишимиз мумкин.

Айланма маблағлари иқтисодий категория сифатида бир неча хусусиятларга эга. Шулардан бири - айланма ишлаб чиқариш ва муомала фондлари учун аванслаштирилган қийматларни бир иқтисодий категория - айланма маблағлар категориясига бирлашишидадир. Баъзи иқтисодчилар айланма маблағларни иқтисодий категория сифатида қарамайдилар. Уларнинг фикрича, айланма фондларгина иқтисодий категория сифатида товар ишлаб чиқариш жараёнининг асосини ташкил қилади. Айланма маблағларнинг яна бир хусусияти - уларнинг ташкил қилиниши ва улардан фойдаланишдир.

Айланма маблағларнинг айланишини бошлаш учун аввалом бор аванслаштирилган қийматга эга бўлиш лозим.

Айланма маблағлар (активлар) корхона балансининг актив қисмида кўрсатилиб қуйидаги таркибий гуруҳларга бўлинади.

I гуруҳ. Товар-моддий бойликлар, буларга:

1. ишлаб чиқариш захиралари;
2. тайёр маҳсулот;
3. товарлар киради.

II гуруҳ. Ишлаб чиқариш харажатлари, буларга:

1. тугалланмаган ишлаб чиқариш;

2. келгуси давр харажатлари ва бошқалар киради.

III гуруҳ. Пул маблағлари, буларга:

1. ғазнадаги пул маблағлари;
2. валюта маблағлари;
3. ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари;
4. бошқа счётлардаги пул маблағлари киради.

IV гуруҳ. Дебиторлар, буларга:

1. харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар;
2. бўнак тўловлари;
3. бюджет билан ҳисоб-китоблар;
4. ходимлар билан ҳисоб-китоблар;
5. шуъба корхоналар билан ҳисоб-китоблар;
6. уюшма корхоналар билан ҳисоб-китоблар;
7. таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар;
8. бошқа дебиторлар киради.

Айланма маблағлар ўзининг қайси тармоққа қарашли эканлигига қараб айланиши даврида маълум хусусиятларга эга бўлади.

Айланма маблағларнинг айланиш давридаги хусусияти хўжалик субъектининг қайси тармоққа тааллуқли эканлигига боғлиқ. Мавсумий тармоқлар (қишлоқ хўжалиги, тайёрлов, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар)да айланма маблағларнинг айланиши бир текисда кечмайди.

Чунки бу тармоқларга айланма маблағларга бўлган эҳтиёж йилнинг фаслига, мавсумга қараб турлича бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалигида қиш, баҳор ойларида айланма маблағларга бўлган талаб ошиши, кузга келиб айланма маблағларга бўлган талаб камайиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ва шунга ўхшаган бошқа тармоқларда айланма маблағларга бўлган талаб банк кредитини жалб қилиш йўли билан қопланиши мумкин.

Мавсум билан боғлиқ бўлмаган тармоқлар (саноат, савдо, таъминот ва бошқалар)да айланма маблағларнинг айланиши (маҳсулот сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини амалга ошириш) бир маромда кечиши мумкин. Шунга қарамасдан номавсумий тармоқларда ҳам материалларнинг мол етказиб берувчидан келиб тушишда, товар ортиқча ёки кам келиб тушганда, транспорт бўйича қийинчиликлар бўлганда, импорт моллар кўп миқдорда келиб тушганда, тайёр маҳсулотни сотиш жараёни ва бошқаларда айланма

маблағларга бўлган талаб банк кредити ҳисобидан қопланиши мумкин.

1990 йилгача айланма маблағлари бўйича нормативлар ўрнатилган. Норматив - бу минимал миқдордаги захиралар бўлиб, улар доимо ҳўжалик субъектлари оборотида бўлиши лозим. Норматив миқдорини корхоналар ўз маблағидан қопланиши керак.

Охирги йилларда ҳўжалик субъектларининг айланма маблағларига норматив ўрнатиш яна амалиётда қўлланилмоқда.

Корхона ва ташкилотлар ўзида мавжуд захира ва ҳаражатлар суммасини хом чўт қилиш асосида ўтган даврда мавжуд маблағлар ва кутилаётган ўзгаришларни ҳисоб-китоб қилиш йўли билан кредитга бўлган талабни аниқлайдилар.

Хўжалик субъектларининг айланма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан ташкил қилинади:

1. Корхонанинг ўз айланма маблағлари.
2. Банк кредитлари.
3. Кредитор қарзлар
4. Бошқа манбалар

Хўжалик субъектлари ишлаб чиқариш ва товарларни сотиш жараёнини нормал олиб бориш учун товар-моддий бойликлар ва ишлаб чиқариш ҳаражатларининг минимал миқдорида ўз айланма маблағларига эга бўлиши керак.

Корхоналарнинг ўз айланма маблағлари қуйидаги манбалардан ташкил топади:

- а) давлат корхоналарида бюджетдан ажратмалар ҳисобидан;
- б) юқори ташкилотларнинг ажратмалари;
- в) таъсисчиларнинг пай бадаллари;
- г) акциядор корхоналарда акциялар чиқариш ва сотиш йўли билан вужудга келадиган манбалар ҳисобидан.

Корхонанинг ўз айланма маблағлари унинг капиталида ўз ифодасини топади. Устав капитали асосан фойда ҳисобидан ёки қўшимча акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобидан кўпайтириб борилади. Корхонанинг ўз капиталининг миқдори қанча юқори бўлса, унинг фаолияти шунчалик бошқа кредиторларга боғлиқ бўлмайди, яъни ўз айланма маблағларининг юқори салмоғи корхонанинг молиявий жиҳатдан мустақиллигидан далолат беради.

Айланма маблағларнинг иккинчи манбаси - банк кредити ва бошқа қарз маблағлари ҳисобланади. Корхонанинг нормал фаолиятини олиб бориш учун ўз айланма маблағлари етарли бўлмаса, оборотга қисқа муддатли банк кредитлари жалб қилиниши мумкин. Хўжаликлар фаолиятида бундай аҳвол мавсумий ва вақтинчалик захиралар ва харажатларни қоплаш, аккредитив очиш ва бошқа ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда юзага келади.

1-жадвал.

Айланма маблағларни ташкил қилиш манбалари  
(фоиз ҳисобида)

	Манбалар	1.01.1987	1.01.1990	1.01.1995	1.01.1999
1.	Ўз айланма маблағлари	25	30	39	52
2.	Банк кредитлари	50	40	36	28
3.	Кредитор қарзлар	14	16	15	14
4.	Бошқа манбалар	11	14	10	6
	Жами	100	100	100	100

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, охириги йилларда айланма маблағларнинг манбасидаги корхонанинг ўз айланма маблағлари салмоғи ошиб бормоқда. 80-йиллардан айланма маблағларнинг 50 фоиздан ортиғи банк кредити ҳисобидан ташкил қилинган бўлса, 90-йилларнинг охирига келиб корхонанинг ўз маблағлари миқдори 52 фоизни ташкил қилган. Бу кўрсаткич хўжалик фаолиятини олиб бориш мустақиллигидан далолат беради.

Хўжалик субъектларининг айланма маблағларини ташкил қилишда кредитнинг ролини қуйидагилар билан ифодалаш мумкин:

1. Кредитнинг хўжалик оборотида иштирок этиши айланма маблағларни иқтисод қилишга олиб келади.

2. Кредит хўжаликлар фаолиятида учраб турувчи мавсумий эҳтиёж, бошқа ҳолатлар билан боғлиқ бўлинишларнинг олдини олишга ёрдам беради.

3. Кредит ишлаб чиқариш, тайёрлов ва сотиш жараёнини тезлаштиради ва хажмини оширади.

4. Кредит ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга оширишга имконият яратади.

5. Банк корхоналарга кредит бериш йўли билан уларнинг фаолиятини яхшиланишига таъсир кўрсатади.

Айланма маблағларнинг учинчи манбаси - кредитор қарзлардир.

Кредитор қарз шаклидаги маблағлар корхонага тегишли бўлмаган маблағлар бўлса-да, улар корхона оборотида доимо иштирок этади. Шу тўғрисида улар айланма маблағларнинг манбаи ҳисобланади. Кредитор қарзларга қуйидагилар киради:

1. Мол етказиб берувчилар билан ҳисоблар.
2. Бюджет бўйича қарзлар.
3. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар.
4. Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар.
5. Мулкӣ ва шахсий суғурта бўйича қарзлар.
6. Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар.
7. Шуъба корхоналарига қарзлар.
8. Уюшма корхоналарига қарзлар
9. Бошқа кредиторлар.

Айланма маблағларнинг бошқа манбаларига моддий рағбатлантириш фонди ва бошқа фондлар қолдиқлари кириши мумкин. Корхоналарнинг молиявий аҳволи ижобий бўлса, у ўз вақтида банк кредитини тўлаши, мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилиши, иш ҳақини тўлаши, бюджетга тўловларни ўз вақтида амалга ошириши мумкин.

Корхонанинг молиявий аҳволи ёмонлашганда тўланмаган қарзлар ҳосил бўлади. Тўланмаган қарзлар:

- а) банк кредитлари бўйича;
- б) мол етказиб берувчиларга ўз вақтида тўланмаган қарзлар;
- в) иш ҳақи бўйича тўланмаган қарзлар ва бошқалар бўйича юзага келади.

Тўланмаган қарзларнинг юзага келиш сабаблари корхона кўзлаган режаларининг амалга оширилмаганлиги, айланма маблағлардан фойдаланишида самарага эриша олмаслик ва бошқалар бўлиши мумкин.

Айланма маблағлардан фойдаланишда бўладиган камчиликлар:

1. Корхоналар ўз айланма маблағлари билан етарли таъминланмаган шароитида;
2. Айланма маблағлар айланиши секинлашганда;

3. Корхонада талабдан ортиқча товар моддий бойликлар захиралари йиғилиб қолганда;

4. Айланма маблағлар кўзда тутилганидан бошқа мақсадларга ишлатилганда юзага келади.

Корхона ўз айланма активларининг ҳолатини, уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини доимий назорат қилиб бориш лозим.

Айланма активлардан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари бўлиб:

а) айланма маблағларнинг кунларда айланиши;

б) айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти;

в) Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси;

г) Корхона оборотида мавжуд бўлган ўз айланма маблағлари каби асосий кўрсаткичлар ва бир неча қўшимча кўрсаткичлар мавжуд.

1. Айланма маблағларнинг кунларда айланиши (Ак.а.) айланма маблағлар бир марта айланиши (яъни П-Т...и/ч...Т'-П'гача) учун неча кун кетганлигини тавсифлайди ва қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\text{Ак.а.} = \frac{\text{Аў.қ.} \times \text{К}}{\text{С}};$$

Бу ерда: Аў.қ. - Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи

К - ҳисобланаётган даврнинг кунлар сони (90 кун, 180 кун, 360 кун)

С - сотув ҳажми.

Айланма маблағларнинг кунларда айланиш сонининг қисқариши улар айланишининг тезлашувидан, бу ўз навбатида сотув ҳажми ва фойданинг кўпайишидан, аксинча ҳолат эса корхонанинг молиявий аҳволининг танглигидан далолат беради.

2. Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти (Ка) маълум бир давр (1 йил, 6 ой, 1 ой) ичида айланма маблағлари неча марта айланганидан далолат беради ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Ка} = \frac{\text{С}}{\text{С}};$$

Аў.қ.

Айланма маблағлар маълум бир давр оралиғида қанча кўп айланса, унинг самарадорлиги шунча юқори бўлади, яъни шунча марта даромад олишга эришиш мумкин. Ҳар бир хўжалик субъекти ўзида мавжуд бўлган айланма маблағларнинг тезроқ айланишини таъминлаши лозим. Бу эса корхона тушумининг кўпайишига, унинг мол етказиб берувчилар, бюджет, банк ва бошқа субъектлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга имкон яратади.

3. Айланма маблағларнинг самарадорлигини ифодаловчи кейинги кўрсаткич - корхонанинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик даражаси ёки мухторлик коэффициенти (Км)дир. Бу кўрсаткич корхонанинг молиявий жиҳатдан мустақиллик даражасини кўрсатиб, ўз маблағлари манбаларини корхона балансининг жами пассивиға бўлиш йўли билан аниқланади.

$$Ka = \frac{\text{ЎзММ}}{\text{Бп}};$$

ЎзММ - ўз маблағлари манбаси (баланс 390 қатор)

Бп - баланс пассиви (550- қатор)

Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси 30 фоиз дан кам бўлмаслиги лозим. Агар бу кўрсаткич 60 фоиздан юқори бўлса, кредитлаш бўйича риск минимал бўлиши мумкин.

4. Корхона оборотида мавжуд бўлган ўз айланма маблағлари миқдори корхонанинг ликвидлигини ифодалаши мумкин.

Бу кўрсаткич (ГМА) қуйидагича аниқланади:

$$\text{ГМА} = \frac{\text{ЎзММ}}{\text{Уа}}$$

Бу ерда

Уа - узоқ муддатли активлар (110 баланс қатори - 350 б.қ.) (қопланмаган зарарлар).

Агар корхонанинг узоқ муддатли активлари унинг ўз маблағлари манбасидан юқори бўлса, бундай корхоналар «ноликвид корхоналар» дейилади ва уларга кредитлар берилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, айланма маблағлари хўжалик субъектлари фаолиятининг асоси бўлиб, банк томонидан

бериладиган кредитларнинг аксарият қисми айланма маблағларга йўналтирилади. Шу тўғрисида ҳар бир ҳўжалик субъекти айланма маблағларини тўғри ташкил қилмоғи, улардан фойдаланишда самарадорликка эришмоғи лозим.

## **11-§. Қисқа муддатли кредитлашни ташкил қилиш асослари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳўжалик юритувчи субъектларга кредит бериш тижорат банклари томонидан «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун асосида ва бошқа меъерий ҳужжатларга мувофиқ равишда амалга оширилади. Кредитлар Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар тўғрисида»ги Қонунига асосан кредит, ўз капитали ва мустақил балансига, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил ҳўжалик юритувчи субъектларга берилади. Тижорат банклари ҳўжалик юритувчи субъектларга, уларнинг мулкчилик шаклларида қатъи назар, шартнома асосида қисқа муддатли кредит берадилар. Кредит миқдорнинг ҳисоб-китоб варағи жойлашган банкдан берилади. Бошқа банкларнинг миқдорларига кредит берилишига йўл қўйилмайди. Зарар кўриб ишлайдиган, ноликвид балансга эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларга кредит берилмайди, илгари берилган ссудалар эса белгиланган тартибда муддатидан илгари ундириб олинади. Кредит ресурсларидан узоқ муддатли молиявий нобарқарорлик, ҳўжасизлик ва зарарларни қоплаш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди. Кредитлар муддатига кўра қисқа муддатли , ўрта муддатли ва узоқ муддатли турларга бўлинади.

Қисқа муддатли кредит амал қилиш муддати 12 ойдан ошмайдиган ссуда бўлиб, унинг муддатининг узайтирилиши кредитланаётган тадбирларни ўтказиш муддати, уларнинг қопланиши ва бошқа шартлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Қисқа муддатли ссудалар кредитларнинг бошқа турларига нисбатан ликвидлироқ ҳисобланади. Ўрта муддатли 1-5 йилгача, узоқ муддатли кредитлар 5 йилдан ортиқ муддатга берилади.

Кредитлаш жараёни бир нечта принциплар орқали амалга оширилади:

- мақсадлилиқ;
- таъминланганлик;
- муддатлилиги;
- қайтарилиши;

- тўловлилиқ.

Қайтарилиш тамойили кредитнинг моҳиятини ифодалайди. Банк томонидан мижозларга бериладиган ҳар бир сўм пул маблағлари яна банкка қайтарилиши лозим. Қайтариб беришни иқтисодий асоси сифатида маблағларнинг узлуксиз доиравий айланиши ҳисобланади.

Кредит иқтисодий муносабатларни белгиланган тизими сифатида бошқа пулли муносабатлардан фарқ қилади, яъни пулнинг ҳаражати қайтариб бериш шарти билан амалга ошади.

Кредитнинг муддатлилиқ тамойили бўлиб, у қайтаришлиқ тамойили билан узвий боғлиқ бўлади. Кредитлашнинг муддатлилиги икки томонлама характерга эга. Биринчидан кредитнинг моҳияти вақтинча фойдаланишга берилган маблағларнинг қайтарилишлигинингина билдириб қолмай, балки бу қайтарилишини аниқ муддатларини белгилашни ҳам тақозо этади. Кредитнинг муддати, бир томондан фойдаланишга берилаётган кредит ресурсларининг бўш туриш муддати билан белгиланса, иккинчи томондан қарз олувчининг маблағларга бўлган вақтинчалик эҳтиёжларининг муддатига боғлиқ. Кредитлаштириш муддатлилигининг бу икки томонлама характери инобатга олинганда вақтинчалик фойдаланишга берилган маблағларни тўлиқ ва белгиланган муддатда қайтарилишини таъминлаш мумкин. Кредитнинг муддатлилигига риоя қилиш банклар учун ҳам, қарз олувчилар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг ҳисобига банк кредит ресурсларини айланишни жадаллаштиради, улардан оқилона фойдаланишга эришсалар, хўжаликлар эса ўз даромадларини кўпайтириш, ўз ва қарз маблағларидан фойдаланиш самарасини оширишлари мумкин. Кредит муддатини узайтириш аксарият ҳолларда банкнинг рухсати билан амалга оширилади. Кредит муддати қарз олинган маблағларни қайси давргача фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Кредитнинг кейинги тамойили - кредитнинг таъминланганлигидир. Бунда ссуданинг таъминланганлиги кредит берилишига асосан қарз олувчининг мулки, моддий

бойликлар захиралари, кўчмас мулки ёки ишлаб чиқариш ҳаражатлари суммасига мос келиши билан белгиланади. Бу ўз навбатида кредитни ўз муддатига қайтарилишига кафолат берилишини тасдиқлайди. Олинган кредит маблағлари корхонада ишлаб чиқариш захираси, тугалланмаган ишлаб чиқариш ёки тайёр маҳсулот ҳамда мавжуд моддий бойликларни таъминлаш учун берилади. Бу тамойил асосан корхоналарга берилган ссудалар ёки томонлар мажбуриятлари реал таъминланади. Ссуданинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш учун кредит шартномасига кўра қарз олувчи гаровга маълум қийматга эга бўлган мол-мулкни қўйиб расмийлаштирадilar. Агар кредит олувчи кредитни ўз вақтида қайтара олмаса, у ҳолда гаровни сотиш чоралари кўрилади. Кредит миқдори гаровга қўйилган мулк қийматининг 50 фоизидан 80 фоизигача миқдорида берилади.

Кредитнинг бош тамойили кредитнинг мақсадга йўналтирилишидир. Бунда аниқ хўжалик жараёнларининг кредит билан боғлиқлиги таъминланади. Кредитни мақсадли йўналтириш тамойили қарз олувчи зиммасига пул маблағларини фақат режада кўрсатилган мақсадлар учун сарфлаши кўзда тутлади. Узоқ муддатли кредит мақсадли тарзда аниқ қурилиш объектлари ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун берилади. Кредитлар бизнес-режа асосида берилади. Иқтисодиётда кредит ресурсларини режали тақсимланишида мақсадлилиқ тамойили муҳим аҳамиятга эга. Кредитни мақсадли йўналтириш кредит миқдорини тартибга солиш усулларига боғлиқ бўлади. Бу усуллар:

- лимитлаштириш;
- назорат рақамларини белгилаш;
- режа бўйича кредит миқдорини аниқлаш кабиларидан иборат.

Кредитнинг мақсадли йўналтирилишини таъминлаш унинг ўз вақтида қайтарилиши учун реал шарт-шароитларни яратиб беради. Бу тамойил риоя қилиш банк муассасалари томонидан қарз олувчи корхоналарнинг ҳисоботлари асосида назорат қилинади. Берилган кредит қарз олувчи томонидан бошқа мақсадга ишлатилган билиб, у ҳолда белгиланган тартибда кредит муддатидан илгари қайтариб олинади.

Кредитлашнинг бешинчи тамойили - олинган кредит учун ҳақ тўлаш ёки фоизликдир. Бунда шартномага кўра кредит олувчи корхона ўз эътиёжи учун кредитга олган пул

маблағларидан вақтинча фойдаланганлиги учун банкка белгиланган ҳақни тўлаши лозим. Амалиётда бу тамойил банкнинг фоизи механизми орқали амлга оширилади. Банкнинг фоизи ставкаси бу кредитнинг «нархидир». Кредит учун ҳақ тўлаш корхоналарни хўжалик ҳисобига шу жумладан ресурсларни кўпайишига ҳамда жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга таъсир этади. Банк муассасалари кредит фоизи ҳисобидан ўз харажларини қоплайди. Кредит учун ҳақ тўлаш тамойили қарзга олинган маблағлардан унумли фойдаланиш ва кредитни қайтариш муддатини тезлаштириш мақсадида корхонага иқтисодий таъсир кўрсатиш воситасидир. Банк фоизи кредит турларига қараб турлича белгиланади. Қайтарилиш муддати ўтиб кетган кредитлар учун оширилган миқдорда фоиз олинади, бу эса қайтариш муддати шартларига қатъий равишда риоя қилишга ёрдам беради.

Юқорида кўриб чиқилган тамойил асосида кредит олмоқчи бўлган мижозларга кредит пакети тайёрланади ва кредит олиш мумкин ёки мумкин эмаслиги таҳлил қилинади.

Кредит пакетини тайёрлаш ва уни таҳлил қилиш жараёни қуйидаги босқичларга бўлинади.

а) кредит олиш тўғрисидаги буюртманомани кўриб чиқиш ва келгусидаги қарз олувчи билан мулоқатда бўлиш;

б) кредит нархини аниқлаш;

в) кредит шартномасини тайёрлаш.

Кредит олиш учун қарз олувчи ўзининг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини қуйидаги мазмунда таҳлил қилиши лозим:

- ўз маҳсулотини сотиш бозори, унга талаб ва таклифни ўрганиш;

- кредит олиш учун асос бўлувчи товар-моддий бойликларни етказиб бериш, ишлаб чиқариш харажатлари ва товарларни реализация қилиш бўйича контрактлар билан таъминланганлиги;

- кредитланадиган тадбирнинг самарадорлиги;

- қарз олувчи ҳисоб варағига пул маблағларининг келиб тушиш даврийлиги;

- кредитни ва унга тегишли фоизларни тўлаш манбалари;

- кредит учун тўланиши мумкин бўлган фоиз ҳисоб-китоби ва унинг даврийлиги;

- олдинги давр (йил, чорак, ой) ги молиявий хўжалик фаолиятининг респектив таҳлили;

- жорий давр учун бизнес-режа.

Хўжалик субъекти кредит олиш учун таҳлилий ва хомчўт маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, кредит буюртманомаси ва илтимосномасини тузади.

Илтимосномада кредит олиш зарурияти, унинг самарадорлиги, қайтарилиши, тўловлиги ва таъминланиши, шунингдек, ўз капитали таркиби ва унинг кредитланаётган тадбирдаги иштироки батафсил баён қилинади. Илтимосномага қуйидагилар илова қилинади:

а) кредит буюртманомаси;

б) пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа;

в) охириги ҳисобот даври учун бухгалтерлик баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ва тўлов муддати 60 кундан ошган қарзларни қиёслаш далолатномалар талқини билан бирга;

г) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;

д) айланма маблағларини айланиши ҳисоб-китоби;

е) бошқа кредитлар, қарз маблағлари мавжудлиги ва бошқа банкларда сақланадиган бўш маблағларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома;

ж) капитали билан иштирок этганлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Кредит ходими ёки кредит пакетини ўрганувчи шахс юқорида қайд этилган ҳужжатларни олгач, уч кунлик муддатда қуйидагиларни аниқлайди:

- субъектларнинг кредит ва тўлов қобилияти, унинг рейтинг баҳосини, шунингдек кредит мақсадларининг устав фаолиятига мувофиқлиги, кредитнинг турини аниқлайди, бунда у мажбурий тартибда ликвидлилик, қоплаш, мухторият, қарз маблағларини жалб қилиш, фойда ва айланма маблағлари айланиши коэффицентларидан фойдаланади.

Кредит пакетини таҳлил қилишда нафақат кредит битимларинининг турли соҳаларига, балки раҳбарнинг шахсий сифатларига ҳам баҳо берилади.

Тақдим этилган ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиққач, банк ходими кредит битимини тузиш учун хулосани расмийлаштиради. Бунда қуйидагилар кўрсатилади:

- кредитнинг мақсади, муддати ва миқдори;

- кредит қайтарилишининг таъминланиши;
- фоиз миқдори ва бошқалар.

Банк ходимининг хулосаси раҳбар томонидан имзоланган ва хужжатлар илова қилинган ҳолда кредит қўмитасига кўриб чиқиш учун юборилади. Қўмита ўз ваколатларидан келиб чиққан, ҳолда уч кун мобайнида тегишли қарор қабул қилади. Мазкур хулоса кредит қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади. Шундан сўнг кредит шартномаси тузилади ёки кредит битимини тузиш ва ссуда беришдан бош тортиш сабаблари кўрсатилган ҳолда қарз олувчига ёзма равишда рад жавоби берилади.

Кредит қўмитасининг ижобий хулосасидан сўнг кредит шартномаси тузилади. Кредит шартномасига банк раҳбари ва қарз олувчи имзо чекканидан сўнг у юридик кучга эга бўлади.

Кредит шартномасида қуйидагилар кўзда тутилади:

- кредитнинг мақсади ва суммаси;
- уни бериш тартиби ҳамда тўлаш тартиби ва шакли;
- мажбуриятларни таъминлаш шакллари, фоиз ставкалари, уларни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш шакли;
- кредит бериш ва уни тўлаш вақтида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- кредит бериш учун зарур бўлган маълумотлар, ҳисоб-китоб ва хужжатларнинг рўйхати ҳамда уларнинг даврийлиги;
- банк томонидан жойида ҳисоб юритиш, кредитнинг қайтарилишини таъминлаш юзасидан текширувлар ўтказиш имконияти ва бошқа масалалар.

Кредит ходими кредит шартномаси тузилганидан сўнг кредитни тўлаш муддати ва фоиз ставкаларини кўрсатган ҳолда ссуда ҳисоб вароғини очиш тўғрисида қарор қабул қилгач, қарз олувчига кредит вароқчаси очилиб, унга асосан кредит юзасидан назорат амалга оширилади.

Банк кредитдан фойдаланилган вақт учун ҳақ тўлаш кредит нархини ташкил этади, у ҳисобот оyi бошлангунга қадар банк бўйича юзага келадиган ўртача фоиз ставкаси ва маржани ўз ичига олади.

Кредит нархи Марказий банкнинг « қайта молиялаш » ставкаларини меъёрлари билан тартибга солинади ҳамда маҳсулот ва хизматлар тан-нархи даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган чегара кўрсаткичларидан ошмаслиги лозим. Амалда қайта молиялаш ставкаси «Ўзбекистон

Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддасига мувофиқ Марказий банк томонидан мустақил равишда белгиланади. Ҳозирги кунда қайта молиялаштириш фоиз ставкаси ойига 3 фоизни, ҳамда йилига 36 фоизни ташкил этади. Бу фоиз ставкасига тижоарт банклари 1,5 мартагача маржа қўйиши мумкин, яъни бир ойлик тижорат кредитини фоиз ставкаси 4,5 фоиз бўлиб, йиллик 54 фоизни ташкил этади. Демак энг охири чегара 54 фоиз, қуйи чегара 36 фоиз ва бу барча кредитлар учун бир хилдир.

## **12-§. Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш усуллари**

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжалик субъектларининг, банклар фаолиятининг тижоратлашуви юзага келади. Кейинги йилларда турли хил мулкчилик шаклига асосланган корхоналар ташкил топди. Бу корхоналар қайси мулк шаклига асосланган бўлишига қарамасдан иқтисодий жиҳатдан тўлиқ мустақил бўлиб, ўз ҳаражатларини ўзи қоплайдиган корхоналар ҳисобланади. Бозор шароитида иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган корхоналарда қўшимча пул маблағларига эҳтиёж юзага келади ва бу эҳтиёж зарур бўлганида банк кредитлари ҳисобидан қопланиши мумкин. Шу сабабли бозор иқтисоди шароитида кредит механизмининг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этади.

Кредит механизми хўжалик механизмининг таркибий қисми бўлиб, ўз ичига кредитлаш шартларини, усулларини ва кредитни бошқариш тамойилларини олади. Кредит механизми ёрдамида банк тизимининг кредит сиёсати амалга оширилади.

Банк рискларини камайтириш ва унинг даромадини оширишда кредитлаш жараёнини тўғри ташкил қилиш, мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш муҳим ўрин тутди. Мижозга берилган кредит ўз вақтида қайтиб келишини ҳоҳлайдиган банк аввалом бор мижознинг кредит заявкаси ва унинг кредит тарихини мукамал ўрганиб чиқиши лозим. Бу жараён банк рискнинг олдини олишнинг илк босқичи ҳисобланади.

Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини ўрганиш ва кредит берилгандан кейин кредит мониторингини мунтазам

олиб бориш банк рискени камайтириш ва унинг даромадини оширишнинг навбатдаги босқичларидандир.

Кредитлаш жараёнини ташкил қилиш кредит заявкани кўриб чиқишдан бошланади. Биз амалиётда кредит заявқаларини кўришда нималарга эътибор бериш зарурлигини таъкидламоқчимиз.

Ҳар бир мижозга чуқур диққатлилиқ билан муносабатда бўлиш, ҳар бир банк ходимининг фаолият кўрсатиш қодаларининг ажралмас қисми бўлиши керак. Одатда ўз мижозларига диққат билан муомала қилмайдиган ходимлари бўлган банкнинг, бизнинг фикримизча, келажаги бўлмайдди. Биз амалиётимизда банк билан мижоз ўртасида мавжуд кредит муносабатларга тўхталмасдан, жаҳон амалиётида кредит жараёнининг ташкил қилиниш асосларига тўхталамиз. Жаҳон амалиётида кредитлаш жараёнини ташкил қилишда банк ходими мижозларга кредитлаш шартлари ҳақида маълумот беради ва банкнинг анкета саволларига жавоб беришни таклиф қилади. Чет эл банкларида мижозлар билан бўлган биринчи ва ундан кейинги учрашувлар натижаси ҳисоботларда умумлаштирилади. Бу ҳисоботлар маълум миқдорда саволларнинг стандарт йиғимини ўз ичига олади. Бундай ҳисоботга мижознинг банкга ҳар ташрифидан сўнг ўзгартириш киритилади ва янги маълумот билан тўлдирилади. Бу ҳисоботлар кредит инспекторига келгуси мижоз тўғрисида учрашувлари олдидан керакли маълумотларни беради. Келгуси мижоз кредит инспектори билан бўладиган учрашувга олинадиган ссуда, унинг ишлатилиш мақсади, суммаси, қайтарилиш муддати ва тақдим қилинган таъминловини ўз ичига олган кредит заявқаси билан келади.

Кўпгина давлатларда нуфузли банклар кредит заявқаси билан бирга бир неча ҳужжатларни кўриб чиқади, буларга:

1) қарз олувчи компания (корхона) таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

2) молиявий ҳисобот, корхона баланси ва охириги уч йил учун фойда ва зарар ҳисоботини ўз ичига олади. Баланс йил охиригача тузилиб, унда активлар, мажбуриятлар ва капитал тузилмаси кўрсатилади. Фойда ва зарар счёти бир йиллик вақтни ўз ичига олади ва компания даромади ва ҳаражатлари, соф даромади, унинг резервга тақсимланиши ва чегирмалар,

дивиденд тўловлари ва ҳ.к.лар тўғрисида батафсил маълумот берилади.

3) Касса тушумлари ва ҳаракати тўғрисида ҳисобот. У икки ҳисобот муддатида тузилган балансларнинг солиштирилишига асослангандир ва у ҳар хил бўлимлар ва фондлар ҳаракатида бўладиган ўзгаришларни кўришга ёрдам беради. Ҳисобот ресурслари дефицитини, ишлатилишини, фоизлар учун маблағлар бўшаш вақти ва касса тушумларининг дефицитини юзага келиши ва ҳ.к.нинг умумий ҳолатини кўришга ёрдам беради.

4) Ички молия ҳисоботи. Бу ҳисобот компания молиявий ҳолати, 1 йил, квартал ёки ой давомида ресурсларга бўлган эҳтиёжининг ўзгаришларини акс эттиради.

5) Ички оператив ҳисоб бўйича маълумотлар. Баланс тузиш учун кўп вақтни талаб қилади. Лекин кредитор банкга қарз олувчи компания тўғрисида баъзи бир оператив ҳисобот маълумотлари керак бўлиб қолиши мумкин.

6) Молиялаштиришнинг прогнози. Бу ҳисобот келгуси сотувни баҳолаш, ҳаражат, товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаражатлар, дебитор қарздорлик, захиралар қайтарилиши, нақд пулга эҳтиёж, капитал қўйилма ва ҳ.к.ларни ўз ичига олади.

7) Солиқ декларацияси энг керакли қўшимча ахборот сифатида. Унда қарз олувчи солиқ тўловчи сифатида бошқа ҳужжатларга киргизилмаган ахборотлар бўлиши мумкин.

8) Бизнес-план. Кўпгина кредит заявқалари хали молия ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларга эга бўлмаган ишни энди бошлаётган корхоналарни молиялаштириш билан боғлиқ. Бундай пайтда қарз олувчи компания банкга кредитланадиган лойиха мақсади ва уни амалга ошириш усуллари ҳақида маълумотларни ўз ичига олувчи батафсил бизнес-планни тақдим этиши керак.

Кредит инспектори кредит заявқаси ва унга киритилган ҳужжатларни яхшилаб ўрганиб чиқади. Бундан сўнг у келгуси қарз олувчи билан яна бир бор суҳбатлашади. Суҳбат давомида кредит инспектори қарз олувчи компания (банк) ишларини ҳар томонлама ўрганиши шарт эмас, у кредитор-банкни қизиқтирадиган саволларга керакли даражада аҳамият бериши керак.

Кўзга кўринган чет эл банкларининг амалиёти шуни кўрсатадики, келгуси мижоз билан суҳбат аниқ бир тартибда берилган қуйидаги саволларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Банк кредитлашнинг биринчи босқичида қуйидагиларни аниқлаши керак:

А. Қарз олувчининг ишончлилиги ва кредитга лаёқатлилиги, унинг партнёр сифатидаги фаолияти доимийлиги ва самараси.

Б. Кредит заявкасининг асосланганлиги ва кредит қайтарилишининг таъминланганлик даражаси. Банк керак бўлса кредит таклифи бўйича ўз талабларини ишлаб чиқиши ва мижозни у билан таништириши мумкин.

В. Кредит таклифининг банк кредит сиёсати ва ссуда портфели тузилмасига тўғри келиши. Янги кредит бериш ва кредит портфели диверсификацияси кредит рискининг пасайишига олиб келадими ёки йўқми?

Банкнинг кредит бериш билан шуғулланувчи ходимлари яхши билмайдиган иқтисод тармоқларидаги корхоналарига ссуда бермаслиги керак. Лекин бундай ҳолларда кредит таклифини баҳолаш учун нуфузли экспертларни жалб қилишлари мумкин. Аммо бу банкнинг қўшимча ҳаражатиغا олиб келса-да, кредитлаш билан боғлиқ рискларнинг олдини олиши мумкин.

Ҳар қандай заявка ва қўшимча ҳужжатлар ҳамда суҳбат натижаларини аниқлашнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қарз характери ва кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ҳисобланади. Кредит инспектори қарз олувчига заявкани тайёрлаш давомида мижознинг кредитни қоплашга лойиқ қимматли активларини ва даромад миқдорини билади. Мижознинг оғзаки жавоблари ёзма берган маълумотларига қараганда кўпроқ маълумот беради. Шу билан бир вақтда инспектор мижоз ҳамкорлик қилган банкларга мурожаат қилади.

Кредит инспектори қарз олувчи даромадининг факатгина миқдorigа эмас, балки стабиллигига ҳам эътибор бериш керак. Улар мижоздан соф даромад ҳақида маълумот олишни истайдилар (яъни даромаддан ҳамма тўловлар тўлангандан сўнг).

Даромаднинг миқдори ва доимийлиги турғенлигини у билвосита кўрсатгичи бўлиб, мижозларнинг депозит ҳисобларидаги ўртача бир кунлик қолдиқ тўғрисидаги маълумотлар хизмат қилади. Қарз олувчи томонидан берилган

бу маълумотлар инспектор томонидан тегишли банк томонидан берилган маълумотлар билан таққосланади.

Банк депозит ҳисобларидаги салмоқли қолдиқларни бўлиши мижоз молиявий аҳволининг ишончилигидан, унинг молиявий интизомлигидан ва олинган кредитларни қайтариш борасидаги интилишлари жиддийлигидан далолат беради.

Тажрибали кредит инспектори аҳамият берадиган омиллардан яна бири мижознинг бир жойда узоқ ва доимий фаолият кўрсатиши, яшаши ҳамда машғул бўлишидир. Кўпгина банклар одатда кўрсатилган жойда бир неча ойгина ишлаётган шахслар ва яқинда рўйхатдан ўтган фирмаларга рад жавобини берадилар.

Одатда мижознинг бир манзилда яшаш даври кўриб чиқилади, чунки у бир жойда қанча кўп турса, унинг аҳволи шунчалик муҳим деб ҳисобланади. Турар жойининг номуҳимлиги ёки манзилнинг тез-тез ўзгариши кредит бериш масаласини ҳал қилишда нохуш ҳолат деб қаралиши лозим.

Кредит инспекторлари «қарзлар пирамидаси» деб аталувчи ҳолатнинг пайдо бўлишини қўллаб-қувватламайдилар. «Пирамида» ҳолати бу қарздор 1 та банк ёки фирмадан олган қарзини тўлаш учун бошқа кредитордан қарз олиши тушунилади. Мижознинг кредит карточкалари бўйича қарзининг катталиги, кўплиги ўзининг ҳисобидан ёзиб берилган чекларнинг тез тез қайтиб келиши инспектор назаридан четда қолмаслиги керак. Бундай далиллар асосида мижознинг ҳақиқий молиявий аҳволи ва унинг пул маблағларини бошқариш қобилияти ҳақида хулоса қилинади.

Агар мижоз билан ишларни давом эттириш ҳал қилинса, унда инспектор кредит досьесини йиғади ва уни кредит бўлимига юборади. Бу бўлимда мижознинг кредитга лаёқатлилиги чуқур ўрганилади ва кредит рискига баҳо берилади.

Кредит механизмининг муҳим элементларидан бири - кредитга лаёқатлилиқдир. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини ҳисобга олган ҳолда кредит бериш, кредитни ўз вақтида қайтаришнинг муҳим шартидир. Давлат мулкчилигига асосланган жамиятда кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичи кредит механизми муҳим ўринни эгаллай олмайди. Банклар фаолиятига давлат яқка ҳукмронлиги уларнинг мустақил субъект сифатида фаолият кўрсатишига тусқинлик қилади ва

кредит ресурслари марказлашган тарзда, режа асосида тасдиқланади. Энг хусусиятли томони шундаки, банклар берадиган кредитлари бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилай олмайдилар.

Бозор иқтисоди шароитида эса, кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичи кредит беришда эътибор қилинадиган асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб қолади. Чунки тижорат банки ўз фаолияти натижаси учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Кредит учун фоиз эса унинг асосий даромад манбаи бўлиб қолади.

Корхонанинг кредитга лаёқатлилигини ўрганиш тижорат банкига кредит бериш мумкинлигини аниқлашга, унинг миқдорини, фоиз ставкасининг даражасини белгилашга имкон беради. Бундан ташқари, кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ссудани ўз вақтида қайтариш эҳтимолини, энг асосийси банк рискинни камайтиришга имкон беради.

Кредитга лаёқатлилиқни баҳолаш корхонанинг ўзига ҳам катта аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичларнинг таҳлилига асосланиб, улар мол етказиб берувчилар ҳаридорлар ва бошқа банклар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишлари мумкин.

Ижобий кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичга эга бўлган корхоналар ҳеч қандай тусиқларсиз кредит олишлари ва унинг ҳисобидан товар моддий бойликларни сотиб олиши, салмоқли маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, олдиндан олинган кредитлар бўйича қарзларни тўлашга йуналтиришлари мумкин. Салбий кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичига эга бўлган корхоналар банкдан кредит ололмасида, ўз молиявий аҳволини яхшилаш, ишлаб чиқариш, сотув ҳажмини, ўз маблағлари миқдорини, рентабеллилиқ кўрсаткичларини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш лозимлиги тўғрисидаги ахборотга эга бўладилар.

Корхона ва банклар учун кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичининг аҳамияти муҳимлигини ҳисобга олиб биз кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичининг иқтисодий моҳияти тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Иқтисодий адабиётларда бу кўрсаткичнинг моҳияти тўғрисида турли таърифларни учратиш мумкин. Кўпгина муаллифлар томонидан кредитга лаёқатлиқка, корхоналарнинг қарз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш имконияти сифатида таъриф берилади. Бизнинг фикримизча, бу таъриф кўпроқ корхонанинг тўловга лаёқатлилигига

берилган таърифдир. Амалиётда кредитга лаёқатлилик кўрсаткичи кўпроқ банкдан қарз олувчи корхона фаолиятини ифода қилади. Кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларини икки томонлама кўриб чиқиш мумкин:

- қарз олувчи нуқтаи назаридан кредитга лаёқатлилик;
- кредит шартномасини тузиш имконияти, олинган кредитларни ўз вақтида қайтара олиш қобилиятини ифодаласа;
- банк нуқтаи назаридан - корхонага бериладиган кредитнинг ҳажмини тўғри аниқлай олиш масъулиятини билдиради.

Баъзи иқтисодчилар қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик кўрсаткичини баҳолашда? биринчи ўринга корхонанинг даромад олиш имкониятини қўйишади. Бизнинг фикримизча даромад олиш - корхонанинг ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолият турининг натижаси ҳисобланиб, шу натижага эришиш мақсадида корхона кредитга мухтожлик сезади.

Агар қарзларни тўлаш миқёсида қарайдиган бўлсак, кредитга лаёқатлиликка нисбатан тўловга лаёқатлилик тушунчаси кенгроқдир. Чунки тўловга лаёқатлилик жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг барча қарз ва мажбуриятларини ўз вақтида тўлай олиш имкониятини ифодалайди. Кредитга лаёқатлилик тўловга лаёқатлиликдан фарқ қилиб, ссуда бўйича қарзларни ўз вақтида тўлаш имкониятини кўрсатади. Ундан ташқари кредитга лаёқатлилик тўловга лаёқатлиликдан тўлаш манбалари билан ҳам фарқ қилади.

Корхона, ташкилотлар ўз қарз, мажбуриятларини сотишдан тушган тушум ёки бошқа ҳар хил тушумлар ҳисобидан амалга оширса, кредит бўйича қарзларни тўлаш биринчи навбатда маҳсулотни сотиш ҳисобидан тушган тушумдан амалга оширилиши белгиланади. Банк кредитини тўлаш бўйича муаммолар юзага келганда, ссудани тўлашнинг кафолатлик манбалари қўл келиши мумкин. Булар:

- ссуда бўйича гаров сифатида олинган мулк;
- бошқа банк ёки корхоналарнинг кафолати;
- суғурталаш ҳисобидан қоплаш ва бошқалар.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, тўғри кредит берган банк, корхона тўловга лаёқатли бўлмаган ҳолда ҳам берган кредитни, тўлиқ ёки қисман қайтиб олишни мўлжаллаши мумкин.

Ўзининг барча аҳамиятига қарамасдан бу кўрсаткичлар айрим маънода чегараланган аҳамиятга эга. Биринчидан, кўпгина кўрсаткичлар шу жумладан молиявий аҳволни, капиталнинг борлиги ва бошқаларни характерловчи кўрсаткичлар асосан ўтмиш билан боғлиқ бўлиб, улар ўтган давр кўрсаткичлари асосида ҳисобланади, келажакдаги кредитга лаёқатлиликини режалаштириш эса келажакда ссудаларни қайтарилиш имкониятларига баҳо беради. Иккинчидан одатда бундай кўрсаткичлар ҳисобот муддатига қолган қолдиқ асосида ҳисобланади, ваҳоланки маълум даврдаги оборотлар ҳақидаги маълумотлар ссудаларни қайтариш имкониятларини тўлароқ тасвирлайди.

Кредитга лаёқатлиликини таҳлил қилишда маълумотларнинг ҳар хил манбаларидан фойдаланилади:

а) бевосита мижозлардан олинган материаллар;

б) мижоз ҳақидаги банк архивида мавжуд бўлган материаллар;

в) мижоз билан иш юзасидан алоқада бўлган шахслар (унинг мол етказиб берувчилари, кредиторлари, унинг мижозлари, банклари ва бошқалар) томонидан берилган маълумотлар;

г) шахсий ва давлат агентликлари ва ташкилотларининг ҳисоботлари ва материаллари (кредитга лаёқатлилиқ ҳақидаги ҳисоботлари, инвестиция бўйича маълумотномалар ва бошқалар).

Бундай ташкилотлар ҳозирчалик бизнинг амалиётимизда йўқ. Биз олдинги бобларда шундай агентлик зарурлиги тўғрисида гапириб ўтган эдик.

Банк томонидан ўрганиб чиқилган материалларни ва мижоз томонидан берилган бевосита маълумотларни олган кредит бўлимининг экспертлари ўз банк архивига мурожаат қилади. Агар мижоз олдин ҳам кредит олган бўлса архивда унинг қарзини кечиктириб тўланганлиги ва бошқа камчиликлари ҳақидаги маълумот бўлади. Ундан ташқари банк бошқа кредит ташкилотлари билан алоқа ўрнатиб, ушбу қарздор тўғрисида маълумот олиши мумкин.

Кредит заявқасини баҳолашда кредит бўлими ходимлари конкрет қарз олувчи билан боғлиқ саволларни кўриб чиқибгина қолмай, у фаолият кўрсатаётган минтақа, тармоқларда юзага келган иқтисодий аҳволни ҳам ҳисобга олишлари лозим.

Кредит бериш бўйича сифат анализи ҳам босқичларда амалга оширилади:

- а) қарз олувчи репутациясини ўрганиб чиқиш;
- б) кредит мақсадини аниқлаш;
- в) асосий қарз ва фоизларнинг қайси манбалар ҳисобидан қопланишини аниқлаш;
- г) банк қисман ўз бўйнига оладиган қарз олувчининг рискларини баҳолаш.

Қарз олувчининг репутацияси синчковлик билан текширилади, бунда мижознинг кредит тарихини ўрганиб чиқиш жуда муҳимдир. Корхона раҳбарининг шахсий ва иш билан боғлиқ бўлган хислатлари ҳам катта эътиборга эга.

Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ссуда бериш имкониятини аниқлашда банк вазифаларининг ажралмас бир қисмидир. Жаҳон амалиётида мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда турли хил баҳолаш тизимларидан фойдаланилади.

АҚШда потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш учун ва ўз навбатида кредит рискинни минималлаштириш учун 5 «С» номли усул фойдаланилади, Бу усулнинг асосида мижоз фаолиятини баҳолашнинг қуйидаги мезонлари ётади:

- мижознинг репутацияси - Customer character;
- тўлов қобилияти - Capacity to pay;
- капитал - Capital;
- ссуданинг таъминланганлиги - Collateral;
- иқтисодий конъюнктура ва унинг истиқболлари - Current business conditions and goodwill.

Бу усул бўйича мижознинг обрўси, масъулият даражаси, қарзни тўлашга бўлган истаги ва тайёргарлиги текширилади. Даставвал банк мижознинг: ўтмишда ўз мажбуриятларига қандай муносабатда бўлганлиги; қарзларни тўлашда камчиликлар бўлганлиги; кредитланувчи субъектнинг иқтисодда, бозорда қандай мавқега эга эканлигини текширади. Бунда банк қарздор билан суҳбат олиб боради, архивдан мижоз тўғрисида материалларни олиб, таҳлил қилади, бошқа фирма ва банклар билан маслаҳатлашади ва ҳоказо.

Қарздорнинг тўлов қобилиятида унинг молиявий имкониятлари, унинг кредитни тўлаш қобилияти қарздорнинг

фойда ва зарарлари ҳамда келажакда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар пухта таҳлил қилиш орқали аниқланади. Унда банк қарзни тўлаш бўйича мижоз маблағларининг 3 манбасини чуқур ўрганиб чиқади. Булар:

- жорий касса тушумлари ( cash flow ) ;
- активларни сотиш;
- молиялаштиришнинг бошқа манбалари ( жумладан, пул бозоридаги қарзлар).

«Бешинчи қонуни»га қайтар эканмиз, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, банк асосий эътиборини бошқа омилларга ҳам, жумладан, фирмаларнинг акциядор капиталига, унинг тузилишига, актив ва пассивларнинг бошқа моддаларига бўлган нисбатига ҳамда қарзнинг таъминланишига, унинг етарлилик даражасига, сифатига ва қарзни тўламаслик ҳолида гаровни сотиш даражасига қаратади.

Сўнгида, кредитга бўлган талабномани қараб чиққанда умумий шарт-шароитлар жумладан; давлатдаги ишбилармонлик иқлимини аниқловчи ва банк билан биргаликда қарздорнинг ҳолатига таъсир этувчи омиллардир: иқтисодий ҳолат аҳволи, монанд товар бўйича бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан рақобатнинг мавжудлиги, солиқлар, хом ашёга нарх-наволар ва бошқаларга эътибор қаратилади.

Буюк Британияда ҳам «Parts» номли қарз олувчи қобилиятини таҳлил қилиш усули кенг тарқалган бўлиб, унда:

- кредитнинг мақсади - Purpose;
- ссуданинг хажми - Amount;
- қарзни тўлаш - Repayment;
- муддати - Term;
- ссуданинг таъминланганлиги - Security кабилар таҳлил қилинади.

Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини текширишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд. Мижознинг кредитга лаёқатлилиги асосида мижознинг фаолиятини [арактерлайдиган зарур ахборотларни йиғиш ётади. АКШ ва бошқа ўзарб мамлакатларида мижознинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда банклар учун махсус ҳуқуқий норма ва қонунлар мавжуд. Мижозлар ҳисоботларини банклар томонидан таҳлил қилиниши икки хил кўринишга эга: ички ва ташқи кўринишга эга. Ташқи таҳлил шу қарз олувчи фаолиятини бошқалар билан солиштиришдан иборат. Ички таҳлил эса молиявий

ҳисоботларнинг турлича қисмларини маълум вақт оралигида солиштиришдан иборатдир.

Хорижий давлатлар амалиётида мижознинг пул оқими чуқур таҳлил қилинади.

Пул оқими мижознинг ўз харажатларини қоплаш ва қарзларни ўз ресурслари ҳисобидан тўлаш қобилиятининг ўлчамидир.

Бундай таҳлил турлича олиб борилади, жумладан бу максатда қарз олувчининг пул маблағларининг ҳаракат ҳисоботидан фойдаланиши мумкин.

Бунинг учун мижоз пул маблағларининг ҳаракати ҳақида ҳисоботи тузилади ва у қуйидаги саволларга жавоб беришига имконият беради.

- Мижоз келажақда молиявий активларнинг ўсиши учун ўзини пул маблағлари билан таъминлай оладими ?
- Қарз олувчи фаолиятининг ўсиш суръати ташқи манбалардан молиялаштириш зарур бўлган даражада тезмикин?
- Қарз олувчи кейинги инвестициялашдан пайдо бўлган қарзни қоплаш учун ортиқча пул маблағларига эгами?

Банк амалиётида мижознинг кредитга лаёқатлилигини текширишнинг тўғри ва эгри усуллари мавжуддир.

Тўғри усуллардан кам фойдаланилади. Бунда мижоз томонидан тўпланган баллар, у олишга ҳақли бўлган ссуда суммасига тенглаштирилади.

Эгри усуллар эса жуда кенг тарқалган. Унинг мазмуни турлича баҳолаш кўрсаткичларига маълум баллар беришдан иборатдир. Бунинг натижаси бўлиб мижознинг кредитга лаёқатлилигини синфини аниқлаш хизмат қилади. ўз - ўзидан аён бўлиб турибдики, мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда баллар системасидан фойдаланиш - энг объектив ва иқтисодий асосланган қарорларни кабул қилиш жараёнидир. Ягона муаммо шундан иборатки, бунда мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш бўйича ахборотларнинг янгиланиши талаб қилинади, бу эса ўз навбатида банк учун жуда қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун унча катта бўлмаган банклар одатда ахборот базасининг чекланганлиги ва кўп харажатлилиги туфайли мижознинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда «коэффициентлари» усулидан фойдаланилади. Худди шундай «коэффициентлар» усули Узбекистон Республикасида хўжалик субъектларини кредитлашда ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида хўжалик субъектларининг кредитга лаёқатлилигини ҳисоблаш ЎзР МБ нинг 1998 йил 26 декабр 33-йўриқномасига асосан олиб борилади. Бу йуриқномага асосан миқознинг кредитга лаёқатлилиги куйидаги коэффицентлар орқали баҳоланади:

- ликвидлилик коэффиценти;
- қоплаш коэффиценти;
- мухторлик коэффиценти ва қўшимча кўрсаткичлардан айланма маблағлар ҳолати ва айланиш коэффицентлари аниқланади.

«Қарз олувчининг ликвидлилиги» деганида унинг ўз вақтида пул мажбуриятларини бажара олиш қобилияти тушунилади. Ликвидлик ва қоплаш коэффицентлари қарзларни тўлаш учун ўз мулкани пулга айлантириш имконияти ҳақида далолат беради. Иккала коэффицент ҳам баланснинг актив ва пассивларини солиштириш йули билан ҳисобланади. Ликвид маблағлар ўзининг тез пулга айланиши даражасига қараб 3 гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳ ликвид маблағларга:

- пул маблағлари (баланснинг 170-қатори), жумладан ҳисоб-китоб счёти; валюта счётидаги (180 - қ), бошқа счётлардаги ва кассадаги пул маблағлари (190 - қ) киради;

Иккинчи гуруҳ ликвид маблағларига тез пулга айланадиган талаблар:

- муддати 3 ойгача бўлган аванс тўловлар (230 - қ);
- бюджет билан ҳисоб-китоблар (240 - қ);
- ишончли дебиторлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар (200-220 - қ);
- корхоналар билан қисқа муддатли характерга эга бўлган бошқа операциялар (260-270 - қ) бўйича хизматчилар билан ҳисоблашишлар (250- қ);
- таъсисчилар ҳамда бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар (280-290 - қ).

Учинчи гуруҳ ликвид маблағларига тез сотиладиган товар моддий қимматликларининг захиралари бўйича талаблари киради:

- ишлаб - чиқариш захиралари ва келгуси давр ҳаражатлари (120 - қ);
- тугалланмаган ишлаб-чиқариш (130 - қ);
- тайёр махсулот (140 - қ);

- товарлар (150 - қ);

- бошқа захиралар ва ҳаражатлар киради.

Қисқа муддатли мажбуриятларни аниқлашда:

а) ўзгартиришлар киритмасдан қуйидаги кўрсаткичлар олинади:

- қисқа муддатли қарзлар (420 - қ);

- қисқа муддатли кредитлар (430- қ);

- буюртмачилардан тушган аванслар (440 - қ);

Кредиторлар:

- мол етказиб берувчилар олдидаги қарзлар (450 - қ);

- бюджетга қарзлар (460 - қ);

- иш ҳақи бўйича қарзлар (470 - қ);

- ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарз (480 - қ);

- мулк ва шахсий суғурталаш бўйича қарз (490 - қ);

- бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарз (500 - қ);

- шўъба корхоналар бўйича қарзлар (510 - қ);

- уюшма корхоналар бўйича қарзлар (520 - қ);

- бошқа кредиторлар (530 - қ);

б) ўзгартиришлар киритилиб қуйидаги кўрсаткичлар олинади (яқин уч ой муддатга):

- узоқ муддатли қарзлар (400 - қ);

- узоқ муддатли кредитлар (410 - қ);

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда пул маблағлари =170+180+190 баланс қаторлари.

Тез сотиладиган талаблар =200+220+230+240+250+260+270+ +280+290 баланс қаторлари.

Тез сотиладиган захиралар =120+140+150 баланс қаторлари.

Қисқа муддатли мажбуриятлар = 420+430+440+450+460+470+480+490+500+510+530+(400+410 ўзгартиришлар билан) баланс қаторлари.

Агар мижознинг ликвид активлари унинг қисқа муддатли мажбуриятларидан икки баробар ва ундан ортиқ, бўлса, мижоз молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланади.

Мижоз баланси ва бошқа молиявий хужжатларга асосан кредитга лоёқатлилиқ кўрсаткичлари аниқланади.

Ликвидлик коэффициенти (Кл) қуйидагича ҳисобланади:

1 ва 2 гуруҳ ликвид маблағлар

$$Kл = \frac{\quad}{\quad}$$

қисқа муддатли қарз мажбуриятлари

Қоплаш коэффиценти (Қп)ни ҳисоблашда барча ликвид маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати олинади.

1,2 ва 3-гуруҳ ликвид маблағлари

$$Kп = \frac{\quad}{\quad}$$

қисқа муддатли қарз мажбуриятлари

Ликвидлилик коэффиценти қарз олувчи ўз маблағлари ҳисобидан қарзнинг қанча қисмини тўлай олиш қобилиятини кўрсатади, яъни бу коэффициентдан мижознинг яқин келажақда оператив равишда банкга қарз тўлаб бериш қобилиятини прогнозлаш учун фойдаланилади. Ликвидлилик коэффиценти қанча юқори бўлса, кредитга лаёқатлилик шунча юқори бўлади.

Қоплаш коэффиценти мижознинг қисқа муддатли мажбуриятларини тўлаш учун барча турдаги айланма маблағларнинг етарли даражасини аниқлашга имкон беради.

Айланма маблағларнинг айланиши коэффиценти (Коб) жорий активларнинг айланиш тезлиги ва активларга қўйилган маблағларнинг пул маблағларига айланиш тезлигини ҳарактерлаб, у маълум давр ичида айланма маблағлари неча марта айланганлигини ифодалайди :

Реализация қилинган маҳсулот хажми

$$Kоб = \frac{\quad}{\quad}$$

айланма маблағларнинг ўртача хронологик қолдиғи

Коб ни ҳисоблаш айланишни прогнозлаш ва кредитлаш муддатини аниқлашга имкон яратади. Айланма маблағларнинг айланиши коэффиценти айланма маблағларнинг ҳаракати тезлигини ифодалайди ва таҳлил қилинаётган даврда маҳсулотнинг реализациясидан тушумларнинг чекланиши ҳамда айланма маблағларнинг ўртача қиймати ҳисоблаб боришга имкон яратади.

Шунингдек, айланма маблағларнинг кунларда айланишини ҳам ҳисоблаш мумкин. Бу кўрсаткич корхона айланма

маблағларининг бир марта айланиши (П-Т-и\ч-Т-П) учун неча кун кетишини кўрсатади.

О кунларда Айланма маблағларининг ўртача қолдиғи х 360  
кун  
айланиши =  $\frac{\text{Айланма маблағларининг ўртача қолдиғи} \times 360}{\text{реализация хажми}}$ ;

Айланма маблағлар айланишига қанча кам кун кетса, корхонанинг фойда олиши, бинобарин кредитни банкка тўлаши шунча тез амалга оширилади.

Молиявий мустақиллик ёки мухторлик коэффициенти (Кфн) мижознинг ўз маблағларини молиялаштириш манбалари ичида тутган салмоғини, яъни корхона фаолиятининг қанча қисми ўз капитали ҳисобидан молиялаштирилишини кўрсатади ва қуйидаги формула орқали аниқланади

$$\text{Кфн} = \frac{\text{Ўз маблағлари манбалари}}{\text{баланс суммаси} \times 100 \text{ фоиз}}$$

Банк учун Коб ва Кан кўрсаткичлари кредит шартномаси тузилаётганда риск даражасини аниқлаш нуқтаи назаридан муҳимдир. Ўз маблағлари манбалари ва унинг ҳажми қанчалик катта бўлса, мижознинг ўз вақтида қарз мажбуриятларини тўлаш қобилияти шунча юқори бўлади. Корхонани кредитлаш учун унинг ўз маблағлари манбалари билан таъминланганлиги 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Ўз айланма маблағларининг мавжудлиги кўрсаткичи (НСОС):

$$\text{НСОС} = \frac{\text{Ўз маблағлари манбалари} - \text{Узоқ муддатли активлар (110-330 баланс қаторлари)} - \text{қопланмаган зарарлар}}{\text{...}}$$

Агар корхонанинг асосий воситалари ва оборотдан ташқари активлари ўз маблағлари манбаларидан юқори бўлса, у ҳолда корхона баланси ноликвид эканлигини кўрсатади. Ноликвид балансга эга бўлган корхоналар банк кредитларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар.

Корхоналарга кредит беришда унинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда қуйидаги жадвалда келтирилган кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

#### 4-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Даврлар			
		1 кв	1/2 йил	9 ой	йил
1.	Қоплаш коэффиценти				
2.	Ликвидлилик коэффиценти				
3.	Мухторлик коэффиценти				
4.	Ўз айланма маблағлари мавжудлиги динамикаси				
5.	Фойдалилик				
6.	Тўланмаган қарзлар а) банк ссудалари бўйича б) ҳисоб китоблар бўйича				
7.	Айлана маблағлар айланиши а) айланиш коэффиценти б) кунларда айланиши				

Юқоридаги кўрсаткичларнинг натижаси меъёрий талаблар билан таққосланади ва корхонанинг молиявий аҳволи аниқланиб, кредит бериш мезонлари белгиланади. Кредит бериш бўйича синфларга ажратишда қуйидаги талаблар ҳисобга олинади.

**Кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларига  
қараб миқозларни синфларга ажратиш бўйича талаблар**

№	Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
1.	Қоплаш коэффициентлари (Кқ)	$K_q \geq 2,0$	$2,0 > K_q \geq 1,0$	$1,0 > K_q$
2.	Ликвидлилиқ коэффициентлари (Кл)	$K_l \geq 1,5$	$1,5 > K_l \geq 1,0$	$1,0 > K_l$
3.	Мухторлиқ коэффициентлари (Км)	$K_m \geq 60\%$	$60\% > K_m \geq 30\%$	$30\% > K_m$

Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича биринчи синфга кирувчи миқозлар умумий талаблар асосида кредитланиши мумкин. Мумкин бўлганда уларга ишонч кредитлари (таъминланганлик талаб қилмасдан) ёки бошқа енгилликлар берилиши мумкин.

Агар миқоз 2-синфга тааллуқли бўлса ва унинг қўшимча кўрсаткичлари ижобий бўлса, унга умумий асосда кредит берилиши, баъзи енгилликлар қўлланилиши мумкин. Агар қўшимча кўрсаткичлар бўйича камчиликлар бўлса, унинг молиявий аҳволи нобарқарор деб топилиши ва уни яхшилаш учун чоралар кўришни талаб қилиш, кредит бўйича гаровни мустаҳкамлаш, фоиз ставкаларини ошириш, ссуданинг суммасини ва муддатини чеклаш чораларини кўриш мумкин. III синфга кирувчи миқозлар аниқ гаров ва юқори фоиз ставка асосида кредит олади (миқознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашга доир ҳисоб-китоблар 1-иловада келтирилган).

### **13-§. Алоҳида ссуда сметида кредитлаш тартиби.**

Кредитлаш деганда, банклар томонидан бериладиган кредитлар ҳисобига амалга ошириладиган тадбирлар тушунилади. Тижорат банклари хўжалиқ юритувчи субъектларга таъминот асосида ёки таъминотсиз-бланк кредитлари (ишонч кредитлари) деб номланувчи кредитларни бериши тўғрисидаги қарор қабул қилиши мумкин.

Таъминотсиз-эътимодли кредитларни бериш банк учун катта рисклилиқка олиб келади. Банк билан қарз олувчи ўртасида доимий алоқа бўлган ва қарз олувчининг тўловга қобилиятлигига шубҳа бўлмаган ҳолда (эътимодли) ишонч кредити берилади. Кўрсатилган кредит қарз олувчи томонидан

берилган буюртманома асосида ажратилиб, кредит шартномаси ва муддатли мажбуриятнома билан расмийлаштирилади, ҳамда белгиланган муддатда тўланиши шарт.

Ишонч кредити белгиланган муддатда қайтарилмаса, қарз олувчи ўзининг молиявий ҳолатини яхшилаш юзасидан чоратадбирлар қабул қилгунга қадар уни бериш тўхтатиб қўйилиши лозим.

Таъминланган ва таъминотсиз ссудалар ссуданинг мақсадига кўра (кредит ишларига мувофиқ) у очиладиган контокоррент ҳисоб варағи, овердрафт бўйича, ҳамда алоҳида ссуда ҳисобварақларидан берилади.

Кредит ҳисобидан тўланиши лозим бўлган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари банкнинг кредит ходими томонидан имзоланади. Алоҳида ссуда ҳисоб-китоб варағи бўйича берилган ссудалар кредит ходими фармойишига кўра муддатли мажбуриятнома билан расмийлаштирилади.

Кредитни тўлаш муддати келса ва қарз олувчида пул маблағлари бўлмаса, муддатида тўланмаган ссудаларни ҳисобварағидан ундириб олишга тақдим этилади, унга доир мажбуриятлар эса иккинчи картотекага жойлаштирилиб, календар навбати тартибида тўланади.

Тижорат банклари ҳозирги кунда кўпинча хўжалик юритувчи субъектларга алоҳида ссуда ҳисобварақларидан «кредит линиясини очмасдан» ёки «кредит линиясини очиб» қуйидаги мақсадларга, яъни қарз олувчининг асосий фаолияти билан боғлиқ товар моддий бойликлар, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш, амал қилиш муддати куни билан 30 кун бўлган аккредитивларни очиш учун пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаш учун кредит беришлари мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларга «кредит линиясини очмасдан» деган алоҳида ссуда ҳисобварақидан кредит бериш бир марталик ссуда бериш йўли билан амалга оширилади. Бир марта ссуда бериш тўғрисидаги қарор мавжуд қоидаларда кўзда тутилган ҳужжатлар пакети асосида банк томонидан ҳар бир ссуда бўйича алоҳида қабул қилинади.

Кредитга бўлган талаб банк томонидан хўжалик юритувчи субъект билан биргаликда кредит шартномаси ва пакетдаги бошқа ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

- мажбуриятларни қайтариш муддати келишига қараб қарз олувчининг ҳисоб-китоб варағидан ссудалар бўйича қарзларни ундириб олиш йўли билан;

- қарз олувчининг ҳисоб-китоб варақидаги пул маблағларининг бўш қолдиқларини тўлов тпшириқномаси асосида ссуда ҳисобвараққа ўтказиш йўли билан муддатидан илгари;

- товар моддий бойликлар ва кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш учун келиб тушган вакиллар ҳисобини юритиш йўли билан;

- банк томонидан кафолат, кафилликлар бўйича олинган мажбуриятлардан, шунингдек, гаров ҳуқуқини амалга оширишдан тушган маблағлардан фойдаланиш йўли билан.

Хўжалик юритувчи субъектларга «кредит линиясини очиш» йўли билан кредит бериш, кредитлашнинг олдиндан белгиланган суммаси доирасида алоҳида ссуда ҳисобварақидан амалга оширилади. Мазкур ҳисобвараққа қарз олувчининг товар моддий бойликлар, асосий фаолиятига тегишли ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича ҳақ тўланади. Бунда ссудани расмийлаштириш шартномаларини ҳар гал банк билан мувофиқлаштиришга эҳтиёж қолмайди.

Мазкур кредит қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга, савдо, таъминот ва бошқа хўжалик субъектларга, одатда умумий асослар ва қоидаларга кўра берилади.

Юқорида қайд этилган кредит беришнинг мажбурий шартномаларидан бири қарз олувчининг молиявий ҳолати барқарор бўлишидан иборатдир.

«Кредит линиясини очиш» йўли билан ссудалар бериш банкнинг кафолатли мажбуриятномаси билан расмийлаштирилиши лозим. Бунда банк вакиллик ҳисобварағининг ҳолатидан қатъи назар, кредит шартномасида белгиланган доираларда кредит миқдори, муддати ва лимитида қарз олувчига ҳеч қандай тўсиқларсиз кредит берилишини кафолатловчи мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Банкнинг кафолат мажбуриятномаси икки нусхада тузилади, улардан бири кредит ходимининг фармойишига кўра ҳисоб юритилиши учун бухгалтерияга берилади, иккинчиси қарз олувчининг кредитга доир ҳужжатларида сақланади. Ҳисобга

олинган мажбуриятлар суммаси ссуда қарздорлиги ҳисобидан чиқариб ташланадиган ҳолада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 559-560 сонли ҳамда 10-қоидаларида баён этилган тартибда белгиланган иқтисодий меъерларни ҳисоб-китоб қилиш даврида ҳисобга олинади.

«Кредит линиясини очиш» кредитнинг миқдори, ундан фойдаланиш муддати ва уни тўлаш даврийлиги қарз олувчининг товар етказиб берувчилар ва харидорлар билан тузган шартнома-битимни таҳлил қилиш асосида белгиланади, бу кредит шартномада акс эттирилиши лозим.

«Очиш кредит линияси» га хизмат кўрсатганлик учун қарз олувчи банкка фоизларни тўлайди. Фоизлар кредитдан фойдаланиш даражасидан қатъи назар кредитлаш лимитининг барча суммасига ҳисобланади. Бунда лимитлаштирилган сумманинг барчасини ёки бир қисмини ишлатса ҳам умумий суммага нисбатан фоиз тўлайди.

Мижознинг кредитга лаёқатлилигини ҳисоблашни унинг балансини ҳолатини таҳлил қилишган бошлаш мақсадга мувофиқдир

**«Тўқимачи» савдо корхонасининг баланс ликвидлигини таҳлили**

(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	01.01.98	01.01.99	Ўзгариши (+; -)
A	1	2	3
1. Ликвид маблағлари шу жумладан	109627	138991	29364
а) пул маблағлари	2474	11313	8839
б) тез сотиладиган талаблар	25606	62286	36680
в) тез сотиладиган захиралар	81547	65392	-16155
2. Мажбуриятлар	236136	250464	14328
3. Баланс ликвидлиги	0,46	0,55	0,09
4. (1:2=3)			

«Тўқимачи» савдо корхонасида йил бошида баланс ликвидлиги 0,46 фоиз бўлган, бу кўрсаткичлар йил охирида 0,55 фоиз бўлиб, йил бошига нисбатан 0,09 фоизга кўпайган.

Корхона баланси ликвидлигини ижобий баҳолаш мумкин.

Кредитга лаёқатлиликини асосий кўрсаткичлари бўлмиш қоплаш коэффиценти корхонанинг барча ликвид маблағларини қисқа муддатли мажбуриятлар нисбати сифатида аниқланади.

Қоплаш коэффиценти барча қисқа муддатли мажбуриятларга қанча ликвид маблағлар тўғри келишини кўрсатади ёки барча ликвид маблағлар қай даражада қисқа муддатли мажбуриятларни қоплай олиши мумкинлигини акс эттиради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ликвид маблағлари, қисқа муддатли мажбуриятлардан камида икки баробар ортиқ бўлганда унинг молиявий аҳволи яхши ҳисобланади. Бу юқори мезон чегарасидир. Хўжалик субъектларининг ликвид маблағлари унинг қисқа муддатли мажбуриятлари ҳажмига тенг бўлган ҳоллардаги кўрсаткич қуйи чегара сифатида олинади.

Айни пайтда ишлаб чиқариш харажатлари хўжалик субъекти активлар таркиби каби омиллар унинг баланси ликвидлиги билан боғлиқ ҳақиқий аҳволини бирмунча ўзгартириб

кўрсатиши мумкин. Голбуки, мазкур ликвидлилик қоплаш кўрсаткичи билан тавсифланади.

Мижознинг ликвидлилик коэффиценти пул маблағлари ва осон сотиладиган талаблар билан қисқа муддатли мажбуриятлар орасидаги нисбат сифатида белгиланади, яъни бунда товар моддий бойликлар захиралари ҳисоб-китобга кўшилмайди, балки фақат реал ликвид активлар ҳисобга олинади.

Ликвидлилик коэффиценти жорий мажбуриятларнинг қанчаси нақд пулнинг ўзи билангина эмас, жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан тушиши кутилаётган маблағлар ҳисобидан ҳам қопланиши мумкинлигини кўрсатади.

«Тўқимачи» савдо корхонасини кредитга лаёқатлилигини асосий кўрсаткичлари бўлмиш қоплаш ва ликвидлик коэффицентларини жадвал кўринишида таҳлил этамиз.

2-жадвал

**«Тўқимачи» савдо корхонасини қоплаш ва ликвидлик коэффицентларини таҳлили**

Кўрсаткичлар	01.01.9 8	01.01.9 9	Ўзгариши (+; -)
А	1	2	3
1. Ликвид маблағлар минг сўм шу жумладан	109627	138991	29364
а) пул маблағлари	2474	11313	8839
б) тез реализация бўладиган талаблар	25606	62286	38680
в) тез реализация бўладиган захиралар минг сўм	81547	65392	-16155
2. Қисқа муддатли мажбуриятлар	51107	61179	10072
3. Қоплаш коэффиценти $\frac{1(a+b+c)}{2} = 3$	2,2	2,3	0,1
4. Ликвидлик коэффиценти $\frac{1(a+b)}{2} = 4$	0,55	1,2	0,65

«Тўқимачи» савдо корхонасинининг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилганда қоплаш коэффиценти йил бошида 2,2 ни ва йил охирида 2,3 ни кўрсатиб, бу кўрсаткич

бўйича миждз биринчи синфга тааллуқли ҳисобланади. Ликвидлик кўрсаткичи йил бошида 0,55 бўлиб, учинчи синф тоифасига кирган, йил охирида бу кўрсаткич 1,2 ни кўрсатиб иккинчи синфга тааллуқли бўлди. Бундай ҳолларда миждзнинг синфи бўйича аниқ бир хулосала келиш учун яна кўшимча кўрсаткичларни таҳлил қилиш лозим.

Хўжалик субъектлари ўз манбалари билан қандай таъминланганлигини ёки мухторийлик (автономия) коэффициентига хўжалик ўз маблағларининг корхона баланси пассиви (валюта баланси)га нисбати сифатида белгиланади, яъни умумий якунидаги улушни ҳисоблаш йўли билан баҳоланишади ва корхонанинг маблағлари қарз олиш манбаларига муҳтождмаслигини акс эттиради.

Корхонанинг ўз маблағларини манбалари таркибига қуйидагилар:

- устав, қўшилган резерв капитали, тақсимланмаган фойда, мақсадли тушумлар ва фоизлар, келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар ва келгуси давр даромадлари киради.

Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Айланма маблағларини айланиш тезлиги катта бўлган ҳолларда ва хўжалик органи фаолияти турига қараб, бу кўрсаткичнинг қуйи даражаси бироз пастроқ бўлиши мумкин. Агар бу коэффициент 60 фоиз бўлса, кредит рисли минимал даражага туширилган ҳисобланади. Мухторият коэффициенти қанча юқори бўлса, корхона молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланади ва банк кредитини ўз вақтида қайтариш даражаси юқори бўлади.

**«Тўқимачи» савдо корхонасини мухторият коэффицентини  
таҳлили  
(минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	01.01.98	01.01.99	Ўзгариши (+; -)
A	1	2	3
1. Ўзлик маблағларини манбалари	185029	189285	4256
а) устав капитали	169181	169181	-
б) резерв капитали	503	503	-
в) тақсимланмаган фойда	15345	19601	4256
2. Мажбуриятлар	236136	250464	14328
3. Мухторият коэффиценти (1:2x100)	78,3	75,5	-2,8

«Тўқимачи» савдо корхонасида мухторият коэффиценти йил бошида 78,3 фоизни йил охирида 75,5 фоизни ташкил этади.

Бу кўрсаткич йил бошига нисбатан - 2,8 пунктга камайгани билан, йил бошида ҳам йил охирида ҳам биринчи синфга тааллуқли бўлган.

Кредитга лаёқатлилиқнинг қўшимча кўрсаткичларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Кредитга лаёқатлилиқнинг қўшимча кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- ўз айланма маблағлари мавжудлигининг динамикаси;
- фойдалилик;
- нотўловлар ва айланма маблағларининг айланиш суръатлари.

Ўз айланма маблағларининг мавжудлилиқ динамикаси аниқлашда корхонанинг ўз маблағлари манбаларидан узоқ муддатли активлар таркибига кирган узоқ муддатли активларни айириб ташлаймиз.

Шундай қилиб қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

Ўз айланма    Ўз маблағлар    Узоқ муддатли  
маблағлари = манбалари    - активлар (110 - қ - 350 - қ).  
мавжудлиги

4-жадвал

**«Тўқимачи» савдо корхонасини ўз айланма маблағларининг  
мавжудлигини таҳлили  
(минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	01.01.98	01.01.99	Ўзгариш и (+; -)
А	1	2	3
1. Ўз маблағларини манбалари	185029	189285	4256
2. Узоқ муддатли активлар	126509	111473	-15036
3. Ўз айланма маблағларини мавжудлиги (1-3)	58520	77812	19292

Таҳлил шуни кўрсатадики, «Тўқимачи» савдо корхонасида йил бошида ўз айланма маблағлари 58520 минг сўмни ташкил этиб, йил охирида бу кўрсаткич 77812 минг сўм бўлиб, у ликвид балансга эга бўлган. Узоқ муддатли банк кредитлари йил бошида ҳам, йил охирида ҳам бўлмаган. Умуман олганда йил охирида ўз айланма маблағлари йил бошига нисбатан 19092 минг сўмга ортган. Шунингдек узоқ муддатли активлар йил бошига нисбатан йил охирида - 15036 минг сўмга камайган. Агарда асосий воситалар ўз маблағлари манбаидан ортиқ бўлса, бу ҳолда мижоз ноликвид баланс эга бўлади. Ноликвид балансли корхоналарга кредит берилиши мумкин эмас.

**«Тўқимачи» савдо корхонасини ўз айланма  
маблағларини умумий айланма маблағлар суммасида  
тутган салмоғини таҳлили**

Кўрсаткичлар	01.01.98	01.01.99	Ўзгариши (+; -)
А	1	2	3
1. Ўз айланма маблағлари	58520	77812	19292
2. Айланма маблағларини жами	109627	138991	29364
3. Умумий айланма маблағларида тутган салмоғи (1:2x100)	53,4	56,0	2,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ўз айланма маблағларининг умумий айланма маблағларида тутган салмоғи йил бошида 53,4 фоизни ташкил қилган бўлса, йил охирида эса бу кўрсаткич 56,0 фоизни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 2,6 фоизга ортган.

Агарда айланма маблағларида ўз айланма маблағларини тутган салмоғи кўпайса ёки олдинги даврга нисбатан ўзгармаган бўлса, бу ҳолат ижобий ҳисобланади.

Энди айланма маблағларини айланиш суръатларини таҳлил қилиб ўрганиб чиқамиз. Хужалик юритувчи субъектлар маблағларининг айланиш суръатлари иккита кўрсаткич билан аниқланади. Булар:

- а) айланма маблағларининг айланиш коэффиценти
- б) айланма маблағларининг кундалик айланиши.

Айланма маблағларининг айланиш коэффиценти айланма маблағларнинг ҳаракатланиш тезлигини тавсифлайди ва у таҳлил этилаётган даврда маҳсулот сотишдан олинган тушумнинг айланма маблағлари ўртача қолдиғига нисбати сифатида ҳисобланади.

Бунда Д-таҳлил қилинаётган даврдаги кунлар (чорак 90 кун, ярим йиллик 180 кун, 9 ойлик 270 кун, йиллик 360 кун)

Р-маҳсулот сотиш ҳажми

**«Тўқимачи» савдо корхонасини айланма маблағларни айланиши ва  
кунларда айланиш  
коэффициентларини таҳлили**

**(1998 йил учун минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	01.01.98	01.01.99	Ўзгариши (+; -)
1. Маҳсулот сотиш ҳажми минг сўм	234949	291256	56307
2. Айланма маблағларининг ўртача қолдиғи минг сўм	54813	69496	14683
3. Айланиш коэффициенти $\frac{P}{C_0}$	4,3	4,2	-0,1
4. Таҳлил қилинаётган кунлар	360	360	x
5. Кунларда айланиши $\frac{C_{охД}}{P}$	84	86	+2

«Тўқимачи» савдо корхонасида айланма маблағларининг айланиш коэффициенти бирмунча камайган, яъни йил айланма маблағлар бошида 4,3 марта айланган бўлса, йил охирида 4,2 марта айланган ва орадаги фарқ - 0,1 мартани ташкил этган. Айланма маблағларини кунларда айланиши йил бошида 84 кунни ташкил этган бўлса, йил охирида бу кўрсаткич 86 кунни ташкил этиб, орадаги фарқ 2 кунга кўпайган. Умуман олганда барча молия ахборотларни таҳлил қилиб, фирма бўйича айланма маблағларини айланиши суръатлари ёмон эмас деган хулосага келинса мақсадга мувофиқ бўлади. Айланма маблағларини айланиш кўрсаткичлари барча айланма маблағлари бўйича ҳамда товар моддий бойликлари ва дебиторлар билан ҳисоблашишлар ҳам ҳисобланади.

Дебиторлар билан ҳисоблашишларни тавсифлайдиган бўлсак, у маҳсулот сотиш ҳажми ва бошқа дебиторлар ҳамда

сотиб олувчилар билан ҳисоблашишлар ҳолатини намоён қилади.

Айланма маблағларини айланишини баҳолаш бир нечта даврлар учун аниқланади. Айланма маблағларини айланиши тезлашса, шунчалик айланма маблағлари иқтисод қилинади. Таҳлил қилинган айланма маблағларини айланиш кўрсаткичи йил охиридаги даврда умумий айланма маблағлари суммасидаги ҳолатни тавсифлайди. Шу сабабли айланма маблағларини кунларда айланиши жуда катта аҳамиятга эга.

Кейинги босқичда корхонанинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари ўтган даврлардан кўрсаткичлар билан таққосланади. Бу корхонанинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлар тенденциялари ўзгаришини аниқлаш имконини беради. Шундан сўнг таҳлил натижасидан келиб чиққан кўрсаткичлари битта ягона жадвалга умумлаштириб корхонани кредитга лаёқатлилиқка кўрсаткичларига баҳо беришимиз мумкин.

#### **14-§. КРЕДИТЛАШНИНГ ЯНГИ ШАКЛЛАРИ**

Тижорат банклари томонидан хўжаликларга берилган ҳар бир кредитлар сифатини товар моддий қийматлари ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан таъминланган бўлиши лозим. Кредитнинг бу шарти бошқа шартлар билан ўзаро боғлиқ бўлиб, ўз вақтида уларнинг бажарилишини ҳам таъминлайди. Қачонки берилган кредитлар тўла таъминланган бўлса, кредит ўрнатилган муддатда, тўлов билан қайтариш мумкин, акс ҳолда кредитнинг қайтарилиши маълум муддатга кечикиши ёки бошқа негатив ҳолатлар содир бўлиши мумкин.

Хўжаликларни қисқа муддатли кредитлаш «Ўзбекистон Республикаси банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун»га мувофиқ амалга оширилади. Қисқа муддатли кредитлар юқоридаги шартлар асосида ўз балансига эга бўлган, иқтисодий жиҳатдан мустақил, ўз маблағларига эга корхоналар тўғрисидаги қонунга бўйсунувчи шахсларга берилади.

Қисқа муддатли кредит 11 кундан 1 йилгача берилади деб айтдик. Демак, бу кредит берилишидан аввал кредит пакети ташкил қилиниб, у чуқур таҳлил этилади. Кредит пакетининг

ташкил топиши ва унинг таҳлили қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1. Бундан қарз олувчи мижоз раҳбарининг мутахассислиги, ишбиламонлик қобилияти, ҳужжатнинг бошқа хўжаликлар билан муносабатлари ва сўраётган кредитни ишлатишдан мақсад каби ҳолатлар аниқланади.

2. Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ва баҳолаш. Бу билан сўралаётган кредитнинг таваккалчилик даражасини аниқлаш, унинг қайтарилмаслик имкониятлари ва бошқа молиявий ҳолатлар аниқланади.

3. Сўралаётган кредитнинг баҳосини аниқлаш (фоиз ўрнатиш).

4. Кредит шартномасини тайёрлаш ва унинг кучга киритилиши.

Кредит олиш учун ҳар бир мижоз ўз молиявий ҳолатини чуқур таҳлил қилган ҳолда сўралаётган кредитнинг самарадорлигини аниқлаши лозим. Бу борада хўжалик томонидан ишлаб чиқарилган товар ёки кўрсатилган хизматлар учун истеъмолчиларнинг мавжудлигининг, хўжалик ҳисоб-китоб счётига келиб тушиши мумкин бўлган маблағлар каналларини аниқлаш ҳамда кредит ва у учун фоизни ўз вақтида қайтарилиши имкониятларини ҳисоблаш лозим. Бундан кейин қарз олувчи банкка кредит сўраб ариза билан мурожаат қилади. Хўжалик томонидан банкга тақдим этилган барча ҳужжатлар: ариза, ходатайство, кредитга лаёқатлилигининг таҳлили, хўжаликнинг баланси ва статистик маълумотлари, кредит шартномаси ва бошқа зарур ҳужжатлар мажмуаси кредит пакетини ташкил этади. Кредит пакетининг таҳлили эса юқоридаги босқичларда амалга оширилади.

Кредит пакети чуқур таҳлил этилгандан кейин ҳужжатлар банкнинг кредит қўмитасига тақдим этилади ва банк раҳбарининг розилиги билан кредит бериш-бермаслик ҳақида қарор қабул қилинади (белгиланган миқдордан юқори ҳажмдаги кредитлар Марказий банк кредит қўмитасининг розилиги билан берилади).

Бизга маълумки, хўжаликлар томонидан банк кредитини ишлатганлиги учун қилинадиган тўлов кредит баҳосининг ўртача фоиз миқдори билан маржадан иборат бўлади. Хўжаликларга берилиши лозим бўлган кредитлар баҳоси Марказий банкнинг ремолиялаштириш сиёсати бўйича

ўрнатилган фоиз асосида белгиланади, у қуйидагича аниқланади:

1. Жорий даврдаги ремолиялаштириш фоиз миқдорида нисбатан тижорат банклари 1,5 марта, ортиқча кредитнинг баҳосини белгилашлари мумкин яъни:

а) ремолиялаштириш фоизи 3 фоиз

б) кредит баҳоси  $3,0 \times 1,5 = 4,5$  фоиз (1 ойга)

Кредит баҳосининг ўзгариши талаб ва таклифга боғлиқдир.

2. Ўз муддатида қайтарилмаган кредитнинг баҳоси қуйидагича белгиланади: а) қайтариллиш муддати ўтган 1 кундан 1 ойгача бўлган кредитлар учун белгиланган кредит баҳоси 1,3 марта оширилади.

Масалан : а) муддатли кредитнинг баҳоси 4 фоиз

б) 1 кундан 30 кунгача муддати ўтган кредит учун  $4,0 \times 1,3 = 5,2$  фоиз

Қайтариллиш муддати ўтган 31 кундан 90 кунгача бўлган кредитлар учун ўрнатилган кредит баҳоси 1,5 марта оширилади, яъни  $4,0 \times 1,5 = 6,0$  фоиз.

Агарда муддати ўтган кредитлар 90 кун ичида қайтарилмаса фоиз ҳисобланиши тўхтатилади. Кредитнинг қайтариллиши эса ўрнатилган тартиб ва қонун асосида амалга оширилади (хўжалик суди ва бошқа маъмурий ташкилотлар орқали).

Биз кредитлаш шаклларининг моҳияти ва унинг аҳамияти саволида унинг шарт-шароитлари (принциплари), кредит пакетини ташкил ва таҳлил қилиш, кредит баҳоси ва уни аниқлаш тартиблари ҳақида ҳам сўз юритдик ва шу саволга янада аниқлик киритдик.

### **Контокоррент ва овердрафт кредитлари**

Контокоррент кредити банк билан доимий муносабатда бўлган, банк ва бошқа хўжаликлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажарувчи молиявий жиҳатдан барқарор бўлган хўжаликларга берилиши мумкин. Яъни банк контокоррент кредитни молиявий жиҳатдан барқарор бўлган хўжалик субъектларга беради. Контокоррент счёти кредит шартномаси асосида очилиб, хўжалик учун ягона счёт ҳисобланади, яъни бу счёт очилиши билан хўжаликнинг ҳисоб-китоб счёти тугатилади.

Контокоррент счётидан кредит белгиланган лимит миқдорида товар моддий қийматлари учун ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлашга, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлашга юборилади. Бу сёт актив-пассив бўлиб, актив қолдиққа ҳам, пассив қолдиққа ҳам эга бўлиши мумкин. Лекин асосий фаолиятдан келиб тушадиган барча маблағлар шу сётга йўналтирилади. Агарда келиб тушган маблағ корхонанинг қарзидан юқори бўлса, кредит қолдиғи ҳосил бўлади ва аксинча дебет қолдиғи ҳосил бўлади. Контокоррент сёти бўйича дебет қолдиғи мавжуд бўлса, корхона банкдан кредит олган деб ҳисобланиб, банк фойдасига фоиз ундирилади (шартномада кўрсатилган миқдорда), аксинча кредит қолдиғи мавжуд бўлса, корхонанинг ўз маблағлари мавжуд ҳисобланиб, банк корхона фойдасига фоиз тўлайди.

Контокоррент ҳисобварағидан кредит асосий фаолият билан боғлиқ товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақини тўлаш йўли билан берилади. Бошқа турдаги тўловлар (кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар, иш ҳақи, бюджетга тўловлар ва бошқа тўловлар) контокоррент ҳисобварағидаги кредит қолдиғи доирасида берилади.

Кредитни қайтариш товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган тушумни контокоррент ҳисобварағи кредитига киритиш тартибида амалга оширилади.

Корхона иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни контокоррент сётининг кредит қолдиғи миқдорида амалга ошириш мумкин.

Контокоррент сёти шартнома бўйича 12 ойгача очилиши мумкин. 12 ой тўлиши билан хўжалик бу сёт кредит қолдиғини таъминлаш мумкин. Йил мобайнида ҳар ойнинг 1-числосига сёт бўйича кредит қолдиғи таъминланиши лозим. 12 ой тўлгандан кейин корхонанинг аризасига асосан сётдан қайта фойдаланишни банк ҳал қилади. Кредит шартномаларини доимий бажариб, молиявий жиҳатдан барқарорликни сақлаб қолган хўжаликлар учун бу сёт олдинги йил лимит миқдорида қайта тикланиши мумкин. Ҳар ойда сёт бўйича пул маблағларининг ҳаракати кредит ва дебет қолдиқлари бўйича ҳисобланиб, таҳлил олиб борилади.

Агарда ой бўйича мижознинг молиявий аҳволи ижобий, ҳамда кредит қолдиқ дебет қолдиқдан кўпроқ бўлган бўлса,

кредит бўлими ходими мижоз контокорент счётидан яна фойдаланиши мумкинлиги тўғрисида хулоса қабул қилади.

Қарз олувчи молиявий кўрсаткичларни бузган, унинг тўлов лаёқати ёмонлашган ва яхшиланиши эҳтимолидан узоқ бўлган ҳолларда, кўмита қарз олувчини, контокоррент ҳисобварағи бўйича кредитлашни тўхтатиш ва илгари берилган кредитларни қодаларда кўзда тутилган тартибда ундириб олиш масаласи кўриб чиқади.

Овердрафт счёти ҳам контокоррент счётининг махсус тури бўлиб, молиявий жиҳатдан барқарор бўлган хўжаликлар учун қўлланиши мумкин. Овердрафт счётининг контокоррент счётидан фарқи шундаки, бу сёт бўйича маълум муддатга дебет қолдиғи ҳосил бўлишига рухсат этилади. Овердрафт счётидан кредит хўжалик асосий фаолиятига тегишли бўлган товар моддий қийматликлари ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлашга берилади.

Бошқа тўловлар (иш ҳақи, кечиктириб бўлмас харажатлар, бюджетга тўловлар ва бошқалар) овердрафт ҳисобварағидаги кредит қолдиғи доирасида ўтказилади.

Кредитнинг қайтарилиши пул тушумларининг шу сётга қабул қилиниши билан амалга оширилади.

Овердрафт счёти бўйича дебет қолдиғи маълум муддатга ҳосил бўлиши, хўжаликнинг депозит счётида мавжуд бўлган пул маблағлари ҳажмида бўлиши мумкин. Кредит учун фоиз белгиланган миқдорларда ўрнатилиб, унинг йўналиши шартномада кўрсатилади. Бу сётдан фойдаланиш даврида банк счётида мавжуд бўлган суммадан ортиқ тўловларни рад этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ой охирида ушбу банкда қарз олувчининг депозит маблағлари бўлмаса ва овердрафт бўйича дебет сальдоси бўлса, у тўлиқ қоплангунча бундай қарз бериш тўхтатилиб турилади. Овердрафт счёти бошқа сётларга қайта расмийлаштирилиши ҳам мумкин. Бунинг учун кредит қайтарилиши таъминланган бўлиши ҳамда қисқа муддатли кредитлаш юзасидан белгиланган муддатга риоя этилиши шарт. Бунда бу сётни контокоррент сётга қайта расмийлаштирилиши мумкин эмас.

Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги даврида, республикамизда, кредит ресурслари бозорида рақобат муҳити тўла шаклланганича йўқ. Бунинг асосий сабаби собиқ Иттифоқ

иқтисодиётидаги монобанк тизимидир. Ушбу тизимнинг асорати ҳамон кучли даражада сезилиб турибди. Бу ҳолат банклараро рақобатнинг заифлигида намоён бўлмоқда.

1994 йилнинг 1 январдаги маълумотга кўра, республикамизда 31 та жасорат банки бўлиб, улардан энг асосийлари учта йирик банк ҳисобланади:

1. Республика акцияли-тижорат деҳқон-саноат банки.
2. Акцияли-тижорат саноат қурилиш банки.
3. Республика акцияли-тижорат ташқи иқтисодий фаолият бўйича миллий банки.

Бу уччала банк ҳиссасига банк тизимидаги асосий кредит ресурсларининг 93 фоизи тўғри келган.

Демак булар монопол банклардир.

Республика ҳукумати банклараро рақобат муҳитини вужудга келтириш учун ихтисослаштирилган банкларни (Ўзбекистон Республикасидаги Савдогарбанк, Заминбанк ва ҳ.к.) ташкил этди.

Марказий банк ҳам рақобат муҳитини юзага келтириш учун шундай ишларни амалга оширмоқда.

Бозор иқтисодиетининг мақсади ҳам рақобат муҳитини оширишдан иборат.

Банклараро рақобат муҳити ошган сари банклар томонидан берилаётган кредит фоизи мижозларни жалб этиш мақсадида камайтиради. Яъни бошқа банкларга нисбатан пастроқ фоизлар белгиланади.

Ўз навбатида тижорат банки ўзи ҳизмат кўрсатаётган мижозлар фаолияти тўғрисида доимий ахборотга эга бўлиши, унинг кредит қобилиятини, тўлов интизоми аҳволини таҳлил қилиб бориши, яъни "маълумотлар банки" барпо этиши лозим.

Кредитлаш жараенида иқтисодий иш кредит шартномаларини бажаришга, қарз олувчининг олинган кредитдан самарали фойдаланишга, уни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришга, кредитдан фойдаланадиган бутун давр мобайнида қарз олувчи билан яқин алоқа сақлаб туришга қаратилиши зарур..

Шу мақсадда мижознинг молиявий фаолияти, у тузилган шартномаларга (буюртмаларга) мувофиқ маҳсулот етказиб бериш борасидаги ўз мажбуриятларини ишлаб чиқариш ҳажмларини қандай бажараётгани, йўл қўяётган беҳуда ҳаражатлар ва йўқотишлар, муоамала чиқимлари, олаётган фойдаси, ўз айланма маблағлари кўпайиши динамикаси, товар-

моддий бойликлар заҳиралари ҳамда айланма маблағлари айланишининг аҳволи таҳлил қилиб турилади. Шундагина қарз олувчи ва банк ўз олддаги мажбуриятларини бажарган ҳолда, кредит шартномаси шартлари тўла бажарилганда кредитга бўлган ишонч ошади. Бундай кредитлаштиришдан кенг миқёсида фойдаланиш кредитлаштириш истиқболини оширишга олиб келади.

### **15-§. Ломбард кредити ва вексел муомаласи асосида кредитлар.**

Қимматли қоғозлар гарови остидаги кредит (ломбард кредити) алоҳида ссуда счётидан товар моддий қийматлар ва хизматлари учун ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлашга қимматли қоғозлар гарови остидаги кредит берилади.

Кредит беришда таъминланганлик сифатида (гарови) давлатнинг қимматли қоғозлари ва бошқа элементларнинг акция, облигация, вексел ёки депозит сертификатлари қабул қилиниши мумкин. Бунда банкнинг ўзи томонидан чиқарилган қимматли қоғозлари гаров сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

Ломбард кредити таъминоти сифатида қуйидагилар гаров шартномаси расмийлаштирилиб берилиши мумкин:

- давлат қимматли қоғозлари;
- бошқа элементларнинг акциялари ва облигациялари, векселлари ва депозит сертификатлари. Банкнинг ўз акциялари гаров сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

Ломбард кредитнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, гаров шартнома тузилган кундаги номинал қиймат бўйича эмас, балки гаров сотилаётган вақтда юзага келадиган курс рисклари муносабати билан унинг муайян қисми учун баҳоланади.

Шу боис қимматли қоғозларни гаровга олиб ломбард кредити бериш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда банк қарз олувчининг молиявий аҳволи ва кредит қобилиятини таҳлил қилиш билан бир вақтда кредит таъминоти тарзида қабул қилинадиган қимматли қоғозлар сифатида, уларнинг курс rischi даражасини баҳолашга алоҳида эътибор беради.

Шу тариқа қимматли қоғозлар котировка қилинаётганда уларнинг курс riskини белгилаб берувчи қимматли қоғозлар бозоридаги биржа курси ўзгаришлари муносабати билан

қимматли қоғозларнинг гаров қиймати биржа қийматининг 80 фоиздан, котировкаланмайдиган қимматли қоғозлар гаров қиймати эса номинал қийматининг 60 фоиздан ошмаслиги зарур.

Қимматли қоғозларни гаровга олиб бериладиган кредит 12 ойгача муддатга ёки қимматли қоғозлар муомалада бўлиши муддатига берилиши лозим.

Қимматли қоғозлар котировкасининг биржа курс кредит шартномасида қайд этилганда фонд биржасидаги охириги савдода чиқарилган котировка маълумотлари ҳисобга олинади. Давлат қимматли қоғозлари рейтинг сифати, айниқса, юқори даражада бўлади. Шу боис улар гаровга қабул қилинаётганда бериладиган кредитнинг максимал суммаси улар гаров қийматининг 90 фоизгача етиши мумкин.

Қарз олувчи фонд бозоридаги сотиб олган бошқа қимматли қоғозлар гаровга олинаётганда кредит максимал суммаси улар гаров қийматининг 80 фоиздан юқори бўлмайди.

Ломбард кредитини бериш, қайтариш ва улардан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш тартиби умумий асосларда амалга оширилади ва у алоҳида қарз ҳисобварағи бўйича кредитлаш тартибига ўхшашдир.

Асосий фаолият билан боғлиқ товар моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш мақсадида тузилган пул-ҳисоб-китоб хужжатлари пулини тўлаш учун қабул қилинади.

Қарз олувчи банкга гаровга қўйган қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромадларга фоизлар қўшилмайди.

Қимматли қоғозларни гаровга олиб кредит шартномаси тузилгандан кейин банк қимматли қоғозлар элементида унинг қимматли қоғозларини гаровга қўйиш битими тузилганлигини ҳамда қимматли қоғозлар бўйича даромадлар киритилиши лозим бўлган депозит ҳисобварағи номерини маълум қилади. Ломбард кредити бериладиган ҳолларда гаровга қўйилган қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромадлар қарз олувчининг муддатсиз депозит ҳисобварағига қўйилади (депозит шартномасини расмийлаштирмасдан) ва биринчи навбатда уларни сақлаш харажатларини қоплашга, шунингдек, кредитдан фойдаланиш учун фоизларни тўлашга йўналтирилади.

Кредитлаш жараенида банк гаровга қўйилган қимматли қоғозлар котировкаси биржа курсидаги ўзгаришлар тўғрисида телекс, компьютер алоқаси ва алоқанинг бошқа турлари ердамида ахборот тўплаб борилади.

Кредитлаш давомида фонд биржасида ўтказилган савдо натижаларига кўра, гаровга қўйилган қимматли қоғозлар қиймати пасайган бўлса, у ҳолда кредит қўмитасининг қарорига мувофиқ қарз олувчига шу суммада қўшимча таъминот бериш талаби билдирилиши ёки кредит миқдори қайтарилиб кредитнинг таъминланмаган қисми муддатидан олдин ундирилиб олиниши мумкин.

Ломбард кредити бўйича барча мажбуриятлари бажарилганидан кейингина гаровга қўйилган қимматли қоғозлар ва улар бўйича олинган даромадлар қарз олувчига қайтарилади.

Ломбард кредити белгиланган муддатларда қайтарилмаган ҳолларда банк имтиёзли ой тугаганидан кейин гаров тўғрисидаги амалдаги қонунга мувофиқ ўз гаров ҳуқуқидан фойдаланади.

Ломбардли кредитнинг кредит олувчи учун афзаллик томонлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ликвидли маблағларга кучли эҳтиёж сезилган тақдирда вақтинчалик, қисқа муддатли пулларни юзага келтиради;
- кредитнинг амал қилиш муддати унга бўлган заруриятига боғлиқ равишда ўрнатилиши мумкин;
- рентабелли қимматли мулклар гаровга қўйилганда уларни сотишга зарурат қолмайди;
- гаровга қўйилган буюмга мулкчилик ҳуқуқи сақланиб қолади;
- кредит берувчи том учун авзаллиги:

Ломбард кредит - бу аввало ишончли кредит, яъни кредит тўлови кечилиб қолган тақдирда кредитор гаровни сотади ва тушган пулга эга бўлади.

### **16-§. Қисқа муддатли кредитни ўз вақтида қайтарилишини таъминлашда банк назоратининг роли.**

Тижорат банки ўзи хизмат кўрсатаётган мижозлар фаолияти тўғрисида доимий ахборотга эга бўлиши, унинг кредит қобилятини, тўлов интизоми аҳволини таҳлил қилиб

бориши, яъни «маълумотлар банки»ни барпо этиши лозим. Кредитлаш жараёнида кредит шартномаси шартларини бажаришга қарз олувчи олинган кредитдан самарали фойдаланишга, уни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришига, кредитдан фойдаланиладиган бутун давр мобайнида қарз олувчи билан яқин алоқа сақлаб туришга қаратилиши лозим. Шу мақсадда мижознинг хўжалик молиявий ҳолати, унинг тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш борасидаги ўз мажбуриятларини, ишлаб чиқариш хажмларини қандай бажараётгани, йўл қўяётган беҳуда харажатлар ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, олаётган фойдаси, ўз айланма маблағлари кўпайиши динамикаси, товар-моддий бойликлар захиралари ҳамда айланма маблағлари айланишини аҳволи таҳлил қилиб турилади.

Банк ҳар чоракда мижознинг кредит қобилиятини ҳисоблаб чиқиб қарз олувчи бўйича тутилга махсус йиғма -жилдда бу маълумотларни тўплаб боради.

Жойнинг ўзида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ишларининг аҳволи, баланс маълумотларининг тўғрилиги ва дебиторлик-кредиторлик қарзларининг ҳолати, шунингдек, банкка берилган гаров ҳолати текшириб турилади. Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашган, у банк назоратидан бўйин товлаган, ҳисобот маълумотлари нотўғри олиб борсак, бухгалтерия ҳисоби ўз ҳолига ташлаб қўйилгани аниқланган ҳолларда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, банк бундан буён кредит беришни тўхтатишга, ҳамда илгари берилган кредитларни таъминот сифатида қабул қилинган ва кредит шартномаси шартларида кўзда тутилган мажбуриятлар орқали қарз олувчининг ўз маблағлари ҳисобидан муддатидан олдин ундириб олишга ҳақли.

Гаров тўғрисидаги шартнома бўйича, банк гаровга қўйилган мулкни мустақил равишда сотиши мумкин. Гаров предмети аукцион орқали сотилади. Айни пайтда қарз олувчи банкка гаровга қўйилган мулк олдиндан маълум паст нархларда сотилиши учун жавобгарлик тўғрисида талаб қўйишга ҳақли. Агар аукцион бўлиб ўтмагани эълон қилинса, банк гаровга қўйилган мулкни дастлабки нархда ўз ихтиёрида қолдиришга ҳақли. Бунда банк қонунга мувофиқ унинг талаблари олдида устунликка эга бўладиган даволарни қолдиришга мажбур.

Бундай ҳолларда банк мажбурияти шу мулкнинг аукцион учун дастлаб белгиланган нархи суммасидан ошмаслиги зарур.

Гаров предметини сотишдан олдин сумма кредитини қоплаш учун етарли бўлмаган ҳолларда, банк, агар шартномада бошқа шарт кўзда тутилмаган бўлса, етишмаётган суммани қарздорнинг бошқа мулки ҳисобидан қонунда кўзда тутилган навбатдаги тартибда олиш ҳуқуқига эга.

Гаров предметини сотишдан тушган сумма қайтарилмаган кредит хажмидан ортиқ бўлса, банк ўртадаги бу тафов бир ой ичида қарз олувчига тўлаши шарт.

Агар қарз олувчи тўлов муддати келгандан сўнг 90 кун ичида кредит шартномасига мувофиқ қарзни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажармаса банк «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ, тўловга лаёқатсизлик тўғрисида иш қўзғаш учун хўжалик судига мурожаат қилиш керак.

Тижорат банклари амалдаги низомга мувофиқ кредит портфели сифатини мунтазам равишда таҳлил қилиб боришлари, ҳар бир кредит билан боғлиқ хатар даражасини таснифлашлари ҳамда уни қуйидаги 5 та тасниф разрядидан бирига киритишлари лозим:

- а) яхши
- б) қониқарли
- в) субстақдарт
- г) шубҳали
- д) умидсиз

Тижорат банки қарз бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резерв барпо этиши шарт. Бу резервга маблағлар амалдаги тартибга мувофиқ киритилади. Қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резерв хўжалик органларга берилган кредитлар таҳлили ҳамда банк хатар даражасиги таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаш асосида ташкил қилинади. Резерв ҳажми амалдаги қарздорлик ёки хатар гуруҳига боғлиқ бўлади. Тижорат банклари резерв хажмини ҳисобот оининг ҳар биринчи куни учун амалдаги тартибга асосан ҳисоблаб чиқадилар. Берилган қарзлар киритилган «хатлар гуруҳи» ёмонлашган тақдирда қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резервга ажратмалар ҳар ойда ўтказиб борилади. Банк олдидаги ўз мажбуриятларини

бажармаган қарз олувчига нисбатан банк кредит шартномаси шартларига кўра қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- агар у келишилган муддатларда банк тавсияларини бажармаса, кредитлаш тўхталиб қтйилиши тўғрисида огоҳлантирилган даъво хати юбориш;

- кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ўз вақтида тўланмаган, шунингдек кредит шартномада белгиланган муддатда қайтарилиши эҳтимолдан узоқ бўлган ҳоларда, қарз олувчига банкротлик тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланиши ҳақида огоҳлантириш берилган даъво хати юборилиб, кредит бўйича қарз қолдиғини муддатдан олдин ундириб олиш;

- қарз олувчи ҳисоб юритиш ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларини бузганлиги аниқланса, кредитлашни тўхтатиш ва бу ҳақда солиқ инспекциясига хабар бериш, шунингдек, ундан ҳисоб ва ҳисобот қоидалари бузилиш сабаблари тўғрисида изоҳ берилиши, уларни тугатиш юзасидан қандай чоралар кўрилади билдирилишини талаб қилиш.

Кредитни ўз вақтида қайтариш борасидаги мажбуриятларни бажараётган қарз олувчи ўзининг тўловга лаёқатсизлиги тўғрисида матбуотда эълон бериши, банк эса бу ҳақда солиқ инспекциясига хабардор қилиши керак. Буни хўжалик судига мурожат қилиб, бундан қарз олувчи банкрот деб танилишини сўрашга ҳақлидир.

Қарз олувчи тўловга лаёқатсиз ёки банкрот деб эълон қилинганда унга янги қарзлар бериш тўхталилади, илгари берилган кредитлар эса муддатидан олдин ундириб олинади. Тўловлар навбати «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга мувофиқ белгиланади. Қарз олувчи банкрот деб эълон қилинган вақтдан бошлаб уни қуйидагилар билан боғлиқ операциялари тўхтатилади:

- мулкни бегоналаштириш ва бериш;
- мажбуриятларни қоплаш;
- ҳисоб-китобдаги ҳаракатлар;
- дивидентлар, солиқлар, тўловлар тўлаш.

Тўловга лаёқатсиз қарз олувчининг барча қарз мажбуриятлари тугаган ҳисобланади ва унга янги талаблар билдирилишига йўл қўйилмайди. Бундай қарз олувчининг барча турдаги қарзларига пеня ва фоизлар қўйиш тўхтатилади. Унинг мулкни сотиб, пул ундириш борасидаги барча чеклашлар

бекор қилинади. Мулккий ёки молиявий тусдаги ҳамма талаблар фақат тугатиш жараёнида доирасида ҳал қилинади. Бунда банк талаблари иккичи навбатда қаноатлантирилади.

Мулк етарли бўлмагани туфайли қондирилмаган қарз мажбуриятлари қаноатлантирилган ҳисобланади ва белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади. Кредитдан кўзланмаган мақсадларда фойдаланганлик учун қарз олувчи банкка кредит шартномасида белгиланган ҳажмда жарима тўлайди.

Банк тузилган шартномага мувофиқ қарз олувчини кредит ресурслари билан таъминлаши шарт.

Банк ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда қарз олувчига шартномада кўзда тутилган миқдорда жарима тўлайди.

### **17-§. Тижорат банкларининг активлари ва уларнинг рисклилик даражаси**

Тижорат банклари фаолиятида унинг активлари ва улар билан боғлиқ актив операциялари, уларнинг рисклик даражасини бошқариб бориш муҳим ўрин тутди. Банкларнинг барча актив операциялари ҳам риск билан боғлиқ бўлмайди.

Тижорат банкларининг активлари ўзига хос белгиларга кўра ликвидлик даражасига қараб, риск даражасига қараб ва даромад келтириш даражасига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади.

Банк балансида активлар ликвидлик даражасига қараб акс эттирилади ва ликвидлик даражасига қараб, улар қуйидаги 3 гуруҳга бўлинади.

- 1 гуруҳ - юқори ликвидли активлар. Буларга:
- а) кассадаги ва йулдаги нақд пуллар, қимматбаҳо тошлар, монета, чеклар ва бошқа пул ҳужжатлари;
  - б) корсчётдаги маблағ қолдиқлари;
  - в) “Ностро” ва “Востро” счётлардаги қолдиқлар;
  - г) мажбурий резервлар счёти бўйича маблағлар қолдиғи;
  - д) қимматли қоғозлар, счётдаги маблағлар қолдиғи , хазина векселлари, давлат облигациялари, ЎзР МБнинг қимматли қоғозлари ва облигациялари.

2 гуруҳ - ликвид активлар. Буларга:

- а) берилган кредитлар(жумладан банклараро ҳам);
- б) ўз инвестициялари;
- в) бошқа қимматли қоғозлар.

3 гуруҳ - ноликвид активлар. Буларга:

- а) муддати ўтган ссудалар;
- б) муддати ўтган фоизлар;
- в) суд аралашуви билан ўзлаштирилиши кўзда тутилган ссудалар;
- г) тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- д) асосий воситалар.

Рисклик даражасига қараб активлар тўрт гуруҳга бўлинади.

1-гуруҳ - рискдан ҳоли бўлган активлар.

Буларга: нақд пуллар ва бошқа касса ҳужжатлари, МБ даги “Ностро”, “Востро” счётидаги маблағлар, мажбурий резерв счётидаги маблағлар, хазина векселлари, давлат облигациялари, МБнинг қимматли қоғозлари ва облигациялари киради.

2-гуруҳ - кичик (минимал) рискли активлар. Буларга бошқа банкларнинг “Ностро”, “Востро” корсчётларидаги олиниши лозим бўлган маблағлар, еврооблигациялар, қисқа муддатли биринчи синф таъминланганликга эга бўлган кредитлар ва бошқа ҳужжатлар киради. Бу активлар бўйича риск даражаси 20 фоизга тенг.

3-гуруҳ - юқори рискли активлар: бошқа банкларга берилган кредитлар, бошқалар учун банк берган гарантия ва кафолатлар. Бу активлар бўйича риск 50 фоизга тенг.

4-гуруҳ - юқори даражадаги рискли активлар қимматли қоғозлар сотиш ва сотиб олиш счёти, сотиб олинган векселлар, траст ҳужжатлар ва аккредитивлар тратталари бўйича мижозларнинг мажбуриятлари, банкнинг тўланмаган акциялари бўйича мижозларнинг мажбуриятлари, суд жараёнида бўлган

кредитлар, аккредитивлар, форвард сотиш ва сотиб олиш (банк билан ва банклараро).

Булар бўйича риск даражаси максимал бўлиб, 100 фоизга тенг.

“А” банкнинг баланси маълумотларни 1-жадвал шуни кўрсатадики, 1998 йил 1 январда банкнинг умумий активлари 60,1 млрд сумни ташкил қилди. Шундан 14 фоиз (яъни 8,5 млрд сўмни) рискдан ҳоли бўлган активлар, 68 фоиз (41млрд. сўм) кам рискли активлар, 1 фоиз (0,6 млрд. сўм) катта рискли активларни, максимал даражали рискли активлар 17,1 фоизни ташкил қилади. Рискни инобатга олганда активлар 18,8 млрд. сўмни ташкил қилган.

## 6-жадвал

## “А” банк бўйича рискга тортилган активларни ҳисоблаш:

Кўрсаткичлар	риск 0 фоиз	риск 20 фоиз	риск 50 фоиз	риск 100 фоиз
Активлар				
1.Нақд пуллар ва бошқа касса хужжатлари	683502			
2.М.Бнинг Ностро корсчётидан олиши лозим активлар	592815 0			
3.М.Бнинг мажбурий резервлар счётидан олиши лозим активлар	237544			
4.Бошқа банклардан олинадиган активлар		1020766		
5.Корсчёт Ностро	167879 7			
6.Хазина векселлари	246			
7.Кимматбаҳо металллар				300970
8.Сотиб олинган векселлар			447943	
9.Бошқа банкларга берилган кредитлар		3990879		
10. 1-синф таъминотга эга бўлган кредитлар				4611503
11. Таъминлаган кредитлар				39544
12.Суд жараёнидаги кредитлар				358490
13.Инвестициялар				2878040
14.Банк биноси ва аслахалар				2149420
15.Бошқа активлар				
Жами активлар	852823 9	4092974 5	447943	10337967
16.Берилган гарантия ва кафолатлар			207181	
Аккредитивлар				38515
18. Жами балансдан ташқари счётлар			207181	38515

19. Жами активлар	852823 9	4092974 5	655124	10376482
20. Жами рискли активлар		8185949	327562	10376482
21. Жами рискни инобатга олгандаги активлар			1888999 3	

Даромад келтиришга қараб банк активлари: даромад келтирувчи активлар ва даромад келтирмайдиган активларга бўлинади.

#### **Даромад келтирувчи активларга**

- а) барча берилган кредитлар (жумладан банклараро кредитлар)
- б) инвестициялар (ўзиники)
- в) хазина векселлари
- г) давлат облигациялари
- д) қимматли қоғозлар.

#### **Даромад келтирмайдиган активлар**

- а) пул активлари гуруҳи
- б) асосий воситалар
- в) капитал харажатлар
- г) барча моддий активлар ва бошқа активлар
- д) номоддий активлар.

Бу гуруҳда пул маблағидан ташқари барча активлар ҳам ликвид активларга киради.

2-гуруҳ активларига банк фаолиятида катта эътибор берилиши лозим. Чунки бу гуруҳда активларнинг сифатини туширувчи активлар, муддати кечиктирилган, фоизсиз ссудалар, муддати ўтган ссудалар ва фоизлар тўланмаган аренда ва бошқалар бўлиши мумкин.

Бу активлар шартли NPA деб белгиланади ва уларнинг даражаси умумий активлар хажмидан 3 фоиздан ошмаслиги лозим.

Агар бу активлар миқдори 2 ва ундан ортиқ марта ўрнатилган нормадан ортиқ бўлса, банк фаолияти жуда муаммоли, унинг кредит сиёсати жуда заиф деб баҳоланади.

## 7-жадвал

**Даромад келтириш даражасига қараб  
“А” банк активларини гуруҳлаш**

<b>Активлар</b>	<b>01.01.1997</b>	<b>01.01.1998</b>	<b>Фарқ + -</b>
Даромад келтирувчи активлар	17353	52593	+ 35240
Сумма	55	80,2	+ 25,2
Фоиз			
Даромад келтирмайдиган активлар	14224	1296	- 1262
Сумма	45	19,8	- 25,2
Фоиз			
<b>Жами</b>	<b>31577</b>	<b>65555</b>	<b>+ 33978</b>

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, 1998 йилда 1997 йилга нисбатан банкнинг даромад келтирувчи активлари 25,2 пунктга ошган, мувофиқ равишда даромад келтирмайдиган активлар миқдори 1262 млн сўмга камайган.

Бу банкнинг молиявий аҳволи яхшиланганлигидан далолат беради.

## 8-жадвал

**“А” банк активларининг ликвидлик даражасига қараб  
гуруҳланиши**

<b>Активлар</b>	<b>Барча активларда н</b>	<b>Фоиз ҳисобида</b>	<b>Фарқ</b>
	<b>1.01.1997</b>	<b>1.01.1998</b>	
Биринчи гуруҳ активлар			
Активлар суммаси	6614	9548	2934
фоизда	21,0	14,6	- 6,4
Иккинчи гуруҳ активлар			
Активлар суммаси	16639	45270	28631
фоизда	52,7	69,0	+ 16,3
Учинчи гуруҳ активлар			
Активлар суммаси	8324	10737	2413
фоизда	26,3	16,4	- 9,9

Жами:	31577	65555	33978
-------	-------	-------	-------

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ликвидлик даражаси бўйича иккинчи гуруҳ активлар асосий ўринни эгаллайди ва уларнинг салмоғи 69 фоизни ташкил қилади, уларнинг миқдори 1996 йилга нисбатан 2,7 марта усган, юқори ликвид маблағлар 14,6 фоизни ташкил қилиб уларнинг миқдори 1,4 марта усган бўлса, учинчи гуруҳ активлар 16,4 фоизни ташкил қилиб йил давомида 1,3 марта ўсган. Шу билан бирга биринчи ва учинчи гуруҳ активларининг миқдори 1.01.1998 йилда 1.01.1997 йилга нисбатан мос равишда 6,4 фоиз ва 9,9 фоизга камайган.

Тижорат банклари активлари билан боғлиқ бўлган рисклар ичида кредит операциялар бўйича рисклар асосий ўринни эгаллайди. Бу актив операциялар билан боғлиқ рискларга берилган кредитлар, тўлов муддати кечиктирилган ссудалар бўйича рисклар киради.

Кредит rischi нафакат кредит объектига, балки кредит субъектига янгича ёндашиши орқали ҳам ўсиб боради.

Бу риск тури мижознинг молиявий аҳволи оғирлашганда, уларнинг фаолиятида кўзда тутилмаган қийинчилик ва муаммолар юзага келганда, бозорда ноқулай шароит юзага келгани сабабли пайдо бўлиши мумкин.

Худди шунинг учун ҳам ҳар бир тижорат банки активларни жойлаштиришни, бошқариш усулларини ўзи ишлаб чиқмоғи зарур. Тижорат банклари активларининг қиймати ва улардан олинadиган фойда ўзгариб туриши мумкин. Активлар билан боғлиқ рисклар активлар баҳосининг ва улар бўйича олинadиган фойда миқдорининг камайиши активлар бўйича рисклар салмоғини ошишига олиб келади.

Бу масалани активларни тўғри диверсификация қилиш йўли билан ҳал қилиш мумкин. Чунки баъзи бир активлар бўйича улар қийматининг пасайиши бошқа активлар қийматининг усиши билан копланиши ва натижада банк активларининг умумий қийматларини саклаб қолиши имкониятига эга бўлиши мумкин.

Банк активлари қийматини тўғри ҳисоблаш ва улардан келадиган даромадларни тўғри ҳисоб-китоб қилиб режалаштириш банк фаолиятининг самарадорлигига олиб келиши, активлар қийматини нотўғри ҳисоблаш, жойлаштириш

банкнинг молиявий аҳволида қийинчиликлар туғдириши мумкин. Шу сабабли биз Германия банк тизимидаги активларни бошқариш усулларида фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида унинг активларининг етакчи қисми бўлган кредит операциялари бўйича уларнинг самарадорлигини, берилган кредитнинг баҳосини аниқлаш усулини ишлаб чиқишни мақсад қилиб кўйдик.

Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан кредитлар беришда шу кредитнинг баҳоси қанча эканлиги банклар томонидан чуқур таҳлил қилинмайди. Тижорат банклари томонидан кредитлар учун қўйиладиган баҳо ҳозирги кунда қуйидаги элементлардан ташкил топади: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 33-йўриқномасига асосан барча тижорат банклари учун 3,0 фоиз атрафида қайта молиялаштириш ставкаси ўрнатилган бўлиб, қоида бўйича фоиз ўрнатишда қайта молиялаштириш ставкасини 1,5 баробар ошириш мумкин. Амалиётда худди шу йўл билан, қўшимча ҳисоб- китобларсиз банклар кредитнинг баҳосини белгилайди.

Бозор иқтисодиёти юксак ривожланган давлатларда кредитнинг баҳосини белгилашда кредитнинг бозор баҳоси ҳисобга олинади-ю, лекин кредитнинг миқдорга бериладиган баҳосини ҳисоблаш бир неча босқичлардан иборат бўлади ва тижорат банклари томонидан бу кўрсаткич чуқур таҳлил қилиб ҳисоблаб чиқилади. Кредитнинг баҳосини аниқлашдан асосий мақсад-банк томонидан берилган кредитнинг самарадорлигига эришган ҳолда, фойда олиш ва банк ликвидлигини таъминлашдан иборат. Бу натижа эса банк рискларини олдиндан аниқлаб, уни олдини олишга имкон яратиши мумкин.

Тижорат банкларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва активлар баҳосини белгилашнинг асоси бўлиб унинг баланси ҳисобланади. Баланс асосида тижорат банкларининг фаолиятини таҳлил қилишда баъзи бир марта бўладиган харажатлар ёки даромадларни алоҳида ҳисобга олган маъқул деб ҳисоблаймиз. Чунки бу бир марталик бўладиган тушум ёки харажат тижорат банки фаолиятининг олиб борилиши ёки унинг ликвидлиги, самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги мумкин.

Биз буларни нейтрал харажатлар ва нейтрал даромадлар деб атадик. Буларга нималар киради?

#### Нейтрал харажатлар-

- бир марталик тўловлар (ёнғин, пулни ўғирлаш);
- ўтган даврдаги фоизлар бўйича харажатлар;
- банк бизнесига ёд тўловлар (ёрдам кўрсатиш).

#### Нейтрал даромадлар-

- бир марталик тушумлар;
- ўтган даврдаги фоизлар бўйича тушумлар;
- банк бизнесига ёд тушумлар (бошқа банк ёрдами, МБдан тушум).

Булар нейтрал харажатлар ва даромадлар бўлиб, улар банкнинг асосий молиявий фаолиятига (унинг даромад ва харажатларига) таъсир қилмаслиги лозим.

Тижорат банкларининг асосий даромад келтирувчи операциялари кредит операциялари бўлгани учун банкнинг кредит операциялари бўйича оладиган даромади у бўйича риск даражасини аниқлаш лозим. Банк кредитлари бўйича ўртача рискни аниқлаб бу риск бўйича резерв ташкил қилиш тўғрисида ўйлаш керак бўлади. Агар банкнинг фойдаси юқори бўлса, резервни ҳам кўпроқ ташкил қилиш имконияти бўлади. Шунинг учун ҳам риск бўйича ўртача кўрсаткич олиниб, шу кўрсаткичга қараб резерв ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Банклар кредит беришда аввалам бор ўз капиталига тўғри келиши мумкин бўлган фоиз ставкасини ҳисоблаб чиқишлари лозим. Чунки банк капиталига тўғри келувчи фоиз ёки (фойда) нормаси банк ликвидлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади. Банк капиталига тўғри келувчи фоиз ставкасини ҳисоблашда банк қанча суммада ўз акционерларига дивиденд тўлаш мажбуриятини олганини инобатга олиш лозим.

Масалан, А тижорат банкининг ўз капитал миқдори 400 млн. сум бўлиб, ундан 100 млн. сум асосий капитал, 300 млн. сўм қўшимча (жалб қилинган) капитал дейлик. Режа бўйича тижорат банклари 20 млн сўм, яъни харажатларнинг 70 фоиз акционерларга дивиденд тўлаш учун мўлжалланган бўлсин. Реал талаб бундан юқори ҳам бўлиши мумкин. Фойдадан олинadиган солиқ 30 фоизни ташкил қилса - бу 8,571 минг сўмга тенг бўлади. Агар банк бошқаруви 20 млн. сўм акционерларга тўланадиган маблағни резервга ўтказадиган

бўлса, унда солиқ ставкаси 45 фоизгача ошади ва у 16.363 минг сўмни ташкил қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда банк қанча фойда олишни режалаштириши лозим?

Банк тўлаши лозим бўлган дивиденд миқдори	-	20 млн. сўм
Фойдадан олинган солиқ миқдори	-	8,571 млн. сўм
Дивиденднинг тўланмадан резервга ўтказилиши	-	20 млн. сўм
Тўланмаган дивиденддан солиқ миқдори	-	16,363млн. сўм

---

Жами :	-	64,934млн сўм
Бошқа турли солиқлар миқдори	-	12,987млн сўм
Банк ўз фаолиятида эришиши лозим бўлган сумма-	-	77,921млн сўм

Демак, тижорат банки самарали фаолият кўрсатиши учун 77,921 млн. сўмлик даромад олиши лозим. Энди биз бу маблағни ишлаши учун тижорат банки ўзи амалга оширадиган кредит операциялари бўйича неча фоиз ставкасини ўрнатиши лозимлигини ҳисоблаб чиқишимиз лозим. Ҳисоб-китоблар шуни курсатадики, юқоридаги маблағни олиш учун тижорат банки кредит операциялари бўйича йилига 19,48 фоиз атрофида фоиз ставкасини белгилаши лозим.

Банк мижозга кредит таклиф қила туриб ўзи қанча миқдорда фойдага эга бўлиши мумкинлиги эҳтимолини ҳисоблаб чиқиши лозим. Бунинг учун банк ўзининг асосий харажатлари (ходимларга қилинадиган харажатлар, аренда ва бошқа харажатлари) суммасини ва умумий харажатлар (электроэнергия, бошқа майда харажатлар)ни ҳисоблаб чиқиши лозим бўлади.

Банк ўзи берадиган кредитнинг самарадорлик даражасини аниқлаш учун банкда амалга ошириладиган ҳар бир операция билан боғлиқ харажатларни аниқлаши лозим. Бу эса ҳар бир операция учун сарфланадиган вақтни аниқлашни талаб қилади. Бунинг учун банкларда ҳар бир бўлим ходимлари маълум бир турдаги операцияни амалга оширишга қанча вақт сарфланишини белгилаб, ёзиб бориши лозим. Операцияни амалга ошириш учун кетадиган вақт аниқ бўлиши учун бу жараён 2-3 ҳафта, 1 ой давомида ёзиб борилиши, ҳар бир операция вақти, минутлари ёки хронометрик йўл билан секундларда ўлчаниши лозим.

Масалан, бирон бир бўлимнинг харажати 320 минг сўм бўлса банк бўйича бошқа бўлимлар харажатларини тақсимлаш

орқали ўртача харажатлар 422 минг сўмга тенг бўлиши мумкин. Агар бўлим 182 операция амалга оширган бўлса, у ҳолда бир операциянинг қиймати 2,32 сўмга тенг бўлади

$$\frac{422 \text{ минг сўм}}{182} = 2,32$$

Тижорат банк бўлими тўрт хил фаолият турини амалга оширадиган бўлсин дейлик.

### 9-жадвал

Операция турлари	1 операция учун сарфланган вақт	Эквивалент сон	Операциялар сони	Бирлик операция ҳисоби	1 операция қиймати
А	1,5	1	60000	6000	0,94
Б	4,5	3	7000	21000	2,82
В	2,25	1,5	25000	37500	1,41
Г	3	2	6000	12000	1,88
			98000	130500	ўртача 1,88

Банк бўйича электроэнергия, сув, иситиш ва бошқалар бўйича умумий харажатлар 122500 сўмни ташкил қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда бўлимларга тўғри келувчи операцияларнинг банк бўйича қиймати 0,94 сўм (122500/130500) га тенг бўлади. Бу суммани ҳар бир бўлим бўйича белгиланган эквивалент сонга кўпайтирган ҳолда бўлим бўйича бир операциянинг қийматини аниқлаш мумкин. Банк бўйича операциянинг қийматини аниқлашда шу операцияларнинг ўртачасини 1,88 сўмни олиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатишда банк ўз маҳсулотларининг самарадорлигига қандай эришиш мумкинлигини ҳисоблаб чиқиши лозим. Бунинг учун банк томонидан банкнинг ўз капиталига олишни режалаштирган даромади суммаси, бир операция бўйича харажатлар миқдори, кредитнинг бозор фонд ставкаси ва риск даражаси кўрсаткичларини тўғри аниқлаб чиқиш зарур бўлади. Ҳисоблашни қуйидаги услубда амалга ошириш мумкин.

1. Кредитнинг бозор баҳоси - 5,5 фоиз

2. Операцияни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар - 0,3 фоиз

(Агар 1 йилга 100000 сўм кредит берилса ва бир операция учун харажат 250 сўмни ёки 0,25 фоиз = 0,3 фоизни ташкил қилса)

3. Риск (риск билан боғлиқ харажатлар)

Ўтган йилда қайтарилмаган кредитлар бўйича бу йилда 0,4 фоиз

$$\text{риск даражаси} \left( \frac{\text{тўланмаган кредитлар}}{\text{берилган кредитлар}} \right)$$

4. Ўз капиталига фоиз ставкаси.

Жаҳон амалиёти бўйича банк ўзида мавжуд маблағларнинг 8 фоиз атропофида ўз капиталига эга бўлиши лозим. 100000 сўм кредит беришда банк 8000 ўз капиталига эга бўлиши керак.

Олдинги ҳисоб-китоблар бўйича банк ўз капиталига тўғри келувчи фоиз ставкаси 20 фоиз (1248)ни ташкил қилишидан келиб чиқадиган бўлсак 8000дан 20 фоиз - 1600 сўмни ташкил қилади. Нисбатан кредит берганда банкнинг ўз капитали бўйича қўйиладиган фоиз ставкаси 1,6 фоизга тенг бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда банк берадиган кредит бўйича 7,8 фоиз ставка қўйиши лозим (5,5 фоиз + 0,3 фоиз + 0,4 фоиз + 1,6)

Банк кредит бўйича фоиз ставкасини ўрнатишда мижознинг молиявий аҳволи, унинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини, олдинги олган кредитлари бўйича қарз мажбуриятларини бажариш даражасини ҳисобга олиб, риск бўйича ўз капитали бўйича фоиз ставкасини камайтириши (агар мижоз фаолияти ижобий натижалик бўлса) ёки ошириш (агар юқоридаги кўрсаткичлар бўйича мижоз салбий натижаларга эга бўлса) мумкин.

Банк берган кредити бўйича қанча самарадорликка эришганлигини аниқлаш учун барча актив, пассив операциялар, хизматлар ва бошқа воситачилик операциялари бўйича оладиган даромадлари ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Банк фаолиятининг рентабеллик даражасини аниқлаш зарур бўлади. Шу фикримизни асоси сифатида қуйидаги ҳисоб-китобларни келтирмоқчимиз.

I. Банкнинг активлари хажми:

	минг сум	фоиз ту-шуми	мижоз фоиз став-каси	бозор фоиз став-каси	фоизо ши-ши	операц харажат	риск б-н боғлиқ харажат	қоп-лаш сум-маси
Қисқа муддатли кредитлар	70000	4900	7	5,5	1050	500	380	170
Узоқ муддатли кредитлар	90000	6750	7,5	6,5	900	400	210	290
Жами	160000	11650			1950	900	590	460

## II. Банк пассивлари хажми:

	минг сум	фоиз тў-лаш б-н боғлиқ харажат	фоиз ставкаси	бозор фоиз ставкаси	миним. резерв	фоиз оши-ши	хара-жатлар	қоп-лаш сум-маси
	30000	100	0,33	4,5	0,45	1116	280	836
	50000	2000	4,00	5,0	0,35	325	200	125
	60000	1800	3,00	5,5	0,275	1335	775	560
Жами	140000	3900				2776	1255	1521

III. Хизмат кўрсатиш соҳа хажми:

	Тушум	Баъзи операциялар бўйича харажатлар	Қоплаш суммаси
Қимматли қоғозлар айланишида	800	1500	- 700
Тўлов обороти	1200	500	700
Халқаро валюта операциялари	700	400	300
<b>Жами</b>	<b>2700</b>	<b>2400</b>	<b>300</b>

Энди банкнинг барча фаолият турлари бўйича натижаларни жамлаб чиқадиган бўлсак:

1. Актив операциялар бўйича фойда - 460 млн. сўм
2. Пассив операциялар бўйича фойда - 1521 млн. сўм
3. Воситачилик операциялар бўйича - 300 млн. сўм
4. Фойданинг умумий суммаси - 2281 сўм

Бу кўрсаткич ижобий фаолият натижасини кўрсатсада, хали банк фаолиятининг самарадорлик даражасини аниқ ифода қилмайди. Амалиётимизда кўпинча банклар ўз фаолиятининг натижасига баҳо беришда улар ўзлари олган фойданинг абсолют кўрсаткичига қараб фаолиятимизнинг натижаси ижобий, яъни «N» суммада фойда олиш билан ҳисобот йилни яқунладик», деб хулоса қиладилар. Лекин банк олган «N» суммадаги фойда унинг ҳақиқатда қандай даражада рентабеллик билан ишлаганини кўрсата олмайди. Бизнинг фикримизча банк фаолиятининг ҳақиқатда қанчалик самарали яқунланганлигини билиш учун банкнинг ўз капиталига тўғри келувчи фойда миқдорини, яъни банкнинг ўз капиталининг рентабеллик даражасини аниқлаш зарур.

Юқорида келтирилган банк бўйича қисқа муддатли кредитларнинг барчаси 70 000 м. сўм, узоқ муддатли кредитлардан айтайлик, 50 фоиз (90 000 м. сўмдан) - 45 000 м. сўм тўланиш керак бўлса, кредитнинг умумий хажми - 115 000 м. сўмни ташкил қилади. Банк фаолиятини бошқариш бўйича меъёрларга асосан тижорат банклари берган кредитнинг 8 фоиз атрофида ўз капиталининг минимал миқдорига эга

бўлиши керак. Шу меъёрга асосан тижорат банки устав капиталининг минимал миқдори 9200 м. сўмга тенг бўлади. Юқоридаги кўрсаткичларга асосан энди тижорат банкининг ўз капиталига тўғри келадиган фойда миқдорини ёки банк капиталининг рентабеллигини аниқлашимиз мумкин. Бу кўрсаткич бизнинг банкимиз мисолида (2281 x 100 фоиз/115000 x 8 фоиз) x 24,79 фоизга тенг, яъни тижорат банкининг капиталига тўғри келувчи фоиз 24,79 фоизга тенг.

Биз шу тадқиқотни олиб боришнинг бошида тижорат банки фаолиятини бошлашда ўз сиёсатини ишлаб чиқиши ва кредит беришда ўз капиталига қўйиладиган фоиз ставкани ҳисоб-китоб қилиб чиқиши лозим деб таъкидлаган ва биз таҳлил қилаётган банк мисолида уни ҳисоблаб, банкнинг капиталига қўйиладиган фоиз ставка 20 фоизга тенг бўлганида, у барча ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлаб, фойда олиши мумкин эканлигини ҳисоблаб чиққан эдик. Ҳақиқатда эса биз таҳлил қилаётган банкда ўз капиталига тўғри келувчи фойда 24,79 фоизни ташкил қилди. Бу албатта банкнинг молиявий аҳволини, ликвидлигини, унинг кредит потенциалини оширишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Банкларнинг актив операциялари билан боғлиқ рискларни таҳлил қилишда асосий ўринни улар берадиган кредитлар билан боғлиқ рисклар ташкил қилади. Бу турдаги рисклар ва уларни инобатга олиш усуллари тўғрисида биз кейинги параграфимизда тўхталамиз.

### **§-18. Тижорат банкларнинг тўловга лаёқатлилиги моҳияти ва аҳамияти**

Тижорат банкининг фаолиятини олиб боришда энг аввало унинг ликвидлилиги ётади. Ликвидлилиги бўлмаган банк тўловга лаёқатли бўла олмайди. Амалда айнан ноликвидлик банкларнинг тўловга лаёқатсизлигининг асосий сабаби бўлиб, уларни банкротликка ва банк тизимининг беқарорлигига олиб келади.

“Ликвидлилик” атамаси (лотинча liquidus - оқувчан, суюқлик) сотиш, активларни пул маблағларига айлантиришнинг асосан амалга оширилишини, яъни Марказий банк ёки вакил банклардаги нақд пул маблағларидан оқилона фойдаланиш ликвид активларни сотиш имконияти ва ҳоказоларни англатади.

Тижорат банкининг ликвидлиги унинг баланс тузилмаси бўйича белгиланиб, унда активлар пассивга доир муддатли мажбуриятларни қоплаш учун ўз қийматини туширмаган ҳолда йўқотишларсиз пул маблағларига айлантирилиши лозим

Банкнинг ўз ликвидлигини таҳлил қилиши масаласи банк назорати бўйича Базел битимида чуқур кўриб чиқилган. Ушбу битимга мувофиқ “ликвидликни таҳлил қилиш банкнинг ўз мажбуриятларини муддатида ва зарар кўрмаган ҳолда бажариш лаёқатини аниқлаш заруратини кўзда тутди. Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи банкларнинг ўз мажбуриятларини бениқсон бажаришига боғлиқ. Демак, банкларнинг ликвидлиги ҳамда тўловга лаёқатлилиги банкларнинг умумий молиявий барқарорлигини таъминлаш лозим бўлган банк назорати органларини кўпроқ ўйлантирадиган соҳа ҳисобланади”. Мижоз ҳар сафар ўз ҳисобварағидан пул олмоқчи бўлганда банкнинг ўз мажбуриятини бажариш зарурати юзага келади. Мажбурият бажарилмаган тақдирда банк ўз обрўсини йўқотади ва бу ҳам банкни банкротликка олиб келиш мумкин. Ликвидликни таъминлашнинг энг оддий усули банкнинг бир қисм активларини ликвид шаклида, масалан нақд пул, Марказий банк ва бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқлар, давлат қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) шаклида сақлаш ҳисобланади.

Банклар ликвидлигининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ликвид активларининг зарур миқдорини белгилаб олишлари лозим. Мазкур омилларга қуйидагилар киради:

- омонатларнинг кўпайиши ёки камайишига кўра маблағларга эга бўлиш ёки уларни йўқотиш; банк жалб қилинган маблағлар бўйича мажбуриятларни яқин муддатларда бажариши лозим, бу омонатлар ва бошқа пассивларнинг муддатлари билан боғлиқ ҳамда банкда қоладиган депозитлар миқдорини (асосий депозитлар) ҳисобварақдан олинadиган ёки дарҳол тўланадиган депозитлар ва бошқа пассивлар (“Учувчан маблағлар”) билан қиёслаган ҳолда таҳлил қилишни кўзда тутди;

- омонатлар суммасининг ўсиши ёки қисқаришига мувофиқ мажбурий захиралар меъёрий миқдорининг кўпайиши ёки камайиши ҳам ликвидликка бевосита таъсир кўрсатади.

Чунки мажбурий захиралар меъёрини бажаришга йўналтирилган маблағлар ликвид активларнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади;


- ссудалар ва инвестициялар суммасининг ошиши ёки камайишига кўра маблағлар оқиб келишининг кўпайиши ёки камайиши; ушбу омилнинг таъсири шундан иборатки, ссудалар ва инвестициялар миқдорининг ошиши ликвид активлар улушини камайтиради; чунки инвестициялар аксарият ҳолларда узоқ муддатга жалб қилинади.

Даромадлилик ошаётган бир пайтда ликвидликнинг мақбул даражасини таъминлаш учун банк жалб этилган омонатлар муддатлари ва уларга доир харажатларни таҳлил қилиб чиқиб, кредит қўйилмалари ва инвестициялар муддатлари ҳамда режалаштириладиган даромадлар билан таққослаш лозим. Бундай таққослаш жойлаштирилган ва жалб этилган маблағларни муддатлари бўйича солиштириш асосида банк ликвидлиги ҳолатини аниқлаш, шунингдек, ликвидликнинг зарур даражада энг кўп фойдага эришиш учун қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитларнинг оптимал нисбати билан кредит сиёсатини олиб бориш имкониятини беради.

“Тўловга лаёқатлик” “ликвидлик”га нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, банк зарур муддатларда кредитлар-омонатчилар, банклар давлат олдидаги мажбуриятларини тўла суммада бажара олиш лаёқатини билдиради. Лекин у фақат баланс ликвидлигига боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқдир. Улар қаторига қуйидагилар киради: региондаги ёки республикадаги сиёсий ва иқтисодий ҳолат, пул бозорининг ҳолати, Марказий банкнинг ремолиялаштириш имконияти, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлиги, банк қонунчилигининг мавжудлиги ва замонавийлиги, банкнинг ўз капитали билан таъминланганлиги, миждозлар ва партнер-банкларнинг ишончлилиги, банкдаги менежмент даражаси, мазкур кредит муассасаси банк хизматларининг махсуслаштирилганлиги ва хилма хиллиги ва бошқа омиллар киради. Шу билан бир вақтда кўрсатилган омиллар тўғридан тўғри ёки билвосита банк баланси ликвидлигига таъсир кўрсатади, шунингдек бир-бири билан маълум даражада алоқада бўлади. (Айтилганларни схема тарзида кўрсатиш мумкин. 4-схема).

Бозор иқтисодиётига мамлакатларнинг марказий банклари тижорат банкларининг тўловга лаёқатлилигини, банк мажбуриятлари чегараларини белгилаш, бир омонатчи қарз олувчига тўғри келадиган максимал риск ҳажмини белгилаш, барча йирик кредитларни беришни алоҳида назорат қилиш, тижорат банкларини ремолиялаштириш системасини яратиш ва жалб қилинган маблағларнинг бир қисмидан мажбурий резерв фондини ташкил қилиш, фоиз сиёсатини ўтказиш ва очиқ бозорда қимматли қоғозлар билан операция ўтказилишни таъминлаш йўли билан тартибга солади. Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизда ҳам тижорат банкларини тўловга лаёқатлилиги шу йўллар билан тартибга солинмоқда.

4- схема. Банкни тўловга лаёқатлилиги ва ликвидлилигига таъсир қилувчи омиллар



## **§-19. Тўловга лаёқатлиликининг асосий кўрсаткичлари ва уни аниқлаш усуллари**

Тижорат банкларининг баланси икки қисмдан актив ва пассивдан иборат бўлади. Банк пассивлари таркибий жиҳатдан ва иқтисодий мазмунига кўра банкнинг ўз маблағлари ва унинг мажбуриятларидан ташкил топади. Ўз навбатида банк мажбуриятлари иқтисодий мазмунига кўра иккига: жалб қилинган ва қарз маблағларга бўлинади. Демак, банк пассивлари:

1. Банк капитали - банкнинг ўз маблағлари;
2. Жалб қилинган маблағлар - қарз маблағларидан иборат.

Банк активларини иқтисодий мазмуни таркибига кўра бир неча қисмларга ажратиш мумкин. Бунда активларнинг муддатига кўра ёки ликвидлилигига кўра маълум таркибий қисмларга ажратиш мумкин. Активларни ликвидлилигига кўра қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Юқори ликвидликка эга бўлган активлар;
2. Ўртача ликвидликка эга бўлган активлар;
3. Ликвидлиги паст бўлган активлар.

Тижорат банкининг баланси шу банк ресурсларининг аҳволини, буларни шакллантириш манбаларини, шунингдек, ҳисобот даврининг бошидан охиригача бўлган банк фаолиятининг молиявий натижаларини пул билан ифодалаб таърифлаб беради. Балансдаги маълумотларни таҳлил қилиб чиқиш йўли билан банкларнинг маълум давр ичидаги фаолиятини ҳар томонлама билиб олса бўлади. Баланснинг таҳлили банкнинг ўзига тегишли маблағлари қай тариқа ўзгариб бораётганлигини, банк активларининг таркиби ва уларнинг қайси томонга қараб ўзгараётганини, банкнинг ликвидлик ва тўловга лаёқатлилики кўрсаткичлари даражаларини билиш имконини беради.

Тижорат банклари тўловга лаёқатлилигини таҳлили жараёнида уларнинг тўловга лаёқатлилики кўрсаткичлари бўйича белгиланган меъёрларга амал қилаётганлигини текшираемиз.

Сармоя етарлилиги коэффиценти банк сармояси билан рискни ҳисобга олиб чамаланган активлар умумий ҳажми нисбати сифатида белгиланади.

К

-----

Ар

Бунда: К - банк сармояси, капитали.

Ар - рискни ҳисобга олиб чамаланган банк активлари. Бу коэффицентнинг минимал миқдори 0,1 (10 фоиз) га тенг.

Банк сармояси икки қисмга: асосий ва қўшимча қисмга бўлинади. Бунда асосий сармоя жами сармоянинг камида 50 фоизини ташкил этиши керак.

Фақат тижорат банки таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгаришларни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида тақдим этган ҳолларда устав сармоясининг Марказий банкда рўйхатга олинганидан ортиқ тўланган қисмини сармоя ҳисоб-китобига қўшишга рухсат этилади.

Тижорат банки активлари риск даражаларига қараб беш гуруҳга бўлинади. Риск даражаси бўйича биринчи гуруҳга минимал рискли активлар, иккинчи гуруҳга ўрта рискни, учинчи ва тўртинчи гуруҳга катта рискли активлар, бешинчи гуруҳга максимал даражада рискли активлар киради.

Ушбу кўрсаткичнинг минимал даражаси 0,08 ҳажмида белгиланади.

Банк сармояси билан унинг мажбуриятлари ўртасидаги нисбат кўрсаткичи юзага келиши мумкин бўлган турли рисклардан қатъи назар, фаолият умумий ҳажми функцияси сифатида сармоя етарлилигини белгилаб беради ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

К

-----

О

Бунда: К - банкнинг ўз сармояси (капитали);

О - банк мажбуриятлари.

Бу кўрсаткичнинг энг юқори нисбати 0,05 ҳажмида белгиланади. Яъни жалб қилинган ва қарз маблағлар банк капиталининг 20 бараваридан ошиб кетмаслиги керак.

Бир қарз олувчига катта ҳажмда кредитлар берилиши тижорат банки учун жуда рискли эканлиги муносабати билан «бир қарз олувчига тўғри келадиган рискнинг максимал ҳажми» нормасига риоя этилиши айниқса қаттиқ назорат қилиноғи керак:

$$\frac{Kp}{K} = Mb = \text{----}$$

Бунда:  $Kp$  - бир қарз олувчига тўғри келадиган банк рискининг умумий суммаси қўшув банк мазкур қарз олувчига нисбатан берган балансдан ташқари мажбуриятларнинг 75 фоизи айирув депозитлар билан таъминланган мажбуриятлар.

$K$  - банк сармояси (ўз маблағлари).

Ушбу меъёр кредитларнинг ҳукумат кафолати билан таъминланган қисмига, жумладан халқаро қарзлар бўйича такрор молияланадиган кредитларга тааллуқли эмас. Бошқа кредитлар учун қарз олувчи мажбуриятларининг умумий суммасидан Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозларини гаровга қўйиб олинган қарзлар гаров суммасининг 90 фоиз ҳажмида чегириб ташланади.

Бу кўрсаткич 0,25 дан ошмаслиги керак.

Бир қарз олувчига берилган қарзлар бўйича жами қарздорлик ҳамда балансдан ташқари мажбуриятларнинг 75 фоизи биргаликда банк капиталининг 15 фоизидан ортиқ бўлса, бундай кредитлар «йирик кредитлар» деб аталади. Йирик кредитларни банк бошқаруви алоҳида назорат қилиши керак ва улар тижорат банки кенгаши янги қарор қабул қилгандагина берилиши мумкин. Банк кенгашининг шундай кредитлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати Бошқарувга топширилиши мумкин эмас.

Йирик кредитлар берилиши ва улар қайтарилиши билан боғлиқ барча ҳоллар тўғрисида тижорат банклари сира кечиктирмай Марказий банкнинг тижорат банкни назорат қилувчи бошқармаларига маълумот тақдим этишлари лозим.

Барча йирик кредитлар учун максимал риск ҳажми, йирик кредитлар рисклари, максимал ҳажмли йирик кредитлар умумий ҳажми билан банкнинг ўз маблағлари (сармояси) ўртасидаги нисбат сифатида белгиланади:

$$\frac{ССК}{K} = \text{-----}$$

Бунда:  $ССК$  - йирик кредитлар умумий суммаси қўшув банк мазкур қарз олувчиларга берган балансдан ташқари

мажбуриятларнинг 75 фоизи (депозитлар билан таъминланганлари бундан мустасно),

К - банк сармояси.

Шу ҳолат белгилаб қўйиладики, банк баланسدан ташқари мажбуриятларнинг 75 фоизни ҳисобга олиб берган йирик кредитлар умумий ҳажми (депозитлар билан таъминланганларидан ташқари) банк сармоясининг 3 бараваридан ошиб кетмаслиги керак.

Бир омонатчи (кредитор) га тўғри келадиган максимал риск ҳажми максимал омонат ёки олинган кредит, бир депозитарнинг депозит ҳисобварақаларидаги қолдиқлар ҳажми (Ўзмарказбанкдан, ЎзР Молия вазирлиги кредит линияси бўйича олинган маблағлар, Пенсия фонди ва республика бюджети маблағлари бундан мустасно) билан банкнинг ўз маблағлари ўртасидаги нисбат сифатида белгиланади:

Овкл

-----

К

Бунда: Овкл - омонатлар, олинган кредитлар, кафолатлар ва кафилликлар (75 фоиз) бўйича бир омонатчига (кредиторга) тўғри келадиган ҳисоб-китоб, жорий ҳисоб варақларидаги ҳамда қимматли қоғозлар билан операциялар ҳисобварақларидаги қолдиқлар бўйича банк мажбуриятларининг сўм ва хорижий валютадаги максимал умумий суммаси.

К - банк сармояси

Тижорат қимматли қоғозларига қўйилмалар меъёри:

Ц

----

АК

Бунда: Ц - нодавлат қимматли қоғозларини сотиб олишга йўналтирилган банк капитали

АК - акциядор капитали (Устав капитали)

Бу кўрсаткичнинг ҳақиқий аҳамияти 0,25 дан ошмаслиги лозим.

Банкнинг ўз маблағларидан инвестицияларда фойдаланиш меъёри, ҳам белгиланган бўлиб, банк бошқа банклар, молия муассасалари, давлатга қарашли ва хусусий корхоналар устав фондларига йўналтирадиган инвестициялар умумий ҳажми банкнинг ўз сармояси 20 фоиздан ошмаслиги керак. Бунда ҳар қандай бирор бир корхона, ташкилот устав сармоясида иштирок улуши банк устав сармоясининг 15%идан ошмаслиги даркор.

Ушбу кўрсаткич қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\frac{\text{Син}}{\text{К}}$$

Бунда: Син - банк инвестициялари умумий суммаси,  
К - банкнинг ўз маблағлари (сармояси).

Бу кўрсаткичнинг максимал даражаси 0,2 ҳажмида белгиланади.

Банк ҳар қандай бирон бир корхона ёки ташкилот устав сармоясида улушбай асосида иштирок этиши (инвестициялаши) ушбу юридик шахс устав сармоясининг 30 фоиздан ошмаслиги лозим. Фақат банк ва молия фаолияти билан шуғулланувчи бирлашмаган филиаллар бундан мустасно.

Тўловга лаёқатсизликнинг асосий сабаби ноликвидлилик ҳисобланганлиги учун тижорат банклари ликвидлилик кўрсаткичлари таҳлили муҳим аҳамиятга эга.

Жорий ликвидлитлик коэффиценти ликвид шаклдаги баланс активлари банк талаб қилиб олингунча сақланадиган ва муддати 30 кунгача бўлган ҳисобварақлар бўйича мажбуриятлари суммаси ўртасидаги нисбатни тавсифлайди:

$$\frac{\text{Лак}}{\text{Обо}}$$

Бунда: Лак - банк яқин 30 кун ичида қайтариш шарти билан берган ликвид активлар ва кредитлар (бир марта муддати узайтирилган ҳамда илгари берилган қарзларни қайтариш учун тақдим этилган кредитлар бундан мустасно),

Обо - талаб қилиб олингунча сақланадиган ва сўндириш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар.

Бу кўрсаткичнинг йўл қўйиши мумкин бўлган минимал даражаси 0,3 ҳажмида белгиланади.

Лаҳзалик ликвидлилик кўрсаткичи.

Бу кўрсаткич балансинг экстремал вазиятларда тез сотилиши мумкин бўлган ликвид шаклдаги активлари билан банкнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган ҳисобварақлар бўйича мажбуриятлари суммаси ўртасидаги нисбатни тавсифлайди:

ЛА

-----

ОВ

Бунда: ЛА - банкнинг пул шаклидаги активлари,

ОВ - банкнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган ҳисобварақалар бўйича мажбуриятлари.

Ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйиш мумкин бўлган минимал даражаси 0,25 ҳажмида белгиланади.

«Қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичи» деганда банкнинг сўндириш муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган активлари билан 30 кундан 1 йилгача қабул қилинган депозитлар ва ресурсларнинг нисбати тушунилади.

А

-----

Д+К

Бунда: А - қайтарилиш муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган активлар;

Д - 30 кундан 1 йилгача қабул қилинган депозитлар ва ресурслар;

К - банк капитали.

Бу кўрсаткичнинг ҳақиқий аҳамияти 1 дан ошмаслиги керак.

Яна қуйидаги ликвидлик коэффициентлари мавжуд:

Ликвид активлар / жами активлар;

Доимий бўлмаган мажбуриятлар / жами активлар;

Ликвид активлар / доимий бўлмаган мажбуриятлар;

Кредитлар / депозитлар;

Гаровга қўйилган қимматли қоғозлар / жами қимматли қоғозлар.

Банк раҳбарияти ликвидлилик кўрсаткичларини мустақил ишлаб чиқиши ва улардан танлаб фойдаланиши мумкин, фақат жорий ликвидлилик кўрсаткичи бундан мустасно. Капиталнинг етарлилиги коэффициентларидан ташқари тижорат банклари левераж коэффициентини аниқлашлари лозим. Бу кўрсаткич куйидагича ҳисобланади.

I даражали капиал

$$\text{Кл} = \frac{\text{Умумий активлар} - \text{номоддий активлар} - \text{гудвил}}{\text{Умумий активлар} - \text{номоддий активлар} - \text{гудвил}}$$

Левераж коэффициентининг минимал миқдори 0,06 ёки 6 фоиз бўлмоғи лозим.

Юқоридаги коэффициентлар асосида банкларнинг молиявий аҳволига тўлиқ баҳо бериш мумкин.

## **20-§. Тижорат банкларининг тўловга лаёқатлилигини мустаҳкамлаш йўллари**

Банкларда тўловга лаёқатлилилик ва ликвидлилик муаммосини муваффақиятли ҳал этилиши актив ва пассив операцияларнинг бир пайтда самарали бошқарилишига боғлиқ. Банклар актив операцияларни ўтказиш учун пул ресурсларига эҳтиёж сезадилар. Уларни пассив операцияларни амалга ошириш орқали жалб этиш мумкин ва шундан сўнг банк белгиланган муддатларда ўзининг қарз мажбуриятларини қоплаб бориши лозим. Қарз мажбуриятларини қоплаш учун банклар фойда олиб фаолият юритишлари ва бунда тўловга лаёқатлиликиннинг мақбул даражасини сақлашлари ҳамда ликвидлиликни таъминлашлари керак.

Актив ва пассив операцияларни, шунингдек, ликвидликни комплекс ва ўзаро боғлаб бошқариш зарурати шундай изоҳланади.

Юқорида қайд этилганидек, банклар ликвид маблағларга бўлган заруратни қондириш учун керакли миқдорда омонатлар ва депозитларни сафарбар этадилар. Бунда банклар депозитлар миқдорининг ўсишини кредит портфелининг ўсиши билан таққослайдилар ҳамда депозит базасининг барқарорлигини аввало муддатли жамғарма депозитлари ва

талаб қилиб олинувчи депозитлар ҳисобидан таъминлаш лозим.

Тижорат банкларининг тўловга лаёқатлилигини мустаҳкамлаш, мажбуриятлари бажарилиши узлуксизлигини таъминлаш мақсадида бошқа кредит институтларидан кредит олинади.

Кредит бериш тўғрисидаги қарор тижорат банки молиявий таҳлили асосида чиқарилади. Бунда банкнинг ўз маблағларининг шаклланиши, банк томонидан корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб, жорий, депозит ва бошқа счётларга жалб қилинган маблағлари ҳисобга олинади. Тижорат банклари бошқа кредит институтларидан кредитни шартнома асосида унда белгиланган муддат ва шартларда олади.

Ликвидлилик муаммоси юзага келганда банклар тезкор чоралар кўришади. Бунинг учун улар ликвид маблағларини кўпайтириш учун кредитлар беришни вақтинча тўхтатиши ёки берилган кредитларни қоплаш муддатларини қайта кўриб чиқиши ёки илгари берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарзларни қайтарилишини таъминлаш мумкин.

Активларни конвертациялаш ноликвид активларни қисқа ва ўрта муддатли ликвид активларга айланишни таъминлайди. Банклар асосий воситаларнинг бир қисмини сотиб, уларнинг ўрнига юқори ликвид воситалар қаторига кирадиган давлат қисқа муддатли мажбуриятларини сотиб олиш мумкин. Кўпгина банклар асосий эътиборни актив операцияларни бошқаришга қаратадилар, бироқ банкларнинг тўловга лаёқатлилигини ва ликвидлиги ёмонлашганда қарз маблағларини тез топиш имконияти банк фаолияти барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Банк ликвидлилигини ва тўловга лаёқатлилигини мустаҳкамлашда тезкор чораларни қўллаш банк ҳаражатларининг ошишига ва фойданинг камайишига олиб келади.

Банклар тўловга лаёқатлилигининг мустаҳкамлиги уларнинг мижозларининг, қарз олувчиларининг молиявий ҳолатига ҳам боғлиқ. Кредит беришда банклар мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва реал ҳисоблаб чиқишлари ва уларнинг кредитга лаёқатлилик даражасига эътибор беришлари лозим. Лекин бунда бир ёки бир нечта олинган кредитни вақтида қайтармаслик ҳоллари бўлиши мумкинлигини

эътиборга олиш керак. Олинган кредит ўз вақтида қайтарилмаса, бу банкнинг ўз мажбуриятларини қоплашида қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин. Банк тажрибаси кўрсатишича, бундай ҳолатни олдини олиш учун бир қарз олувчига бериладиган кредитни чегаралаш керак. Акс ҳолда бир мижознинг патта ҳажмдаги кредитни вақтида қайтармаслиги банкнинг ноликвидлиги ва тўловга лаёқатсизлигини келтириб чиқаради.

Тижорат банкларининг тўловга лаёқатлилигини мустаҳкамлаш мақсадида, банк жамғармачиларининг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида Марказий банк мажбурий захиралар миқдорини белгилайди. Гар бир тижорат банки ўзи томонидан 3 йил муддатгача қабул қилинган депозитлардан 20 фоиз, 3 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинган депозитлардан 10 фоиз миқдорида Марказий банкга, захиралар фондига ажратилмалар ҳар ойнинг 1-числосигача банк баланси асосида ҳисобланиб, 5-числога қадар Марказий банкга ўтказилиши лозим. Бу даврда депозит ва жамғармаларнинг ўзгарилишига қараб захира фонди тартибга солиб турилади. Агарда ҳам Марказий банк ҳам тижорат банки белгиланган муддатда ажратмаларни ўтказмаса ёки қайтармаса ўтказилиши, қайтарилиши лозим бўлган суммадан ремолиялаштириш фоиз миқдорини иккига кўпайтириб ҳар бир иш куни учун жарима ундирилади.

Банкларда ташкил қилинган махсус фондларнинг ҳам банкнинг тўловга лаёқатлиликини мустаҳкамлашда аҳамияти катта.

Агар бу фондлар ҳам кредитлаш мақсадида ишлатиб юборилса, фавқулотда ҳолатлар юз бериб қолса, банк ўз ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилигини ушбу фондлар ҳисобидан таъминлай олмайди.

Тўловга лаёқатсизликнинг яна бир сабаби - гаровни баҳолашдаги хатоликка йўл қўйишдир. Гаровни тўғри баҳолаш ва уларнинг баҳоси ўзгариши устидан доимий назорат олиб бориш тўловларда қийинчиликлар келиб чиқишнинг олдини олади.

Баланс ликвидлигининг бузилиши ва тўловга лаёқатсизлик мижозлар молиявий ҳолатини ёмонлигидан ҳам келиб чиқади. Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини тўғри баҳолаш ва улар устидан доимий назоратнинг мавжудлиги кредит рискин

ўз вақтида билиш ва тўловга лаёқатлилиқ бўйича зарур чораларни ўз вақтида кўришни таъминлайди.

Банклар янги операциялар бажаришга бунинг учун махсус тайёрланган кадрларга эга бўлмасдан киришиши оқибатида ҳам тўловга лаёқатсизлиқ келиб чиқиши мумкин.

Бар шахсдан йирик миқдорда депозитлар қабул қилиш уларнинг молиявий ҳолати бирдан ёмонлашган ҳолларда ҳам тижорат банкларида тўловлар бўйича қийинчилиқларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам бир омонатчи (кредитор)га тўғри келадиган максимал хатар ҳажми белгилаб қўйилган.

Тижорат банклари устав капиталининг минимал миқдори ҳам Марказий банк томонидан белгилаб қўйилган. Уни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

10-жадвал

Сана	Аҳолиси сони 0,5 млн.дан ортиқ бўлган шаҳарларда очиладиган тижорат банклари учун	Аҳолиси сони 0,5 млн.дан кам бўлган шаҳарларда очиладиган тижорат банклари учун	Хориж капитали иштирокида очиладиган банклари учун	Хусусий банклар учун
1.01. 1998й.	1,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	0,75 млн. АҚШ доллари эквивалентида	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	0,3 млн. АҚШ доллари эквивалентида
1.01. 1999й.	2,0 млн. АҚШ доллари эквивалентида	1,0 млн. АҚШ доллари эквивалентида	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	0,3 млн. АҚШ доллари эквивалентида
1.01. 2000й.	2,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	1,25 млн. АҚШ доллари эквивалентида	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	0,3 млн. АҚШ доллари эквивалентида

Ҳар бир тижорат банки ўз устав капиталини ҳар кварталлик ажратмалар асосида (йиллик кўзда тутилган ўсишга нисбатан 25%) тўлдиришлари лозим.

Юқоридагилардан ташқари ҳисобни тўғри йўлга қўйиш, бошқаришдаги хато ва камчилиқларни тугатиш, кадрлар малакасини ошириш ҳам банклар тўловга лаёқатлилигини таъминлашга таъсир кўрсатади.

## Адабиётлар:

1. Абдуллаев Ғ.А., Боболулов Т.У. Кредит. 100 саволга 100 жавоб. - Т.: Меќнат, 1996. - 128 б.
2. Абдуллаев Ғ.А., Љоралиев Т. Пул. 100 саволга 100 жавоб. - Т.: Меќнат, 1996. - 160 б.
3. Абдуллаева Ш.З. Пул ва пул тизими. - Т.: Њльитувчи, 1997. - 98 б.
4. Абашина А.М., Симонова Н.Н. Кредит и займы. - М.: Дело, 1997. - 128 с.
5. Абрамова М.А., Александрова Л.С. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебное пособие. - М.: Институт международного права и экономики, 1996.
6. Аленичев В.В., Аленичева Г.А. Страхование валютных рисков, банковских и экспертных коммерческих кредитов. - М.: Ист-Сервис, 1994. - 348 с.
7. Аникин А.В. Защита банковских вкладчиков. - М.: Дело, 1997. - 178 с.
8. Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такоммиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Њзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1998 йил 2 октябр.
9. Анализ экономической деятельности клиентов банка. Под. Рек. Лаврушина О.И. - М.: Инфра-М, 1995. - 152 с.
10. Андросов А.М. Финансовая отчетность банка: практическое руководство по организации бухгалтерского учета и отчетности. - М.: Менатеп. - Информ, 1995. - 459 с.
11. Банклар ва банк фаолияти тўғрисида. Њзбекистон Республикасининг Љонуни. - Т.: Шарљ, 1997. - 48 б.
12. Банковское дело. Учебник. Под. Рек. Гаврушина О.И. - М.: Финансы и статистика, 1998. - 576 с.
13. Банковские операции I, II, III часть, под. ред . Гаврушина О.И. - М.: Инфра-М, 1995. 301 с.
14. Банки и банковские операции под. Ред. Жукова Е.Ф. - М.: ЮНИТИ, 1997. - 387 с.
15. Банковский портфель - 3 т. - М.: СОМИНТЭК, 1995. - 752 с.
16. Балабанов Т.И. Валютные операции. - М.: Финансы и статистика, 1993. - 128 с.
17. Багаусловский М.М. Иностранные инвестиции правовое регулирование. - М.: 1996. - 178 с.

18. Банковский портфель 1,2 кн. Отв. Ред. Коробов Ю.И. и др. - М.: СОМИНТЭК, 1994. - 746 с.
19. Банковский надзор и аудит: Учеб. Пособие под ред И.Д.Мамоновой. - М.: Инфра, 1995. - 112 с.
20. Банковское дело. Учебник - 2-е изд. Под рек. Проф. Колесникова В.И. - М.: Финансы и статистика, 1996. - 480 с.
21. Банки на развивающихся рынках. Под ред. Д.Макнотон и др. - М.: Финансы и статистика, 1994. - 317 с.
22. Банкларда бухгалтерия қисобини юритишга оид меъёрий қужжатлар тўплами ЎРМБ. - Т. 1999. - 68 б.
23. Банк назорати бЎйича меъёрий қужжатлар тўплами. I-лўисм ЎРМБ. - Т. 1999. - 169 б.
24. Банк назорати бЎйича меъёрий қужжатлар тўплами. III-лўисм. ЎРМБ. - Т. 1999. - 76 б.
25. Банк назорати бЎйича меъёрий қужжатлар тўплами. II-лўисм. ЎРМБ. - Т. 1999. - 105 б.
26. Баринoв Э.А. Валютно-кредитные отношения во внешней торговле. - М.: Федеративная Книготорговая компания: 1998. - 269 с.
27. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Внешнеэкономические связи. - М.: Дело, 1998. 512 с.
28. Балабанов Т.И. Риск - менеджмент. - М.: Финансы и статистика, 1996. - 187 с.
29. Банковские операции. - М.: Инфра-М., 1996. - 207 с.
30. Банк тизимини ислоқ лўилиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкаммасининг Лўарори. 1999 й. 15 январ.
31. Безопасность банка. М.: ДЕКА, 1995. - 101 с.
32. Бернштейн Л.А. Анализ финансовой отчетности. - М.: Финансы и статистика, 1996. - 450 с.
33. Берже П. Денежный механизм. - М.: А/О Изд. «Прогресс», 1993. - 144 с.
34. Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. - М.: 1998. - 178 с.
35. Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент. - Киев, 1995. - 215 с.
36. Бромвич М. Анализ экономической эффективности капиталовложений. - М.: Инфра, 1996. - 432 с.
37. Брызгалин А.В. Берник В.Р. Валютный контроль на предприятиях. - М.: Дело, 1997. - 121 с.

38. Бухвальд Б. Техника банковского дела. - М.: А.О. Дис, 1994. - 234 с.
39. Бирман Г. Экономический анализ инвестиционных проектов. Пер с англ. - М.: ЮНИТИ, 1997. - 256 с.
40. Бункина М.Х. Валютный рынок. - М.: А.О. «ДИС», 1995. - 112 с.
41. Бизнес - план фирмы. Комментарий методики составления реальный пример. - М.: Т.Гном-Пресс, 1998. - 88 с.
42. Бор М.З., Пятненко В.В. Стратегическое управление банковской деятельностью. - М.: 1995. - 158 б.
43. Белых Л.П. Устойчивость коммерческих банков. - М.: Банки и биржи. ЮНИТИ, 1996. - 259 с.
44. Буренин А.Н. Рынки производных финансовое искусство коммерции. - М.: Перспектива, 1995. - 153 с.
45. Быкова Ч.В., Стоянова Е.С. Финансовое искусство коммерции. - М.: Перспектива, 1995. - 153 с.
46. Букатин В.И. Финансово-кредитный механизм и банковские операции. М.: Финансы и статистика, 1991. - 254 с.
47. Бункина М.К. Валютный рынок. - М.: МЕТАФИРМ, 1995.
48. Бункина М.К. Валютный рынок. - М.: А.О. ДИС, 1995. - 340 с.
49. Валровен К.Д. Управление рисками коммерческого банка. Рабочие материалы ИЭР. Вашингтон. 1992. - 325 с.
50. Валовая Г.Д. Валютный курс и его колебание. - М.: Финстатинформ, 1995. - 89 с.
51. Валютный портфель. Отв. Ред. Платонова Е.Д. и др. - М.: СОМИНТЭК, 1995. - 681 с.
52. Василинян Э.Н.. Регулирование деятельности коммерческого банка. - М.: Финстатинформ, 1995. - 138 с.
53. Володин А.А. Справочник финансиста предприятия. - М.: Инфра-М, 1996. - 359 с.
54. Велисова Т., Севрук. Банковские риски. - М.: Дело, 1995. - 72 с.
55. Гудков Ф.А. Инвестиции в ценные бумаги. - М.: ЮНИТИ , 1996. - 209 с.
56. Creulich H. «Die Kreditersicherung» Fritz Knapp Verlag, Frankfurt, 1975.
57. Данилевский Ю.А. Общий аудит бирж, внебюджетных фондов и инвестиционных институтов. - М.: Бух. Учет, 1996. - 143 с.

58. Данилов Ю.А. Создание и развитие инвестиционного банка в России. - М.: ЮНИТИ, 1998. - 234 с.
59. Девид Полфремман и др. Основы банковского дела. - М.: Инфра-М, 1996. - 986 с.
60. Денги. Кредит. Банки.: Учебник под. ред. Лаврушина О.И. - М.: Финансы и статистика, 1998. - 448 с.
61. Джон., Д.Дэниелс., Ли Х., Радеба. Международный бизнес. - М.: Дело ЛТД, 1994. - 798 с.
62. Джеффи Д., САКС, Фелипе Ларрен Б. Макроэкономика. Глобальный подход. - М.: Дело, 1996. - 890 с.
63. Джозеф Ф., Синки. М.Л. Управление финансами в коммерческом банке. - М.: Инфра, 1995. - 820 с.
64. Ерпылова Н.Ю. Международное банковское право. - М.: Инфра, 1998. - 264 с.
65. Ефимова Л.Г. Сборник образцов банковских документов. - М.: ЮНИТИ, 1995. - 240 с.
66. Ефимова Е.Т. Банки, ответственность за нарушение при расчетах. - М.: ЮНИТИ, 1996. - 369 с.
67. Жуков Е.Ф. Инвестиционные институты. Учебное пособие. - М.: 1998. - 215 с.
68. Загорий Г.В. О методах оценки кредитного риска. Ж. Деньги и кредит. 1997 № 6 - з.с.
69. Закон Республики Узбекистан «О залоге». 9 декабрь 1992 г.
70. Иванов В.В, Анализ надежности банка М.РДЛ. 1996. - 320 с.
71. Идрисов А.Б. Стратегическое планирование и анализ эффективности инвестиций. - М.: ЮНИТИ, 1996. - 198 с.
72. Инструкция по проведению обязательного страхования заложенного имущества. 29 апреля 1997 г. № 335.
73. Каримов И.А. Ўзбекистон ильтисодий ислоқатларни чульурлаштириш йълида. - Т.: Ўзбекистон, 1995. - 266 б.
74. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - 682 б.
75. Каримов И.А. Ватан туйђуси. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 396 б.
76. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности: условия стабильности и гарантии прогресса. - Т.: Узбекистон, 1997. - 365 с.
77. Каримов И.А. Ўзбекистон Миллий истильлол, ильтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 364 б.

78. Казаков А.П., Минаев Н.В. Экономика. - М.: Инфра, 1996. - 391 с.
79. Кадиров А.К. Анализ финансово-хозяйственной деятельности банка. - М.: Вазар Ферро, 1995
80. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. - М.: РДЛ, 1995. - 136 с.
81. Коган М.Л. Предприятие - клиент банка. - М.: АРКАЮР, 1994. - 214 с.
82. Козлова Е.П. и Галанина Е.Н. Банк и клиент - юридические лица. - М.: Финансы и статистика, 1998. - 128 с.
83. Крейнина М.Н. Анализ финансового состояния и инвестиционной привлекательности акционерных обществ в промышленности, строительстве и торговле. - М.: 1994.
84. Коровкин В.В. Оформление валютных операций. - М.: ПРИОР, 1995. - 208 с.
85. Кристофер А., Блумфильд. . - М.: Инфра, 1996. - 140 с.
86. Кемпбелл Р., Макконнелл., Стенли Брю. Экономикс. . - М.: 1997. I-том - 461 с.
87. Курс экономической теории - Киров: АСА, 1998. - 624 с.
88. Курс экономики. Учебник (Под ред. Б.Райзберга) . - М.: Инфра, 1997. - 720 с.
89. Курс экономики. Учебник (Под ред. Б.Райзберга). - М.: Инфра, 1999. - 205 с.
90. Классификация качества активов, формирования и использования резервов, создаваемых коммерческими банками, на возможные потери по ним Курс экономики. Учебник (Под ред. Б.Райзберга) . - Т.: 11 февраля 1999. № 632.
91. Клаус Р. Как вести дела с банками). - М.: 1996. - 178 с.
92. Кныш М.И. и др. Стратегическое планирование инвестиционной деятельности. Учебное пособие СПб.: Бизнес-Пресса: 1998? - 315 с.
93. Лаврушин О.И. Банковское дело. Учебник. 1998
94. Ларичев В.Д. Злоупотребление в сфере банковского кредитования. Методика их предупреждения. - М.: ЮрИнформ, 1997. - 224 с.
95. Липсиц И.В. Инвестиционный проект. - М.: РДЛ, 1996. - 210 с.
96. Лоренс Дж. Гетман. Основы инвестирования. Пер с англ. - М.: Дело, 1997. - 171 с.

97. Махареви́ч Л.М. Бизнес-план для иностранного инвестора. Учебное пособие.
98. Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менеджмент. - Т.: Академия, 1999. - 136 б.
99. Маликов Т.С. Молиявий лъарор лъабул лъилиш асослари. - Т.: Шарль, 1996. - 64 б.
100. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. В 2 т. Пер с англ. . - Т.: 1.4,3. Деньги, банковское дело и денежная политика. - 264 - 319 с.
101. Милдовидов В.Д, Паевые инвестиционные фонды. - М.: ЮНИТИ, 1998. - 156 с.
102. Маркова О.М. и др. Коммерческие банки и их операции. - М.: ЮНИТИ 1995. - 287 с.
103. Масленченков Ю.С. менеджмент в коммерческом банке. - М.: Перспектива, 1996. - 190 с.
104. Мак Нотон Диана. Банковские учреждения в развивающихся странах. Всемирный банк Вашингтон, 1994. I,II-том.
105. Маргарет Е. Озиус, Блуфорд Х., Путман. Банковское дело и финансовое управление рисками. Рабочие материалы ИЭР. Вашингтон, 1992. - 217 с.
106. Мамонова И.Д. Банковский аудит и надзор. - М.: Инфра, 1995. - 210 с.
107. Мелкумов Я.С., Румянцев В.Н. Кредитные ресурсы: расчеты и анализ. - М.: Бизнес школа, 1996. - 142 б.
108. Международные инвестиции и международные закупки. Под ред. Есипова В.Е. Санкт-Петербург, 1998. - 287 с.
109. Миркин Я.М., Банковские операции. - М.: Инфра, 1996. - 140 с.
110. Молчанов А.В. Коммерческий банк в современной России. - М.: Финансы и статистика, 1996. - 270 с.
111. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистоннинг баръарор банк тизими. Банк ахборотномаси. № 35. 1999 й.
112. Муллажонов Ф.М. и др. Банковская система Узбекистана в годы независимости. - Т.: Узбекистон, 1996. - 218 с.
113. Муллажонов Ф.М. Банк соқаси: маъсадимиз - илтисодиётдан ўзгаришларни жадаллаштириш. . - Т.: «Бозор, пул,кредит», 1999. № 5.
114. Нечаева И.М., Стоянова Е.С. Финансовый и банковский менеджмент. - М.: Перспектива, 1995. - 272 с.

115. Нитецкий В.В., Кудрявцев Н.Н. Аудит предприятия. - М.: Дело, 1996. - 445 с.
116. Общая теория денег и кредита: Учебник (под. Ред. Проф. Е.Ф.Жукова) . - М.: ЮНИТИ, 1995. - 304 с.
117. Овсейчук М.Ф. Финансовый менеджмент. - М.: Дело, 1996. - 311 с.
118. Ольшаный А.И. Банковское кредитование. - М.: РДЛ, 1997. - 351 с.
119. Основы экономической теории. - Минск. Экоперспектива, 1997. - 335 с.
120. Основы экономической теории и практики. - Волгоград, 1994. - 342 с.
121. Олейник О.М. Основы банковского права. - М.: Юрист, 1997. - 215 с.
122. Основы финансового анализа. - М.: Главбух, 1998. - 208 с.
123. Общая теория финансов. Учеб. Под рук. Дрозобина Л.А. - М.: ЮНИТИ, 1995. - 256 с.
124. Основы финансового менеджмента. Холт Роберт Н. Перевод с англ. - М.: Дело, 1995. - 128 с.
125. Основы финансового менеджмента: Как управлять капиталом. - М.: Финансы и статистика, 1996. - 384 с.
126. О максимальном размере риска на одного заемщика или группу взаимосвязанных заемщиков. 2 декабрь 1998 г. № 557.
127. Основные принципы банковского надзора. Bank of England. 1996. - 128 с.
128. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. - М.: 1997. - 462 с.
129. Панова Г.С. Анализ финансового состояния коммерческого банка. - М.: Финансы и статистика, 1996. - 286 с.
130. Пул-кредит бњйича мењерий кужжатлар тњплами ЊРМБ. - Т.: 1999. - 143 б.
131. Петер Штольге. Инвестиционные фонды. Пер. С нем. - М.: 1996. - 215 с.
132. Положение о порядке организации краткосрочного кредитования хозяйствующих субъектов банками на территории Республики Узбекистан. - Т.: 1999. - 95 с.
133. Поляков В.П., Московкина Л.А. Основы денежного обращения и кредита. - М.: Инфра, 1996. - 208 с.

134. Портной М.А, Деньги: их виды и функции - М.Анкил, 1998. - 167 с.
135. Практика банковского дела. Стратегическое управление банковской деятельностью. - М.: Приор, 1995. - 160 с.
136. Putz H.c., «Insolvenzrisiken und kreditversicherung weltweit» in «Oie Bank» Koln juli. 1980.
137. Правила организации стат. Отчетности в банках Республики Узбекистан. 22 март 1999. - 680 с.
138. Дейзберг Б.А. Курс экономики. - М.: Инфра, 1999. - 412 с.
139. Розерберг Д.Ж. Инвестиции. Терминологический словарь. - М.: ЮНИТИ, 1997. - 210 с.
140. Рид Э, Коттер Р. и др. Коммерческие банки. - М.: Космополис, 1994.
141. Роуз П.С. Банковский менеджмент. - М.: Дело, 1995. - 768 с.
142. Роберт С., Портер. Введение в регулирование, надзор и анализ банковской деятельности. Раб. Материалы. ИЭР. 1992.
143. Росс Кадор Е.А. Управление свободными ресурсами банка. - М.: ЮНИТИ, 1996. - 138 с.
144. Садвакасов К. Коммерческие банки. - М.: Ось-89, 1998. - 157 с.
145. Садвакасов К, Сагдиев А. Долгосрочные инвестиции банков. - М.: 1998. - 210 с.
146. Сиротина И.А. Получение кредита под залог. - М.: Приор, 1996. - 80 с.
147. Справочник по страхованию в промышленности. - М.: ЮНИТИ, 1994. - 335 с.
148. Страховой портфель. Портфель делового человека. - М.: СОМИНТЭК, 1994.
149. Соколова Е.М. Предприятие и банк. - М.: 1995. - 96 с.
150. Справочник банкира. - М.: Инфра, 1998. - 430 с.
151. Сотникова Л.В. Аудит кассовых операций. - М.: Финстатинформ, 1996. - 106 с.
152. Сидельникова Л.Б. Аудит коммерческого банка. - М.: ИПЦ, 1996. - 176 с.
153. Суђурталаш тьђрисида»ги Љонун. Т.: Ізбекистон, 1998.
154. Справочник банкира. Под ред. Проф. Уткина Э.А. - М.: ЭКМОС, 1998. - 432 с.

155. Страхование: Принципы и практика. Сос Девид Бланд. - М.: Финансы и статистика, 1998. - 228 с.
156. Стоянова Е.С. Финансовый менеджмент. - М.: Перспектива, 1994. - 61 с.
157. Соврин С.В. Управление банковскими рисками - региональный аспект. Ж.: Деньги и кредит. № 6. 1997. - 11 с.
158. Сухов М.И. Управление банковскими рисками рыночной специализации. Ж.: Деньги и кредит. № 6. 1997. - 17 с.
159. Тагирбеков К.Р. Опыт развития технологии управления коммерческим банком. - М.: Финансы и статистика, 1993. - 63 с.
160. Тимотти У., Кох. Управление банком. 1-4 часть. - Уфа.: Спектр, 1993. - 136 с.
161. Терехов А.А., Терехов М.А. Контроль и аудит. - М.: Финансы и статистика, 1998. - 207 с.
162. Тижорат банклари томонидан иш қалғи учун маблағлар бериш тартиби. ЎРМБ. - Т.: 1999. - 125 б.
163. Тижорат банкларида 1999 йилда берилган кредитлар бўйича фоиз ставкалари. Банк ахборотномаси. № 45, 1999. - 2 б.
164. Уайтинг Д.П. Осваиваем банковское дело. Пер с англ. Под ред. В.А.Микрюкова. - М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1996. - 240 с.
165. Управление банком. - М.: А.О. «МЕНАТЕП-ИНФОРМ», 1995. - 208 с.
166. Управление инвестиционным проектом. Опыт IBM. Пер с англ. - М.: 1997. - 225 с.
167. Управление финансовыми рисками. Рэдхэд К., Хьюс С. - М.: 1996. - 288 с.
168. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. Управление и операции. - М.: 1994. - 320 с.
169. Финансовое искусство коммерции. - М.: Перспектива, 1995. - 153 с.
170. Финансовое управление компанией. Общ. Ред. Кузнецовой Е.В. - М.: Правовая культура, 1996. - 384 с.
171. Финансовый менеджмент в малом бизнесе. - М.: ЮНИТИ, 1995. - 265 с.
172. Ўзбекистон Республикаси молиявий лъонунлари. - Т.: 1998, 1999.

173. Ўзбекистон Республикасида наъд пулсиз ќисоб-китоблар тњђрисида. ЎРМБ, - Т.: 1999. - 106 б.
174. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маќкамасининг Љарори. Банк тизимини ислоќ ѓилиш чора-тадбирлари тњђрисида. Т.: 1999 йил 15 январ.
175. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тњђрисидаги Љонуни. - Т.: Шарљ, 1997. - 47 б.
176. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Шарљ, 1991.
177. Ўзбекистон Республикасида электрон ва наъд пулсиз тњловларни ташкил ѓилиш бњйича меъёрий кужжатлар тњплами. ЎРМБ. - Т.: 1999. - 144 б.
178. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 февралдаги «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суђурта компаниясини ташкил этиш тњђрисида»ги Фармони. - Т.: 1997.
179. Ўзбекистон Республикасининг ѓонунлари. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 96 б.
180. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ѓоидалари» йњриљномаси. № 10. 1997 йил 22 феврал.

**Шарбат Зулфиқоровна Абдуллаева**

**БАНК ИШИ**

**Муҳаррир: А.Ғасанов**

<b>Босишга рухсат этилди</b>	<b>05.01.2000.</b>
	$\frac{1}{4}$
<b>ЎоЎоз бичими</b>	<b>30/42</b>
<b>Ғисоб вараёи</b>	<b>9,5 б.т.</b>
<b>Адади</b>	<b>600</b>
<b>Буюртма</b>	<b>№ 24</b>
<b>Баёси келишилган нархда</b>	
<b>Тошкент Молия институти босмахонасида</b>	
<b>«Riso» нусха кўпайтириш ўрилмасида чоп</b>	
<b>этилди.</b>	
<b>Тошкент, 700084, Ғ.Асомов кўчаси, 7-уй.</b>	

## Адабиётлар рўйхати:

1. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти. 1996 й.
2. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонун. Тошкент: Ўзбекистон нашриёти 1996 й.
3. «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида» 1997 йил 9 сентябрдаги 61 - сонли йўриқнома.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори.
5. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент Ўзбекистон нашриёти 1995 й..
6. «Хўжалик юритувчи субъектларни қисқа муддатли кредитлашни ташкил қилиш қоидалари» 6 март 1996 йил 33-сонли йўриқнома.
7. Абашина А. М. Симонова Н. Н. Кредит и займы. М. 1997 г.
8. Аникин А. В. Защита банковских вкладчиков. М. 1997 г.
9. Асалиев А. И. и др. Банки 95, 1,2 том. М. 1996 г.
10. Банки, информация, анализ. Москва-Вашингтон. 1996, 1-3 том.
11. Бланк А. И. Инвестиционный менеджмент. М. 1996 г.
12. Брызгалин А. В. Берник В. Р. Валютный контроль на предприятии. М. 1997 г.
13. Букадо В. И. и др. Банки и банковские операции. М. 1996 .
14. Бункина М. К. Макроэкономика. М. 1996 г.
15. Валовая Д. Валютный рынок и его колебания. М. 1996 г.
16. Валовой Г. И. История менеджмента. М. 1997 г.
17. Вера Смит. Происхождение Центральных банков. М. 1996.
18. Владимирская А. С. Валютные операции. М. 1996 г.
19. Воронов П. Ю. Страницы истории денег. Н. 1996 г.
20. Гладкова И. Н. Наличные рубли и валюта. М. 1997 г.
21. Глушенко Е. В. и др. Теория управления. М. 1997 г.
22. Горемкин В. А. Лизинг. М. 1997 г.
23. Грудков Ф. И. Инвестиции и ценные бумаги. М. 1996 г.

24. Дорд. Ф. Полфренан Д. Основы банковского дела. М. 1996г.
25. Дробозина Л. А. Финансы, денежное обращение, кредит. М. «Финансы», 1997 г.
26. Ефимова Е. Т. Банки, ответственность за нарушение при расчетах. М. 1996 г.
27. Иванов В. Кассовая работа в коммерческих банках. М. 1996 г.
28. Иванов В. Операционная работа в коммерческих банках. М. 1996 г.
29. Иванов В. В. Как надежно и выгодно вкладывать деньги в коммерческие банки. М. 1996 г.
30. Иванов В. В. Кассовая работа в коммерческих банках. М. 1996 г.
31. Ўзбекистон Республикаси банкларидан очилаётган ҳисоб рақамлари тўғрисида йўриқнома. №1 Тошкент. 1997 йил.
32. Ўзбекистон Республикаси нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қоидалари. Тошкент. 1998 йил.
33. Клаус Р. Как вести дела с банками. М. 1996 г.
34. Ковалев В. В. Финансовый анализ М. 1996 г.
35. Лаврушин О. И. Банковские операции М. 1996 г.
36. Лаврушин О. И. Кредит как экономическая категория. М. 1996 г.
37. Лаптирев Д. А. и др. Планирование финансовой деятельности банка М. 1996 г.
38. Марказий банк банк фаолияти тўғрисида 1995-1998 йиллардаги меъёрий ҳужжатлари
39. Маркова М. и др. Коммерческие банки и их операции М. 1996 г.
40. Маслеченков Ю. С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке. М. 1996 г.
41. Мелкумов Я. С. И др. Кредитные расчеты, ресурсы и анализ. М. 1996 г.
42. Миркин Я. М. Банковские операции, часть 1.2.3. М. 1997 г.
43. Муллажонов Ф. и др. Банковская система Узбекистана в годы независимости Т.: «Узбекистан» 1996 й.
44. Нестерова Т. Н. Банковские операции М. 1996 г.
45. Нечаева И. М. Финансовый и банковский менеджмент. М. 1996 г.

46. Нормативные акты по банковской деятельности за 1995 - 1997 гг. Ташкент 1997 г.
47. Овсийчук М. Ф. и др. Финансовый менеджмент, методы инвестирования капитала. М. 1996 г.
48. Основные принципы банковского надзора. Bank of England 1996 г.
49. Панова Г. С. Анализ финансового состояния коммерческого банка М. 1996 г.
50. Панова Г. С. Банковское обслуживание частных лиц. М. 1996 г.
51. Парфинова К. Г. Парфинова Д. Л. Операционная техника и учет в коммерческих банках. М. 1997 г.
52. Рос Кадор Е.А. Управление свободными ресурсами банка. М. 1996 г.
53. Русинов Ф. М., Никулин А. Ф. Менеджмент и самоменеджмент в системе рыночных отношений, М. 1996 г.
54. Сидельникова Л. Б. Финансовый менеджмент. М. 1996 г.
55. Стоянов Е. С. Финансовый менеджмент. М. 1996 г.
56. Тиммоти У. Ках. Управление банком, 1-часть. М. 1996 г.
57. Уайтинг Д. П. Осваиваем банковское дело. М.:ЮНИТИ 6 1996 г.
58. Уткин Э. А. Банковский маркетинг М. 1996 г.
59. Уткин Э.А. Морозова Е. И. Инновационный менеджмент. М. 1996 г.
60. Фатхудинов Р. А. Разработка управленческого решения М. 1997.
61. Финансовый анализ. Под. Ред. Ефимова О. В. М. 1996.
62. Черкасов В.Е. Финансовый анализ в коммерческом банке. М. 1996 г.
63. Шеррин де Ковин, К. Такки. Стратегия хеджирования. М. 1997 г.
64. Нормативные документы по банковскому надзору. 1.2.3 части. 1998 год 2 декабря. Тошкент. 1999 г.